

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ИРРИГАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ СУВ ЭНЕРГИЯСИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 274-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **ТИҚХММИ доценти., т.ф.н., Т. Мажидов.**

**Такризчи:** **ТИҚХММИ профессори, И.Бегматов**

**Ишчи дастур Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти илмий Кенгашининг 2018 йил 18 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган.**

## **МУНДАРИЖА**

|  | Бет |
|--|-----|
| I. ИШЧИ ДАСТУР .....                                   | 5   |
| <b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ</b> |     |
| ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....                                 | 12  |
| III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ .....                        | 19  |
| IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....                 | 87  |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....                                 | 95  |
| VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....                    | 99  |
| VII. ГЛОССАРИЙ .....                                   | 100 |
| VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....                         | 106 |

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ирригация тармокларида эксплуатация қилинаётган, қурилаётган, лойихаланилаётган, таъмирланаётган ва реконструкция қилинаётган ҳамда лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, улар тўғрисида тўлиқ билим бериш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **«Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш» модулининг мақсад ва вазифалари:**

Мақсади: педагогик кадрларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидағи ирригация тармоқлари, уларнинг ишлаш режими, ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотлар ва уларнинг вазифаси, тұғонлар, сув тұсувларынан сатх құттарувчи иншоотлар, даврий-вегетация давриде ҳамда доимий ишловчы ГЭСлар, эксплуатация қилинаётган, қурилаётган, лойихаланилаётган, таъмирланаётган ва реконструкция қилинаётган ҳамда лойиха-қидируд ишлари олиб борилаётган ГЭСлар бүйічесінде билим, қўникма ва малакани шакллантиришdir.

Вазифаси: ирригация тармоқларидаги эксплуатация қилинаётган, қурилаётган, лойихаланилаётган, таъмирланаётган ва реконструкция қилинаётган ҳамда лойиха-қидируд ишлари олиб борилаётган ГЭСлар ўрнатиладиган ирригация тармоқларининг иш режимлари бүйічесі олинган маълумотларга ишлов беришда замонавий компьютерлардан фойдаланиш бүйічесі амалий қўникмалар ҳосил қилиш.

### **Модул бүйічесі тингловчиларнинг билим, қўникмас, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

«Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ирригация тармоқларининг таркиби;
- ирригация тармоқларининг иш режими;
- ирригация тармоқларидаги ишлов-чи ГЭСларнинг иш режими;
- ирригация тизимлари учун дарёдан сув олиш турлари
- оқимни бошқарып ва бошқар-масдан энергетика учун фойдаланиш.
- замонавий экологик тоза энергия ишлаб чиқарувчи техника ва технологиялар самараси, афзаллигини баҳолаш тұғрисида **билимларга эга бўлиши** зарур.

#### **Тингловчи:**

- ирригация тармоқлари таркиби-га киравчи сув омборлари, магистрал ва ирригацион ҳамда СИУ ва фермер хўжаликларига хизмат қўрсатувчи каналлар ва бошқа сув йўлларини бир-биридан фарқ қилиши
- ирригация тармоқларидаги сув омборлари, магистрал ва ирригацион ҳамда СИУ ва фермер хўжаликларига хизмат қўрсатувчи каналлар ва бошқа сув йўлларини ишлаш даври тұғрисида чукур маълумотга эга бўлиши.
- ирригация тармоқларидаги доимий-тўхтовсиз ёки фаслий-вегетация даврида ёки қиши даврида ГЭСларнинг ишлаш принципини билиши
- оқимни бошқарып ва оқимни бошқармасдан дарёдан сув олиш турларини билиши ҳамда характеристикаларидан фойдаланиб ҳисоблар бажаришни амалга ошириши
- дарёларда ва бош иншоотларда тұғон ёрдамида оқимни бошқариш ҳамда сув сатхини құтариш, магистрал каналларининг шаршарапаридаги ҳамда бўлиш шохобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларидаги оқимни бошқармасдан босим ҳосил қилишни билиши ва ҳисоблаши

- ўз фаолиятида самарали техника ва технологияларни танлай олиш каби **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланишда амалга ошириладиган технологик, ижтимоий, экологик ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш;
- ирригация тармоқлари сув манбаларига қурилган энергетик қурилмалардан фойдаланиб экологик тоза энергия ишлаб чиқаришни амалга ошириш;
- ирригация тармоқлари ҳар хил схемаларида ГЭСнинг узоқ вақт ишлаши ҳамда кўроқ электроэнергия ишлаб чиқариши таъминлайдиган режимларни танлаш ишларини бажариш;
- ирригация тармоқлари сув манбаларига қуриладиган энергетик қурилмалар энергиясидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинларига сув кўтариб берувчи насосларни ишлатиш бўйича **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

«Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш» курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг қуйидаги замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот - коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материалларидан;
  - ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс -сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум
- ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

#### **Модулининг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш» модули йўналишдаги қуйидаги: Олий таълимнинг норматив -хуқукий асослари; илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат; таълим жараёнларида ахборот -коммуникация технологияларни қўллаш; амалий хорижий тил; тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари; маҳсус фанлар модуллари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

#### **Модулининг олий таълимдаги ўрни**

Модул педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| №  | Модул мавзулари   | Тингловчилар ўқув юкламаси, соат |                         |           |           |          |                | Мустакил тайёргарлик |  |
|----|---|----------------------------------|-------------------------|-----------|-----------|----------|----------------|----------------------|--|
|    |   | Хаммаси                          | Аудитория ўқув юкламаси |           |           | жумладан |                |                      |  |
|    |   |                                  | Жами                    | назарий   | амалий    | машгулот | Кўчма машгулот |                      |  |
| 1  | Сув омборлари энергиясидан фойдаланиш: сув омборлари турлари, вазифаси ва конструкциялари. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетика-нинг ривожланиши.                                      | 2                                | 2                       | 2         |           |          |                |                      |  |
| 2  | Сув омборларига ўрнатиладиган гидромеханик ва гидроэнергетик жиҳозларнинг турлари ҳамда уларни эксплуатация қилиш. Гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи.                                   | 4                                | 2                       | 2         |           |          |                | 2                    |  |
| 3  | Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати ва келажақдаги ривожланиш истиқболи.   | 2                                | 2                       | 2         |           |          |                |                      |  |
| 4  | Сув оқимидан ирригация ва энергетика мақсадларида комплекс фойдаланиш   | 8                                | 8                       | 2         |           |          | 6              |                      |  |
| 5  | Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш.  | 2                                | 2                       | 2         |           |          |                |                      |  |
| 6  | Магистрал, ирригацион ва ичимлик суви каналлари ҳамда йирик коллекторларнинг турлари ва улар жойлашган ҳудудлар. Ирригация тармоқлари схемалари.  | 6                                | 6                       | 2         | 4         |          |                |                      |  |
| 7  | Ирригация тармоқларидаги ГЭСлар.  | 4                                | 4                       | 2         | 2         |          |                |                      |  |
| 8  | Тўхтовсиз ёки доимий ишловчи ГЭСлар.  | 4                                | 4                       | 2         | 2         |          |                |                      |  |
| 9  | Тўғонли иншоотлардаги ГЭСлар  | 6                                | 4                       | 2         | 2         |          |                | 2                    |  |
| 10 | Тўғонли иншоотлардаги ва Магистрал каналлардаги ГЭСлар.   | 2                                |                         | 2         |           |          |                |                      |  |
| 11 | Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар ҳамда қиш даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун маҳсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭСлар. | 2                                |                         | 2         |           |          |                |                      |  |
| 12 | Ўз–ўзини таъминловчи қурилмалар   | 2                                |                         | 2         |           |          |                |                      |  |
| 13 | Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар.  | 2                                |                         | 2         |           |          |                |                      |  |
|    | <b>Жами:</b>  | <b>46</b>                        | <b>42</b>               | <b>26</b> | <b>10</b> | <b>6</b> | <b>4</b>       |                      |  |

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу. Сув омборлари энергиясидан фойдаланиш: сув омборлари турлари, вазифаси ва конструкциялари. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетика-нинг ривожланиши.**

Кириш. Сув энергияси-экологик тоза энергия. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ривожланиши. Энергетик режимда эксплуатация қилинувчи ГЭСлар. Ирригация режимида эксплуатация қилинувчи ГЭСлар

**2-мавзу. Сув омборларига ўрнатиладиган гидромеханик ва гидроэнергетик жиҳозларнинг турлари ҳамда уларни эксплуатация қилиш. Гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи.**

Дунёда гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 1-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 2-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 3-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 4-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 5-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 6-босқичи. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг 7-босқичи

**3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати ва келажақдаги ривожланиш истиқболи**

Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг келажақдаги ривожланиш истиқболи. Мамлакатимиз ирригация тармоқларидаги сув объектлари, каналлар ва гидротехник иншоотлар. Ирригацион энергетикани ривожлантириш бўйича Президент ва хукумат қарорлари ҳамда фармойишлари. Ирригация тармоқларидаги кичик ва ўрта ГЭСлар. Ўзбекистон Республикаси сув манбаларининг гидроэнергетик потенциали. Ўзбекистонда эксплуатация ва реконструкция қилинаётган, қурилаётган ва лойиҳаланилаётган ирригация тармоқларидаги ГЭСлар. Кичик ва ўрта ГЭСларнинг халқ хўжалигидаги ўрни.

**4-мавзу. Сув оқимидан ирригация ва энергетика мақсадларида комплекс фойдаланиш**

Гидроэнергетика асослари. Сув ва сув ресурслари. Сув ресурсларининг халқ хўжалигидаги ўрни, миқдори ва тақсимланиши. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларин бошқариш ва тақсимлаш ташкилотлари. Марказий Осиёда сув ресурслари нинг бугунги ахволи. Марказий Осиёда иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири.

**5-мавзу. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш.**

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш. Ўзбекистонда сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш соҳалари. Ирригация режимида эксплуатация қилинадиган сув

омбори ёрдамида ечиладиган муаммолар. Сув тежамкор технологияларни қўллашнинг афзалликлари. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш муаммоларининг ечимлари

**6-мавзу. Магистрал, ирригацион ва ичимлик суви каналлари ҳамда йирик коллекторларнинг турлари ва улар жойлашган худудлар. Ирригация тармоқлари схемалари.**

Ирригация тармоқларининг кўринишлари. Ирригация тармоқларини топографик, дронлар, аэро-космик усулларда суръатга олиш. Ирригация тармоқларининг схемалари. Ирригация тармоқларининг ўзига ўхшаш эгри-бугри схемалари. Ирригация тармоқларининг тўғриланган чизиқли схемалари

**7-мавзу. Ирригация тармоқларидаги ГЭСлар.**

Сув оқими бошқарилмайдиган ирригация тармоқларидаги ГЭСлар. Тўхтовсиз ёки доимий ишловчи ГЭСлар. Вегетация даврида мавсумий ишловчи ГЭСлар. Қиши даврида мавсумий ишловчи ГЭСлар.

**8-мавзу. Тўхтовсиз ёки доимий ишловчи ГЭСлар.**

Тўхтовсиз ишловчи ГЭСлар классификацияси. Тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларнинг бош қисмидаги ГЭСлар. Магистрал каналнинг бош иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш. Катта нишабли эгри-бугри (меандр) шаклидаги дарё ўзанидан фойдаланиш. Дарёга параллел жойлашган магистрал канал босимидан фойдаланиш. Сув олиш бош иншоотидан фойдаланиш.

**9-мавзу. Тўғонли иншоотлардаги ГЭСлар.**

Сув кўтариш тўғонли бош иншоотлардаги ГЭСлар. Самарали сув сатҳини ҳосил қилувчи тўғонлар. Сув сатҳини кўтарувчи тўғондаги ГЭС. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС

**10-мавзу. Тўғонли иншоотлардаги ва Магистрал каналлардаги ГЭСлар.**

Дарёдаги сув сатҳини кўтарувчи тўғонга қурилган ГЭС. Тўғонли деривацион-магистрал каналдаги ГЭС. Тўғонли деривацион каналдаги ГЭС. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС. Магистрал каналлардаги ГЭСлар. Чуқур қазилган Магистрал каналдаги ГЭС. Тўғондаги ва Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСлар (икки ГЭСнинг ишлаш схемаси). Ирригация мақсадларида фойдаланиладиган схемани ирригация ҳамда энергетика мақсадида фойдаланиш схемасига айлантириш

**11-мавзу. Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар ҳамда қиши даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун маҳсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭСлар.**

Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар. Дарёга сувни қайта ташлаб юбориш учун маҳсус ташламаси бўлмаган Магистрал канал шаршарасидаги ГЭС. Қиши даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун маҳсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭС. Шаршарадан ва ташламага ўрнатилган ГЭС. Чуқур қазилма Магистрал каналдаги ГЭС.

### **12-мавзу. Ўз–ўзини таъминловчи қурилмалар.**

Ўз–ўзини таъминловчи қурилмаларни жойлаштириш схемалари. Ерларни суғориш ва ГЭСларни ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юкори қисмига ўрнатилади (1-ҳолат). Гидроаккумуляцион ГЭСларга (ГАЭС) ўхшаш (2-ҳолат). Аму Занг насос станциялари тизимида Оқтепа сув омборининг ўрни.

### **13-мавзу. Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар.**

Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар. Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларидаги ГЭСлар. Турбонасос станциялари. Ирригация тармоқларидаги ўз – ўзини таъминловчи ГЭСлар.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1 -амалий машғулот:** Мамлакатдаги йирик магистрал (ирригацион) каналлар тизимида баҳо бериш.

Республикамиз ирригация ва мелиорация тармоқларидаги йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар билан танишиш. Уларнинг энергоҳажмдорлигига баҳо бериш, топширик учун улардан бирини танлаш.

**2 -амалий машғулот:** Танланган магистрал канал тизимини ўрганиш ва унинг тўғриланган схемасини ишлаб чиқиш.

Танланган ирригацион-мелиоратив объектни ўрганиш ҳамда унинг тўғриланган чизиқли схемасини ишлаб чиқиш. Тўғриланган схемадаги пикетларда энергетик нуқталарни белгилаш.

**3 -амалий машғулот:** Берилган босим бўйича танланган магистрал канал тизимидағи энергетик нуқталарни аниқлаш.

Танланган ирригацион-мелиоратив объектнинг бўйлама қирқимидан, берилган босим бўйича энергетик нуқталарни аниқлаш, энергетик нуқталар ўрнини белгилашда объектнинг туби рельефини ҳисобга олиш

**4 -амалий машғулот:** Танланган магистрал каналнинг энергетик нуқталари жойлашган қисмлари бўйлама ва кўндаланг қирқимларини чизиш

Танланган ирригацион-мелиоратив объектнинг бўйлама кесими ва энергетик нуқталарига мос кўндаланг кесими қиқимларини чизиш ҳамда уларнинг кесим юзаларини хисоблаш.

**5 -амалий машғулот:** Танланган магистрал каналнинг энергетик нуқтала-ри жойлашган қисмининг гидравлик характеристикалари ҳамда энергетик кўрсатгичларини хисоблаш

Танланган ирригацион-мелиоратив объектнинг кўндаланг кесимлар юзаларини хисобга олган ҳолда уларнинг гидравлик ва энергетик характеристикаларини аниқлаш. Ҳар бир энергетик нуқтанинг ҳамда каналнинг умумий қувватини хисоблаш. Объектга ўрнатиладиган ГЭСлар томонидан ишлаб чиқиладиган соатлик ва йиллик электр энергияси микдорини хисоблаб топиш.

**Кўчма машғулот:** Тошкент ГЭСлар каскади эксплуатация қилаётган ГЭСлар билан танишиш

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулни ўқитишда қуйидаги ўқитишиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далилларни тақдим эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Баллар   |
|---|-----------------|---------------|----------|
| 1 | Кейс            |               | 1,0 балл |
| 2 | Мустақил иш     | 2,5           | 1,5 балл |

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



*Намуна: Ирригация тармоқларидағи энергия манбалариниг SWOT таҳлилини ушибу жадвалга туширинг.*

|   |   |   |
|---|---|---|
| S | Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланишнинг афзаллик томонлари | Ирригация тармоқлари сув энергиясидан экологик тоза энергияси ишлаб чиқариш, ҳам ...                          |
| W | Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланишнинг камчилик томонлари | Ирригация тармоқларини доимо сув билан таъминланмаслиги сабабли, кафолатланган энергия ишлаб чиқармаслиги ... |
| O | Ирригация тармоқлариниг имкониятлари                                    | Ўзбекистон ирригация тармоқларида сигими 20 млрд.м <sup>3</sup> га яқин 56 дона сув омборлари ҳамда ...       |
| T | Тўсиқлар (ташқи)  | Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш тўғрисида қонун ишлаб чиқилмаганлиги                         |

### «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнимкамларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:



- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

Фикр: “Ирригация тармоқлари сув манбаларида ишлаб чиқариладиган электр энергияси, иссиқлик электр станциялари ишлаб чиқарадиган электр энергиясига нисбатан афзал туради”.

*Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.*

### **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён килади;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзуякунланади.

**Намуна: Иссиқлик ва ирригация тармоқлари сув манбаларида ишлаб чиқариладиган электр энергияси**

Иссиқлик электростанциялари

Ирригация тармоқлари сув манбаларига ўрнатилган ГЭСлар

афзаллиги

камчилиги

афзаллиги

камчилиги

|  |  |  |
|--|--|--|
|  |  |  |
|--|--|--|

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима -натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни  |
|---|---|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш  | якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш                                   |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш   | индивидуал ва гурухда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш   |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши | индивидуал ва гурухда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш                                 |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.   | якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши |

*Кейс. Ирригация тармоқларига ўрнатилган ГЭСларни йил бўйи эксплуатация қилиши схемаларини мукаммал ўрганинг. Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.*

*Асосий муаммо: ирригация тармоқларидағи ГЭСларни йил бўйи эксплуатация қилиши схемаси ишлаб чиқиши.*

### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чықарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Ирригация тизимлари ишга тушириш учун бажарыладагин ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### **“Ассесмент” методи**

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий қўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий қўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

*Намуна. Ҳар бир катакдаги тўёри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.*



#### **Тест**

- 1. Ирригация тармоқларида энергия ишлаб чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
  - А. тўғонли
  - В. тўғонсиз
  - С. А ва В жавоблар тўғри



#### **Қиёсий таҳлил**

- Тўғонли ва тўғонсиз энергия ишлаб чиқариш усусларини қиёсий таҳлил қилинг?



#### **Тушунча таҳлил**

- Тўғонли ва тўғонсиз энергия олиш усусларининг афзалликларини изоҳланг....



#### **Амалий қўникма**

- Йил бўйи эксплуатация қилинадиган ва қўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарадиган усулни танланг

### **“Инсерт” методи**

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

| Белгилар  | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|--------|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот.                           |        |        |        |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. |        |        |        |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик.               |        |        |        |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?     |        |        |        |

### “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- хар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

*Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”*

| Тушунчалар                                    | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англаади?  | Қўшимча маълумот |
|---|--|------------------|
| Иrrigation тармоқлари сув энергияси манбалари | Гидроэнергия ишлаб чиқариш мумкин бўлган йирик суфориш ва заҳ қочириш магистрал - ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув манбалари |                  |
| Иrrigation тармоқларидағи кичик ГЭСлар        | Суфориш обьектларидаги сув энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи   |                  |

|                 |  |  |
|-----------------|--|--|
|                 | кичик ГЭСлар.  |  |
| Гидравлик таран | Сувнинг гидравлик зарби ҳисобига ишлайдиган қурилма. |  |

Изоҳ: учинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### “Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимидаги фарқлардан «якка баҳо» бўлимидаги фарқлардан «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

*«Ирригация тармоқларидағи энергетик нұқталар ҳамда уларнинг энергетик қобилиятини ҳисоблаши»ни кетма-кетлигини тушунтиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!*

| Ҳаракатлар мазмуни                                  | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гурух баҳоси | Гурух хатоси |
|---|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Энергетик нұқталари бўлган ирригация тизмини танлаш |           |           |             |              |              |

|   |  |  |  |  |  |
|---|--|--|--|--|--|
| Танланган тизимнинг бўйлама ва энергетик нуқталардаги кўндаланг кесимларини чизиш                         |  |  |  |  |  |
| Танланган тизимнинг энергетик нуқталаридағи оқимнинг гидравлик ва энергетик характеристикаларини аниқлаш. |  |  |  |  |  |
| Танланган тизимнинг энергетик нуқталаридағи ҳамда умумий қувватини хисоблаш.                              |  |  |  |  |  |

### “Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Тақдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол -жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1 -мавзу: Сув омборлари энергиясидан фойдаланиш: сув омборлари турлари, вазифаси ва конструкциялари. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ривожланиши.**

### Режа:

Кириш

1.1. Сув энергияси-экологик тоза энергия

1.2. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ривожланиши.

**Таянч иборалар:** экологик тоза; тоза олди ва текислик ҳудуди; глобал; энергетик режим; тўхтосиз; иирик сувомборлари; ирригация режими; вегетация даври; ирригацион-энергетик; ГЭСлар каскади.

### КИРИШ

Табиатда юз бераётган салбий ўзгаришлар инсониятни кундан-кунга ташвишга солмоқда. Бутун дунёда иқлимининг ўзгариши (кўтарилиши) натижасида мангу музликлар эримоқда, шаҳарлар сув остида қолмоқда, ўрмонлар ёнмоқда, ер юзининг барча бурчакларида юз бераётган ер силкинишлари натижасида инсонлар қурбон бўлмоқда, шаҳарлар вайрон бўлмоқда. Ер юзининг жуда кўп мамлакатларида инсонларни ичимлик сувининг етишмаслиги, қурғоқчилик ва очарчилик қийнамоқда, янги-янги касалликлар пайдо бўлмоқда.

Юз бераётган салбий ҳолатларнинг асосий сабаблари - инсониятни табиатига нисбатан нописандалик билан қарashi, ер ости бойликларини керагидан ортиқча кавлаб олиниши, органик ёқилғиларни режасиз ишлатилиши, йирик майдонлардаги ўрмонларнинг кесиб йўқ қилиниши, ер усти ва ер ости сувларини ифлослантирилиши, атроф-мухитга зарар келтираётган технологияларни токомиллаштирилмаётганлиги ёки жуда кам маблағлар сарфланиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда инсоният, табиатига зарар келтирмайдиган экологик тоза энергетик ресурсларни кидирмоқда. Атроф-мухитга зарар келтирмай инсоният хизматини бажарадиган энергия, табиатда мавжуд бўлган экологик тоза табиий энергиялардир. Сув, қуёш, шамол, геотермал сувлар, гейзерлар, тўлқинлар, сув сатхининг кўтарилиб-тушиши, вулқонлар, чақмоқлар, йирик торнадо-қуюнлар, океан ва денгизлардаги ҳар хил оқимлар, биомасса, биогаз, водород ёқилғиси, шахар чиқиндилари, фотосинтез, фотоэлектрик ўзгартирувчилар, химик (галваник) элементлар ҳамда бошқалар, экологик тоза энергия ишлаб чиқариш мумкин бўлган ноанаънавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларига киради.

Мамлакатимизда қуёш ва шамол каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан ташқари, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминловчи, катта-кичик дарёлар, ирригация каналлари, сув омборлари, катта коллекторлар, сойлар, баланд тоғлардаги булоқлар, термал сувларга жуда бойдир.

Экологик тоза энергия ишлаб чиқариш манбаларидан бири, қайта тикланувчи энергия манбаси бўлган сув энергиясидир. Сув энергияси ва ундан энергия олиш усуулларини эса, гидроэнергетика фани ўргатади. Гидроэнергетика фан сифатида энергия олиш ва ундан фойдаланиш усуулларини ўз таркибига олади. Гидроэнергия олиш усууллари маълум сув манбаидан фойдаланиш схемасига, яъни гидрологик, гидротехник ва энергоиктисодий асосланишига боғлиқдир.

Мамлакатимиз худуди, тоғ олди ва текислик қисмларда жойлашганли-ги учун йирик гидроэнергетик иншоотлар қуришнинг имкони йўқ. Чунки тоғ олди ва текислик рельефларида йирик гидротехник-гидроэнергетик иншоотлар қурилиши натижасида, жуда катта ҳудудлар сув остида қолиб кетади. Шунинг учун ҳозирги кунда Ўзбекистонда гидроэнергетикани, тўғридан-тўғри ирригация тармоқларига қурилиб эксплуатация қилинадиган кичик ва ўрта ГЭСлар орқали ривожлантириш мумкин.

Ушбу дарсликда талабаларга Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланиши, ирригация тармоқларидаги сув оқимидан ирригация ва энергетика мақсадларида комплекс фойдаланиш, ирригация тармоқларидаги сув оқимидан уни бошқармасдан фойдаланиш, ирригация тармоқ-ларидаги сув оқимини бошқариш орқали сув энергиясидан фойдаланиш ва бошқалартўғрисида маълумот берилади. Дарсликни тайёрлашда айрим схемалар 1933 йилда Т.А. Колпакова томонидан тайёрланган «Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись)» номли қўлёзма маърузалар матнидан олинди. Бундан ташқари илмий-техник ҳисботлар ва лойиҳа материалларидан ҳам фойдаланилди.

Ўрта Осиё минтақасида сув ресурсларидан асосан сугориш мақсадида фойдаланилган. Аммо, сув манбаларининг шаршарали қисмларидаги сув оқимининг гидравлик энергиясидан, сув тегирмонларининг тошларини айлантиришда фойдаланишган. Тегирмонлардан чиқаётган сувлар эса, сугориш учун узатилган, яъни ўша вақтларда ҳам ирригация тизимларининг сув энергиясидан фойдаланиш оддий кўринишида амалга оширилган.

Мамлакатимизда, сув ресурсларининг гидравликэнергиясидан электр энергияси ишлаб чиқариш, биринчи бўлиб, 1926 йилда Бўзсув каналида курилган «Бўзсув»

гидроэлекр станциясида (ГЭС) амалга оширилган. Ўтган асрнинг 60-йилларигача йирик ирригацион каналларда ГЭСлар каскади (Чирчик-Бўзсув ГЭСлар каскади), ирригация тизимларидағи каналларда эса кўплаб қишлоқ ГЭСлари қурилиб ишга туширилди. Кейинчалик катта дарёларда йирик сув омборли ГЭСлар, атом ва иссиқлик электростанция-ларининг қурилиб ишга туширилиши натижасида, кичик ГЭСларни қуриш ва улардан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди.


Хозирги кунда жамиятнинг ривожланиши, унинг энергия билан таъминланганлиги билан белгиланади. Аммо энергия истеъмолининг кундан-кунга ошиб бориши ҳамда уни ишлаб чиқариш учун органик ёқилғилардан фойдаланиш, атроф-мухитни глобал ифлосланишига олиб келмоқда ва натижада инсоният ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Шунинг учун ҳозирги кун энергетикасининг долзарб масалаларидан бири, экологик тоза, қайта тикланадиган ноанаънавий энергия манбаларидан фойдаланишdir.

Тоза экологик энергия ишлаб чиқариш мумкин бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири - сув энергиясидир. Мамлакатимизда сув энергиясидан электр энергиясини, асосан, ирригация тармоқлари-(магистрал, хўжаликлараро ва ички хўжалик тармоқларидаги каналлар, коллектор-зовур тизимлари, сув омборлари, сел-сув омборлари, сойлар, булоқлар ва бошқалар)га, ирригация режимида ишлайдиган кичик ва ўрта ГЭСлар қуриб, уларни эксплуатация қилиш орқалиишлиб чиқариш мумкин.

Ирригация тармоқларида кичик ва ўрта ГЭСларни лойиҳалаш учун лойиҳа-қидиув ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, қуриш, самарали эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун, ирригация тармоқларидаги гидротехник иншоотларнинг турлари, уларнинг конструкциялари ва вазифалари, эксплуатация қилиш режимлари, сув манбаларининг табиий режими, қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даври ва сугориш режимлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлган мутахасссларни тайёрлаш тақоза этилади. Чуқур билимли бакалавр ва магистрларни тайёрлаш учун эса, уларни ўзбек тилида тайёрланган, замон талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар билан таъминлаш зарур.

### **1.1 Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетикаиниг ривожланиши.**

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги учун йилига ўртacha 52-56 млрд.м<sup>3</sup> сув ресурсларидан фойдаланилади. Мамлакат худуди, минтақадан ўтадиган дарёлар(Амударё ва Сирдарё )нинг тоғ олди ва текислик қисмларида жойлашганлиги учун йирик гидроэнергетик иншоотлар (сув омборлари, гидроэлектростанциялар(ГЭС) қуришнинг имкони йўқ. Чунки тоғ олди ва текислик рельефларида йирик гидротехник-гидроэнергетик иншоотлар қурилиши натижасида, жуда катта ҳудудлар сув остида қолиб кетиши мумкин (1.1-расм).




**1.1-расм. Дарё ҳудудлари ва уларга қурилган сув омбори натижасида сув сатхининг ёйилиш чегаралари.**

Шунинг учун хозирги кунда Ўзбекистонда гидроэнергетика, тўғридан-тўғри ирригация тармоқларига қурилиб ирригация режимида эксплуатация қилинадиган кичик ва ўрта ГЭСлар орқали ривожлантирилиши мумкин.

## **1.2 Энергетик ва ирригация режимида ишловчи ГЭСлар.**

Энергетик режимда тўхтовсиз ишлайдиган ГЭСлар, ГЭСларни йиллик ва кўп йиллик сув билан таъминловчи, тоғ ва тоғолди дарёларига қуриладиган сув омборли тўғонларга ўрнатилади. Тўхтовсиз энергетик режимда ишлайдиган ГЭСлар, ирригация режимида - экинларнинг вегетация даврига боғлиқ ҳолда ишлайдиган ГЭСлардан кескин фарқ қиласди. 1.2-расмда ҳар хил режимда ишлаётган сув омбори кўрсатилган

Ирригация тизимиға қурилиб эксплуатация қилинаётган кичик ГЭСлар **ирригация режимида**, яъни фақатгина экинларнинг вегетация-сугориш даврида (3 ой, 6 ой 9 ой ва ҳоказо) ишлайди (Масалан, Чирчиқ-Бўзсув ирригация тизимидағи 22 дона ГЭСлар каскади). Чирчиқ-Бўзсув энергетик каскади 1.3-расмда кўрсатилган. Ирригация режимида ишлайдиган ГЭСлар, тўхтовсиз энергетик режимда ишлайдиган ГЭСлардан кескин фарқ қиласди.



**1.2-расм. Ҳар хил режимда ишлаётган сув омборининг сув сарфлари:**  
**1-ирригацион; 2-энергетик; 3-багажникова-(ирригацион-энергетик); 4-сув омборига ўртасча кўп йиллик сувни оқиб келиши.**

#### **Назорат саволлари:**

1. Нима учун ер юзида экологик ҳолат ўзгариб бормоқда, унинг сабалари нимада?
2. Экологик тоза энергия деганда қандай энергияни тушунасиз?
3. Сув энергияси қандай энергия?
4. Мамлакатимиз рельеф жиҳатидан қайси худудларда жойлашган?
5. Республикаизда гидроэнергетика қайси сув манбаларида ривожланади?
6. ГЭСларни энергетик режимда эксплуатация қилиш деганда нимани тушунасиз?
7. ГЭСларни ирригация режимида эксплуатация қилиш деганда нимани тушунасиз?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advanced Renewable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.



### **1.3-расм. Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади.**

**2-мавзу. Сув омборларига ўрнатиладиган гидромеханик ва гидроэнергетик жиҳозларнинг турлари ҳамда уларни эксплуатация қилиш. Гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи.**


**Режа:**

- 2.1. Дунёда гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи.
- 2.2. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи ва Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланишининг босқичи

**Таянч иборалар:** гидроэнергетика; ривожланиши тарихи; «текин ёкилги»; сувнинг табиатда айланиси; гидрокуч қурилмалари; сув гидрираклари; буг машиналари; гидравлик турбиналар; биринчи босқич; иккинчи босқич; учинчи босқич; тўрттинчи босқич; бешинчи босқич; олтинчи босқич; еттинчи босқич.

**2.1 Дунёда ва Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг ривожланиш тарихи.**


Баланддан тушиб сув ғилдирагини айлантираётган сув энергиясидан қадим замонларда тегирмон тошларини айлантиришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилган. Биринчи марта 1882 йилда ГЭСлар ёрдамида сув энергиясидан электрэнергия ишлаб чиқарилган. ГЭСнинг ишлаш тарзи жуда содда. Юқоридан тушаётган сувнинг кинетик энергияси ёки сув устуни баландлигининг потенциал энергияси, гидрогенераторга уланган гидротурбина валини айлантириш орқали электр энергияси ишлаб чиқарувчи фойдаланилади (2.1-расм).



**2.1 -расм. Гидроагрегат:**

**1 -гидротурбина; 2 - гидрогенератор.**

ГЭС «текин ёкилғи» сув билан ишлайди ва сув манбалари табиатда қуйидагича харакатланади: қуёш энергияси сувни буғлантиради (океан, денгиз, дарё, сув омборлари, каналлар ва бошқалардаги сув юзасидан); ҳаво оқимлари сув буғларини бир минтақадан иккинчисига суреб келади; сув буғлари ёмғир ва қор шаклида яна ерга қайтиб тушади. Ер юзасига тушган сувнинг бир қисми яна буғланиб кетади, колганлари йиғилиб, фойдаланилгандан сунг яна дарёлар ҳамда денгизлар орқали яна дунё океанига қайтиб кетади (2.2-расм). Бу жараёнга сувнинг табиатда айланиси дейилади.



**2.2-расм. Табиатда сувнинг айланиши.**

Биринчи гидрокуч қурилмаларидан IX асрдан бошлаб фойдаланил-ғанлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. XVIII асрнинг бошларида гидрокуч қурилмаларидан ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида фойдаланиш авж олиб кетди. Масалан, XVIII асрнинг охирларида Россияда гидрокуч қурилмалари билан ишлайдиган заводларнинг сони 3000 донадан ошиб кетган. Гидрокуч қурилмалари сув ғилдираклари шаклида бажарилиб, ундан ҳосил бўладиган механик куч ҳаракатга келтириладиган машиналарга тасмалар, кейинчалик тишли узатмалар орқали узатилган. Уларда камчиликлар жуда кўп бўлган: куввати кичик, конструкцияси жуда катта, фойдали иш коэффициенти жуда кичик бўлган. Энг асосийси, улардан фойдаланадиган корхоналар сув манбалари қирғоқларига қурилган ва манбадаги сувнинг сатҳи ҳамда сарфига боғлиқ бўлган.

XIX аср бошларида эса сув манбалари қирғоғига ўрнатилган гидрокуч қурилмалари ўрнига буғ машиналари кўлланила бошлади. Буғ машиналарини ҳаракатга келтириш учун ҳам ёқилғи манбаси зарур эди. Ёқилғи манбаси бўлмаган жойларда уларни қўллашни имкони йўқ эди, чунки у вактда транспорт воситалари жуда кучсиз эди. Бундан ташқари буғ машиналарини эксплуатация қилиш, гидрокуч қурилмаларини эксплуатация қилишга нисбатан қимматроқ эди. Аммо буғ машиналарини ҳоҳлаган жойда ўрнатиш имкони борлиги туфайли, улар гидрокуч қурилмалари-сув ғилдиракларини сиқиб чиқарди.

Таниқли олимлардан Д.Бернулли, Я.Сегнер ва Л.Эйлерлар янги турдаги сув ғилдиракларининг назариясини ишлаб чиқдилар. Шундан сунг олимлар томонидан янги турдаги гидрокуч қурилмаларининг жуда кўп конструкциялари ишлаб чиқилди ва улар гидравлик турбиналар деб атала бошлади. Гидравлик турбиналар, гидрокуч қурилмалари-сув ғилдиракларига нисбатан ихчамилиги ва қувватлироқлиги билан ажралиб турарди.

Биринчи реактив гидравлик турбина, 1837 йили рус гидротехники И.Е Сафонов томонидан тайёрланди. Унинг ФИК 53 % га, кейинчалик қурилган ушбу турдаги турбинанинг ФИК 70 % га етказилди. 1881 йили Пельтон актив (чўмичли) турбинанинг конструкциясини ишлаб чиқди. Аммо бу турбиналар ҳам ўзлари ҳосил қилган механик

энергияни истеъмолчиларга узатар эди. Ҳали гидравлик энергияни механик энергияга сунгра электр энергияга айлантириб истеъмолчига узатиш ишлаб чиқилган эмас эди.

1887 йили Ф.А Пироцкий биринчи марта гидроэлектростанциялар тўғрисидаги ғоясини эълон қилди. Аммо ҳали ўзгарувчан электр токи ишлаб чиқишга ва уни узоқ масофаларга узатиш йўлга қўйилмаган эди.

1888 йили рус инженери М.О.Доливо-Добровольский уч фазали ток тизимини яратди. 1891 йили эса у, Германиядаги Неккар дарёсига гидрокуч қурилмасини ўрнатиб, 300 от қучига тенг қувватни 175 км га узатишга мувофиқ бўлди. 1891 йилда Петербургда, Нева дарёсининг ирмоги Охта дарёсидаги ГЭСга 120 ва 175 кВт қувватли генераторлар ўрнатилди. Шундай қилиб бутун дунёда, сув оқимининг гидравлик энергиясини механик энергияга айлантириб берувчи гидротурбиналарга уланган гидрогенераторлар орқали, узоқ масофаларга узатиш мумкин бўлган уч фазали электр токи ишлаб чиқарила бошлади.

## **2.2 Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг босқичлари**

Мамлакатимиз ҳудудида бундан 3000 йиллар аввал ҳам, сув энергиясидан тегирмон тошларини айлантирувчи сув ғилдиракларини ҳаракатга келтиришда, чархпалак шаклидаги сув ғилдираклари билан юқорига сув кўтаришда фойдаланиб келинган. Сув манбаларига электр станциялари-ГЭСлар қуриб электр энергияси ишлаб чиқариш 1926 йилдан бошланган. Юртимизда гидроэнергетиканинг ривожланишини 7 босқичга бўлиш мумкин.

**Биринчи босқич(1923-1941 йиллар).** Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкент шахридан ўтадиган Бўзсув каналига 4 000 кВт қувватга эга бўлган Бўзсув ГЭСи қурилиши бошланди. Бўзсув ГЭСи 1926 йили 1 майда ишга туширилди. 1930 йилда Бўзсув каналида 13 000 кВт қувватли Қодрия ГЭСининг қурилиши бошланди ва 1933 йили ишга туширилди.

Бу босқичда Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистондаги сув йўлларига ГЭСлар қуриш мумкинлиги асосланди ҳамда Фарғона ва Марғилон шаҳарларини электр энергияси билан таъминлаш учун Исфайрам сойга қуриладиган Исфайрам ГЭСи, Самарқанд шаҳрини электр энергияси билан таъминлаш учун Дарғом каналига қуриладиган Хишрау ГЭСнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Чирчиқ дарёсида қуриладиган Тавоқсой ва Комсомол ГЭСлари учун лойиҳа-қидириув ишлари амалга оширилди. 1932 йилдан Чирчиқ дарёсига қуриладиган ГЭСлар каскади қурилиши бошланди.

Марказий Осиё сув йўлларига қуриладиган ГЭСларни лойиҳа-қидириув ва лойиҳа ишларини амалга ошириш учун 1930 йилда «Средазгидропроект» институти ташкил қилинди. Ушбу институт Бўзсув каналида 1933 йилда қурилиши бошланган ва 1936 йилда ишга туширилган 8 000 кВт қувватли Бўржар ГЭСи ҳамда 15 000 кВт қувватли Оқтепа ГЭСи учун ишли чизмаларни тайёрлади. Ўнлаб кичик қишлоқ ГЭСлари лойиҳаланди ва қурилди.

Биринчи босқичда Марказий Осиё бўйича 120 000 кВт қувватга эга бўлган 9 дона ГЭСлар қурилиши бошланиб, 76 500 кВт қувватга тенг бўлган 7 дона ГЭСлар ишга туширилди.

**Иккинчи босқич(1941-1950 йиллар).** Ушбу босқич Марказий Осиё энергетикаси, хусусан Ўзбекистон энергетикаси учун ҳам энг масъулиятли даврлардан бири бўлди. Чунки иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан жуда кўп мудофаа корхоналари Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Уларни жуда қисқа вақт ичидаги ишга тушириб, фронт

учун қурол-аслача ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур эди. Мудофаа корхоналарини ишга тушириш учун эса катта миқдорда энергия талаб қилинади. Шунинг учун Ўзбекистонда жуда қисқа вақт ичидаги Чирчик-Бўзсув сув йўлида ва бошқа сув йўлларида кўплаб ГЭСлар лойиҳа қилинди ва қурилди.

Бир йил(1943-1944йил 15 ой)да Салор ГЭСи ҳамда (1942-1943 йилларда) 3-Оққовоқ ГЭСи қурилиб ишга туширилди. Уриш кетаётган бир вақтдашу давр учун энг катта ҳисобланган 126 000 кВт қувватли Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланди. 1943 йили халқ ҳашари йўли билан бошланган қурилиш, 1949 йили тугатилди.

Бу даврда лойиҳачилар ва қурувчилик техник ҳамдаишлиб чиқариш масалаларини ҳал қилишда жуда катта билимдонлик ҳамда жонбозлик кўрсатдилар. Натижада иқтисодий арzon ва ноёб ечимли гидротехник иншоотлар, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Масалан, янги, минорали сув ташлагичларни, арzon турдаги сув энергиясини сўндирувчиларни, арматура-ғиштли ва йиғма темир-бетон конструкцияларни, тупроқ тўғонлар қуришдаги «хўл усулни», опалубкасиз бетонлашни, энергетик жиҳозларни бир-бирига монтаж қилиш(улаш)ни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

1948 йили Ўзбекистон энергетиклари энг улкан ютуқни кўлга киритдилар. Фарҳод ГЭСининг биринчи агрегати ишга туширилди, натижада Мирзачўл ва Даъварзин чўлларида 500 000 гектар ерларни Сирдарё суви билан суфориш имкони туғилди. Ҳаммаси бўлиб бу босқичда 296 000кВт қувватга тенг бўлган 26 дона ГЭСларнинг қурилиши бошланиб, улардан 285 000 кВт қувватга тенг бўлган 21 дона ГЭС қурилиб ишга туширилди.

**Учинчи босқич(1951-1960 йиллар).** Бу босқичнинг охирига келиб, текислиқда жойлашган дарёларнинг деярли ҳаммасига қурилиши мумкин бўлган ГЭСлар қуриб бўлинди.

Ўзбекистонда-Шайхонтохур, 3-4-6-Қуий Бўзсув, 7-Шахрихон, 1-3-Наманган, Хишрау, Ертешар ГЭСлари қуриб ишга туширилди. Бу босқичда аввалги босқичлардагидек кичик ва ўртacha ГЭСлар эмас балки, дарё ўзанларига катта ва улкан ГЭСлар қурилиши бошлаб юборилди.

Сирдарё сувидан фойдаланишини тартибга солиш учун унинг ўзанида Қайроққум сув омбори ва ГЭСи (1951 йили қурилиш бошланиб, 1957 йили тугаган) ҳамда Чордара сув омбори ва ГЭСи (1959 йили қурилиш бошланиб, 1966 йили тугаган) қурилиб ишга туширилди. Марказий Осиёда энг катта ГЭСлардан бири ҳисобланган 180 000 кВт қувватга тенг бўлган 1-Учқўргон ГЭСи (1956 йили қурилиш бошланиб, 1964 йили тугаган) ишга туширилган.

Ушбу босқичда ҳаммаси бўлиб 842 000 кВт қувватга тенг бўлган 20 дона ГЭСларнинг қурилиши бошланиб, 888 000 кВт қувватга тенг бўлган 23 дона ГЭС қурилиб ишга туширилган.

**Тўртинчи босқич(1961-1970 йиллар).** Тўртинчи босқичда Марказий Осиёдаги гидроэнергетик қурилишлар, дунё амалиётида мисли кўрилмаган натижаларга эришди. Баланд тўғонли ГЭСлар қурилиши бошланди. Амударёнинг Вахш ирмоғига дунёда энг баланд -300 м ли, тупроқ тўғонли, қуввати 2 700 000 кВт қувватга тенг Нурек ГЭСи, Сирдарёнинг асосий ирмоғи - Норин дарёсига тўғонининг баландлиги 215 м бўлган, 1 200 000 кВт қувватга тенг Тохтағул ГЭСи ҳамда Чирчик дарёсига тўғонининг

баландлиги 168 м бўлган 600 000 кВт қувватга тенг Чорвоқ ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди.

Баланд тўғонли ГЭСларнинг қурилиши, улкан гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуришни, тоннеллар қурилиши ишларини сифатли бажаришга олиб келди. Мураккаб геологик шаритдан ўтган тоннелларни ҳамда улкан гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш, энг баланд тўғонларнинг қурилиши бу босқични сифат жиҳатидан ажралиб турганини кўрсатиб туриди.

Ҳаммаси бўлиб бу босқичда умумий қуввати 4 558 000 кВт қувватга эга бўлган 8 дона ГЭСлар қурилиши бошланиб, уларнинг барчаси қуриб бўлинди ва улар ишлаб чиқарадиган электроэнергия микдори 5 560 000 кВт етказилди.

**Бешинчи босқич(1971-1980 йиллар).** Бу босқич Марказий Осиёning улкан гидроузелларида ҳали тўлиқ қуриб битказилмаган тўғонлардаги биринчи агрегатларни паст босимларда ишга туширишни нишонлашдан бошланди. 1971 йилнинг бошида Чорвоқ ГЭСи, 1972 йилнинг охирида Нурек ГЭСи ва 1975 йилнинг бошида Тохтағул ГЭСларининг биринчи агрегатлари ишга туширилди. 1972 йилнинг июл ойида Чорвоқ ГЭСининг 600 000 кВт қувватга тенг тўртала агрегати ҳам ишга туширилди.

1973 йилнинг май ойида, Нурек ГЭСининг 300 000 кВт қувватли уч дона агрегатларига вактинчалик иш ғилдираклари ўрнатилиб, паст босимларда ишга туширилди. 1976 йилнинг охирида 300 000 кВт қувватли бир дона агрегати ҳисоб схемаси бўйича ишга туширилди, 1979 йилда эса Нурек ГЭСи тўлиқ қувват билан ишлай бошлади.

1979 йили Тохтағул ГЭСининг умумий қуввати 1 200000 кВтбўлган тўртала агрегати ҳам ишга туширилди. 1976 йилда Норин дарёсида 800 000 кВт қувват олиши режалаштирилган Курупсой ГЭСининг қурилиши бошлаб юборилди.

1976 йилнинг октябр ойида Марказий Осиёда энг катта қувватли Рогун ГЭСини қуришга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Вахш дарёсига қуриладиган, умумий қуввати 3 600 000 кВт қувватга мўлжалланган ГЭС тўғонининг баландлиги 335 м бўлиб, маҳаллий қурилиш материалларидан барпо қилиш режалаштирилган эди.

Ҳозирги кунда Рогун ГЭСи сув омбори қуриладиган створда тузли қатламлар борлиги ҳамда сув омбори кучли зилзилалар рўй берадиган ҳудудда жойлашганлиги сабабли, мамлакатимиз мутахассислари ушбу ГЭСни қуриш мақсадга мувофиқ эмаслигини исботлашди. Юқорида келтирилган ёки бошқа сабабларга кўра фалокат рўй берган тақдирда, ушбу гидрографик зонада жойлашган Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон мамлакатларига жуда катта зарап етказилади.

1976 йилда Чирчик дарёсига қурилган Хўжакент ГЭСида, қуввати 55 000 кВт бўлган уч дона агрегати ишга туширилди ва 120 000 кВт қувватли Ғазалкент ГЭСининг қурилиши бошлаб юборилди. Шу йили Оқбўра дарёсида баландлиги 120 м, ҳажми унча катта бўлмаган Папан сув омбори қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Амударёдаги Туямўйин гидроузелидаги 150 000 кВт қувватли ГЭСининг қурилиши давом эттирилди.

Бу босқичда ҳаммаси бўлиб умумий қуввати 4 835 000 кВтбўлган 5 дона янги ГЭСларнинг қурилиши бошланиб, улардан 3175000 кВт қувватли 4 дона ГЭС қурилиб ишга туширилди.

**Олтинчи босқич(1980-1991 йиллар).** Ушбу босқичда қурилаётган ГЭСлардаги ишлар тутатилиб улар ишга туширилди. Асосан, эксплуатация қилинаётган ГЭСларни

узлуксиз ишлашини таъминлаш учун таъмирлаш вареконструкция қилиш ишлари бажарилиб турди.

**Еттинчи босқич (1991 йилдан ҳозирги кунгача).** Мамлакатимиз мустақиллика эришгандан сунг, халқ хўжалигини энергияга бўлган талабини қондириш ҳамда экологик тоза энергия ишлаб чиқариш учун, ирригация тармоқларидағи сув обьектларига кичик ва ўрта ГЭСлар қуриш режалаштирилди. Ушбу босқич бўйича ҳозирги кунда ирригация тармоқлари - магистрал, хўжаликларо ва ички хўжалик тармоқларидағи каналлар, коллектор-зовур тизимлари, сув омборлари, сел-сув омборлари, сойлар, булоқлар ва бошқаларга кичик ва ўрта ГЭСларни қуриш учун лойиха-қидирав, лойиха, қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

2017 йилнинг 18 май куни мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу оламшумул Фармонда, ирригация тизимла-ридаги ГЭСларга неча йиллардан буён бўлиб келаётган икки ҳокимиятчилик-ДАК «Ўзбекэнерго»ги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи «Ўзсувэнерго» бирлашмаси каби ташкилотлар тутатилиб уларнинг ўрнига ягона ташкилиот «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси 7-босқичдаги ишларни амалга оширишдан иборатdir.

### **Назорат саволлари:**

1. Табиатда сувнинг айланиши қайси режимда амалга ошади?
2. Гидроэнергетика қандай энергия?
3. Дунёда гидроэнергетика қандай ривожланди?
4. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланиши неча босқичга бўлинади?
  - 4.1. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 1-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.2. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 2-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.3. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 3-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.4. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 4-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.5. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 5-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.6. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 6-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?
  - 4.7. Ўзбекистонда гидроэнергетика ривожланишининг 7-босқичида қандай ишлар амалга оширилди?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, “Voris” nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. 12. Шестьдесят лет каскаду Нижне-Бозсуйских ГЭС. Ташкент, 2010. – 48 с.

### **3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати ва келажақдаги ривожланиш истиқболи.**

#### **Режа:**

- 3.1. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати.
- 3.2. Ўзбекистонда гидроэнергетиканинг келажақдаги ривожланиш истиқболи.
- 3.3. Мамлакатимиз ирригация тармоқларидағи сув объектлари, каналлар ва гидротехник иншоотлар.

**Таянч иборалар:** сув энергияси; ирригация тармоқлари; «Суввойиҳа» институти; муқобил энергия манбалари; ДАК «Ўзбекэнерго»; «Ўзсузвэнерго» бирлашмаси; «Ўзбекгидроэнерго» АЖ; гидроэнергетик потенциал; умумий гидроэнергетик потенциал; техник гидроэнергетик потенциал; соф гидроэнергетик потенциал; умумий энерготармоқ; индивидуал энерготормоқ.

#### **3.1 Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати ва келажақдаги ривожланиш истиқболи.**

Маълумки ўтган асрнинг 20 йилларидан бошлаб дунёда кичик электростанциялар куриб улардан фойдаланиш авж олиб кетди. Кейинчалик (1960 йиллардан бошлаб) катта дарёларда йирик сув омборли ГЭСлар курила бошлади. Атом ва йирик иссиқлик ҳамда ГЭСларнинг қурилиши натижасида эса, кичик ГЭСларни қуриш ва улардан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди.

Ҳозирги кунда жамиятнинг ривожланишини унинг энергия билан таъминланганлиги белгилайди. Аммо энергия истеъмолининг қундан-қунга ошиб бориши ҳамда уни ишлаб чиқариш учун органик ёқилғилардан фойдаланиш, атроф-муҳитни глобал ифлосланишига олиб келмоқда ва натижада инсоният ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Шунинг учун ҳозирги кун энергетикасининг долзарб масалаларидан бири, экологик тоза, қайта тикланадиган ноанаънавий энергия манбаларидан фойдаланишdir.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири-сув энергиясидир. Сув энергиясидан фойдаланиб электроэнергия ишлаб чиқариш учун улкан ҳажмли энергетик сув омборлари қуриш лозим. Унда тоғ олди ва текислик рельефли мамлакатимизда жуда катта ҳудудлар сув остида қолиб кетади (1.1-расм). Шунинг учун мамлакатимизда асосан ирригация тармоқлари(магистрал, хўжаликлараро ва ички хўжалик тармоқларидаги каналлар, коллектор-зовур тизимлари, сув омборлари, сел-сув омборлари, сойлар, булоқлар ва бошқалар)га, ирригация режимида ишлайдиган кичик ва ўрта ГЭСлар қуриб эксплуатация қилиниши режалаштирилган.

Республикамиз ривожланган аграр мамлакат бўлганлиги ва арид зонасида жойлашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик экинларидан сунъий сугориш орқали ҳосил олинади. Сугориш сувларини етказиб бериш учун мамлакатимиз ирригация тизимларида, узунлиги 28,6 минг км бўлган 75 дона йирик магистрал ва хўжаликлараро каналлар ва улардаги 207 дона улкан гидротехник иншоотлар, 172,2 минг км узунликдаги ички сугориш тармоқлари, ҳажми 20,0 млрд. м<sup>3</sup> га яқин бўлган 56 дона сув омборлари ва 125 дона сел-сув омборлари эксплуатация қилинади. Бундан ташқари, тоғ ва тоғ олди ҳудудларда, баланд шаршарали юзлаб сой ва булоқлар мавжуд.

1990-1992 йилларда, сабиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги-нинг нинг топшириғига асосан, «Суввойиҳа» институти «2010 йилгача Ўзбекистон Мелиорация ва

сув хўжалиги вазирлиги тизимида кичик ГЭСларни ривожлантириш схемаси»ни ишлаб чиқди. Ишлаб чиқилган схемага асосан юқорида келтирилган ирригация тизимларида 143 дона кичик ГЭСлар қуриб, йилига 3,96 - 4,5 млрд. кВтхсоат электроэнергия ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Ушбу режада ҳар бир ирригация тизимидаги энергетик нуқталар аникланиб, шу нуқталарнинг гидравлик ва энергетик характеристикалари кўрсатиб берилди. Бу режа, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 декабрдаги 476-сонли «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш ҳақида»ги қарори билан мустаҳкамланди. Юқоридаги қарорни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси ташкил қилинди.

Мамлакатимизда ноанаънавий ва қайти тикланувчи энергия манбаларига қизиқиш ва улардан фойдаланиш, мисли кўрилмаган тусда ўзига хос равишда тобора оммалашиб бормоқда. Ноанаънавий ва қайти тикланувчи энергия манбаларига энергетик объектлар қуриш ва улардан фойдаланиш учун чет эл ва халқаро банкларнинг инвестициялари киритилмоқда. Кейинги йилларда ноанаънавий ва қайти тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида 2001 йил 22 февралда Президентимизнинг «Энергетикада иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2013 йил 1 марта «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди ҳамда 2015 йилнинг 16 ноябрь куни Ўзбекистон ҳукуматининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистонда гидроэнергетикани ривожлантириш» дастурини тасдиқлади. Дастурда янги ГЭСлар қуриш ҳамда ишлаб турган ГЭСларни модернизация қилиш назарда тутилган. Дастурда бажариладиган ишларнинг дастлабки қиймати 890 миллион долларни ташкил қилади.

2017 йилнинг 18 май куни мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу оламшумул Фармонда, ирригация тизимларида ГЭСларга неча йиллардан буён бўлиб келаётган икки ҳокимиятчилик-ДАК «Ўзбекэнерго»ги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи «Ўзсувэнерго» бирлашмаси каби ташкилотлар тугатилиб уларнинг ўрнига ягона ташкилиот «Ўзбекгидроэнерго» АЖ ташкил этилди.

### **3.2 Ирригация тармоқларидаги кичик ва ўрта ГЭСлар. Ўзбекистон Республикаси сув манбаларининг гидроэнергетик потенциали.**

Энергия истеъмолининг кундан-кунга ошиб бориши ҳамда уни ишлаб чиқариш учун органик ёқилғилардан фойдаланиш, атроф-муҳитни глобал ифлосланишига олиб келмоқда ва натижада инсоният ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Шунинг учун ҳозирги кун энергетикасининг долзарб масалаларидан бири, экологик тоза, қайта тикланадиган ноанаънавий энергия манбаларидан фойдаланишдир.

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган электроэнергиянинг 85 % органик ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилади. Атиги 14,5 % электроэнергия гидроэлектростанция(ГЭС)лар ёрдамида ишлаб чиқарилади.

Катта микдордаги қайта тикланувчи, яъни бир неча бор фойдаланиш имкони бўлган энергия манбаларига эга бўлган мамлакатимизда кичик гидроэнергетика муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг гидроэнергетик ресурслари қуйидагича баҳоланади.

1. Йиллик умумий (ёки назарий) гироэнергетик потенциал-88,5 млрд. кВт $x$ соат, шундан:

- катта дарёлар - 81,1 млрд. кВт  $x$  соатни;
- ўртача дарёлар – 3,0 млрд. кВт  $x$  соатни;
- кичик дарёлар – 4,4 млрд. кВт  $x$  соатни ташкил қиласы.

2. Энергия ҳосил қилувчи сув оқими ўз йўлида жуда кўп қаршиликларга дуч келади ва исроф бўлади. Исроф бўлган энергиядан қолган энергия - техник гироэнергетик потенциал, 27,4 млрд. кВт $x$ соатга тенг бўлиб, шундан:

- катта дарёлар - 24,6 млрд. кВт  $x$  соатни;
- ўртача дарёлар – 1,5 млрд. кВт  $x$  соатни;
- кичик дарёлар – 2,3 млрд. кВт  $x$  соатни ташкил қиласы.

3. ГЭС жиҳозларидан ўтаётган сув оқими, жуда кўп қаршиликларни енгиб ўтади. Барча қаршиликлардан сунг қолган соф иқтисодий самарадор гироэнергетик потенциали 16,6 млрд. кВт  $x$  соатни ташкил қиласы.

Ишлаб чиқилган, «2010 йилгача Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида кичик ГЭСларни ривожлантириш схемаси»да ҳар бир ирригация тизимидағи энергетик нуқталар аниқланиб, шу нуқталар- нинг гидравлик ва энергетик характеристикалари кўрсатиб берилди.

3.1-расмда Янги Дарғом каналининг бўйлама кесими ҳамда ундаги энергетик нуқталар кўрсатилган, 3.1-жадвалда эса шу нуқталарнинг гидравлик ва энергетик характеристикалари келтирилган.


3.1-жадвалдан кўриниб турибдики, ирригация таомоқларига қуриладиган кичик ва ўрта ГЭСларнинг қуввати кафолатланмаган (3.1-жадвалнинг 5-устуни). Чунки сув тақчил бўлган йиллари,каналлар (ГЭСлар) ҳисоб сув сарфлари билан таъминланмаслиги мумкин.

Хозирги кунда қўйидаги кичик ГЭСлар ишга туширилган.

- Сурхондарё вилояти Тўпаланг сув омборидаги ГЭСнинг 1-навбати;
- Тошкент вилоятидаги Оҳангарон сув омборидаги ГЭС;
- Қашқадарё вилоятидаги Ҳиссорак сув омборидаги ГЭС;
- Самарқанд вилояти Дарғом каналидаги кичик Гулба ГЭСи;
- Андижон вилоятидаги Андижон сув омборидаги 2-ГЭС;
- Хоразм вилоятидаги Тұымўйин ГЭСи;
- Фарғона вилояти Кўксув кичик дарёсидаги кичик Шоҳимардан ГЭСи;
- Тошкент вилоятидаги Эртошсой ГЭСи.

Бундан ташқари қуриш учун қўйидаги кичик гироэнергетик обьектларнинг лойиха ҳужжатлари ишлаб чиқилган:

- Андижон вилоятидаги Шахрихон 0-ГЭСи;
- Андижон вилоятидаги Шахрихон 1-ГЭСи;
- Тошкент вилояти Чирчик-Бўзсувэнергетик каскадидаги Пионер ГЭСи;
- Самарқанд вилояти Дарғом каналидаги ШаударГЭСи;
- Самарқанд вилоятидаги Богишамол 2-ГЭСи;
- Фарғона вилоятидаги Каркидон ГЭСи.



**3.1-расм. Янги-Дарғом каналининг энергетик нуқталар  
кўрсатилган бўйлама кесими.**

Хозирги кунда Ўзбекистон худудидаги кичик, ўртача ва катта дарёларда ҳамда ирригация тизимларида консервация қилинган, эксплуатация қилинаётган, курилаётган, лойиҳаланилаётган, лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилаётган ГЭСлар сони 204 донани ташкил қиласди. Шундан: эксплуатация қилинаётган ГЭСлар 36(ГАК «Узбекэнерго» га қарашли 30, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги «Сувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмасига қарашли 6) донани; консервация қилинган ГЭСлар

### 3.1-жадвал.

Янги Дарғом каналининг асосий энергетик ва гидравлик характеристикалари

| Т.р.     | ГЭСларнинг номи      | Хисоб босими, м | Хисоб сув сарфи, м <sup>3</sup> /с | Кувват, МВт   |            | Ўртача кўп йиллик электроэнергия ишлаб чиқариш, МВт | Агрегатлар сони, дона |
|----------|----------------------|-----------------|------------------------------------|---------------|------------|---|-----------------------|
|          |                      |                 |                                    | кафолатланган | ўрнатилган |   |                       |
| <b>1</b> | <b>2</b>             | <b>3</b>        | <b>4</b>                           | <b>5</b>      | <b>6</b>   | <b>7</b>  | <b>8</b>              |
| 1        | 35+00-ПКдаги 1-ГЭС   | 11,0            | 56                                 | 0             | 5,1        | 23,4  | 2                     |
| 2        | 58+50- ПКдаги 2- ГЭС | 11,5            | 56                                 | 0             | 5,3        | 23,4  | 2                     |
| 3        | 88+00- ПКдаги 3- ГЭС | 11,0            | 56                                 | 0             | 5,1        | 23,4  | 2                     |

11 донани; курилиши мўлжалланиб лойиҳа-қидирув ва лойиҳа ишлари бажариладиган ГЭСлар сони 41 донани; курилиши мумкин бўлган ГЭСлар дарёларда 12 донани, сув омборларида 23 донани ва магистрал каналларда 79 донани ташкил қиласди.

Бундан ташқари, 2010 йилгача кичик ГЭСларни ривожлантириш схемасида ҳам ва бошқа хужжатларда ҳам келтирилмаган микрогидроэнергетик манбалар мавжуд. Бу

манбалар-мамлакатимизнинг тоғли ва тоғ олди худудларидағи юзлаб сойлар ва булоқлардир. Ҳозирги кунда ушбу манбаларга ахоли томонидан қуввати -  $N = 1,0 \div 100,0$  кВт гача бўлган энергетик қурилмалар ўрнатилиб эксплуатация қилинмоқда

Хукуматимиз томонидан ирригация тизимларидаги кичик энергетикани ни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар - келажақда экологик тоза энергия ишлаб чиқаришни кўпайишига, атроф-мухитни соф сақланишига, асосий энергетик тизимдан узоқда жойлашган қишлоқларни электр энергияси билан ишончли таъминланишига, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларини арzon электроэнергия билан таъминланишига таъминлашга имкон яратиб беради.

### **3.3 Кичик ва ўрта ГЭСларнинг халқ хўжалигидаги ўрни.**

Маълумки ирригация тармоқларига қуриладиган кичик ва ўрта ГЭСларда ишлаб чиқилган электроэнергия икки хил ҳолатда истеъмолчиларга узатилади.

1. Ишлаб чиқилган электроэнергия умумий энерготармоққа узатилади. Асосий энерготармоққа узатилган энергия, мамлакат иқтисодий тармоқларининг барчасида фойдаланилиши мумкин. Айниқса энергия истеъмоли кам бўлган вақтларда фойдаланиладиган энергия юкламасининг чўққиси ҳам мана шу кичик ва ўрта ГЭСлар ишлаб чиқсан энергия билан қопланади.

2. Энергия ишлаб чиқадиган ГЭС асосий энерготармоқдан алоҳида жойлашади. Бундай ГЭСлар асосий энерготармоқлардан узоқда жойлашган қишлоқлар ахолисини, кичик ишлаб чиқаришни ва бошқаларни электр энергияси билан таъминлайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Нега ўтган асрда кичик энергетиканинг ривожланиши тўхтаб қолган?
2. Нега мамлакатимиз худудида йирик ГЭСларни қуриб бўлайди?
3. Мамлакатимиз ирригация тармоқлари таркиби нималардан ташкил топган?
4. Кичик энергетикани ривожлантириш бўйича қандай схема ишлаб чиқилган?
5. Кичик энергетикани ривожлантириш бўйича қандай қарорлар ва фармойишлар қабул қилинган?
6. Кичик ва ўрта ГЭСларни эксплуатация қилувчи қандай ташкилотлар бўлган, ҳозир қандай янги ташкилот ташкотл қилинди?
7. Ўзбекистондаги сув объектларининг умумий гидроэнергетик потенциали қанча кВт ни ташкил қиласди?
8. Ўзбекистондаги сув объектларининг техник гидроэнергетик потенциали қанча кВт ни ташкил қиласди?
9. Ўзбекистондаги сув объектларининг соф гидроэнергетик потенциали қанча кВт ни ташкил қиласди?
10. Сув манбасидаги энергетик нұқталарва уларниг энергетик ҳамда гидравлик характеристикалари қандай аниқланади?
11. Умумий ва индивидуал энерготармоқлар қандай аниқланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbaları. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.

3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.

4. Жигарев С.Д., Естифеева А.Г. Программа развития гидроэнергетики на 2016-2020 годы. Ташкент, 2015. – 77 с.

#### **4-мавзу. Сув оқимидан ирригация ва энергетика мақсадларида комплекс фойдаланиш**

##### **Режа:**

- 4.1. Гидроэнергетика асослари.
- 4.2. Сув ва сув ресурслари.
- 4.3. Сув ресурсларининг халқ хўжалигидағи ўрни, миқдори ва тақсимланиши.
- 4.4. Марказий Осиёда трансчегаравий сув ресурсларин бошқариш ва тақсимлаш ташкилотлари

**Таянч иборалар:** гидроэнергетика; сув; сув реурслари; «тирик сув»; оғир сув; жуда оғир сув; статик заҳиралар; қайталанувчи ресурслар; Оролни асраш халқаро жамғармаси; Давлатлараро сув хўжалигини мувакқифлаштирувчи комиссия; Амударё ҳавзасисув хўжалиги бирлашмаси; Сирдарё ҳавзасисув хўжалиги бирлашмаси; иқлим ўзгариши; музликларни қайтмас эриши; Федченко музлиги; Гормо музлиги; Батруд музлиги; Зарафшон музлиги; Абрамова музлиги.

##### **4.1 Гидроэнергетика асослари.**

**Гидроэнергетика** – бу умумий энергетиканинг тармоқларидан бири бўлиб, сув энергияси ва ундан энергия олиш усуllibарини ўрганувчи техник фандир. Гидроэнергетика ҳам худди иссиқлик, атом энергетикаси каби энергетиканинг бир тармоғи ҳисобланади. Гидроэнергетика фақатгина ер усти сув манбаларига қурилган гидротехник иншоотлар ёрдамида энергия ишлаб чиқаришни ўрганмасдан балки, сув билан боғлиқ барча энергия ишлаб чиқариш турларини ўрганади. Масалан, сув сатхини кўтарилиб-тушиш энергияси, денгиз ва океанларда ҳосил бўладиган ва қирғоққа келиб уриладиган тўлқинлар энергияси, геотермал сувлар энергияси ва ҳокозалар.

Гидроэнергетика фан сифатида энергия олиш ва ундан фойдаланиш усуllibарини ўз таркибига олади. Гидроэнергия олиш усуllibари маълум сув манбаидан фойдаланиш схемасига, яъни гидрологик, гидротехник ва энергоиктисодий асосланишига боғлиқдир.

##### **4.2 Сув ва сув ресурслари.**

Инсоният ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сув табиатда энг кўп тарқалган ва энг харакатчан табиий ресурсдир. Сувнинг жуда кўп аномал физик ва химик хусусиятлари мавжуд. Масалан, Сувнинг «тирик сув», оғир ва жуда оғир турлари мавжуд. Баъзибир олимларнинг фикрига кўра, табиатда сувнинг 42 тури ҳосил бўлиши мумкин ва улардан 9 тури ўзгармас хусусиятларга эга экан.

Сув ресурслари таркиби – дарё оқимлари, кўллар ва сув омборлари сувлари, грунт сувлари, чучук ва кам минерализацияли босимли ер ости сувлари. Музликлар ва қор заҳиралари, босимли чуқур ер ости сувлари, ички денгизларнинг сувлари, қирғоқ олди ва худудий сувлар, кам шўрланган ва шўрланган грунт сувлари келажакда фойдаланилиши

кўзда тутилган сув ресурслари ҳисобланади. Илгари текин ҳисобланган табиат инъоми ҳисобланган сув ресурслари бугунги кунда иқтисодий ва сиёсий ресурсга айланмоқда.

Сув ресурсларини баҳолаганда икки хил: **статик заҳиралар ҳамда қайталанувчи ресурслар** тушунчаларидан фойдаланилади. Статик ёки асрий чучук сув заҳираларга кўллар, дарёлар, музликлар ва ер ости сувлари киради. Қайталанувчи сув ресурслари - қуруқлик ва океанлар орасидаги сув алмашиши натижасида, табиатда сувни айланиш жараёни туфайли, ҳар йили қайта тикланадиган сувлардир.

Табиатда айланиш жараёнида  $577\,000 \text{ км}^3$  сув миқдори қатнашади. Худди шу миқдордаги сув океанлар ( $505\,000 \text{ км}^3$ ) ва қуруқлик ( $72\,000 \text{ км}^3$ ) сатҳидан буғланади ҳамда ёғингарчилик шаклида океанларга ( $458\,000 \text{ км}^3$ ) ва қуруқликка ( $119\,000 \text{ км}^3$ ) қайтиб тушади. Ҳисобларга қараганда ер юзидағи сув ресурслари ер шари бўйлаб тақсимланса,  $3790 \text{ м}$  га тенг сув устуни ҳосил бўлса, уларнинг оғирлиги  $1,5 \times 10^9 \text{ млн.тоннага}$  тенг экан.

#### **4.3 Сув ресурсларининг ҳалқ хўжалигидаги ўрни, миқдори ва тақсимланиши**

Ҳалқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши, уларнинг кўп жиҳатдан етарли сув ресурслари билан таъминланганингига боғлиқдир. Қуйидаги 2-жадвалда 1 тонна маҳсулот учун сарф бўладиган сув миқдори келтирилган.

2-жадвал.

1 тонна маҳсулот учун сарф бўладиган сув миқдори.

| Маҳсулотнинг номи | Сув ҳажми, $\text{м}^3$ | Маҳсулотнинг номи | Сув ҳажми, $\text{м}^3$ | Маҳсулотнинг номи | Сув ҳажми, $\text{м}^3$ |
|-------------------|-------------------------|-------------------|-------------------------|-------------------|-------------------------|
| Фишт              | 1,5                     | Кўмир             | 3,0                     | Пўлат             | 300                     |
| Қофоз             | 250                     | Азот ўғити        | 600                     | Синтетик тола     | 4000                    |
| Ип-газлама        | 10                      | Синтетик газлама  | 3000                    | Буғдой            | 1500                    |
| Капрон толаси     | 5600                    | Шоли              | 4000                    | Пахта             | 10000                   |

Мамлакатимиз ҳалқ хўжалиги тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки табиий шароитининг ўзига хослиги, яъни атмосфера ёғингарчининг миқдори, сув сатҳлари ва далалар даги буғланишга нисбатан  $15\div20$  марта камлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий қисми бўлган пахта, ғалла, полиз экинлари, боғ ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштириш, сунъий суғориш орқали амалга оширилади.

Мамлакатимиз ҳудудида, Марказий Осиё мамлакатларида ҳосил бўладиган сув заҳираларининг ўртача 10 %, мамлакатимиз эҳтиёжи учун талаб қилинадиган сув миқдорининг эса атиги 20 % ҳосил бўлади. Етишмаган сув ресурслари, қўшни мамлакатлар-Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидан келаётган сув заҳиралари билан, маълум тўловлар эвазига тўлдирилади (3-жадвал).

3-жадвал.

Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлар ҳудудида шаклланадиган ва истеъмол қилинадиган сув ресурслари

| Давлатлар | Амударё ҳавзаси |                  | Сирдарё ҳавзаси |                  | Орол денгизи ҳавзаси |                  |
|-----------|-----------------|------------------|-----------------|------------------|----------------------|------------------|
|           | Шакл-ланади-    | Истеъмол қилина- | Шакл-ланади-    | Истеъмол қилина- | Шакл-ланади-         | Истеъмол қилина- |
|           |                 |                  |                 |                  |                      |                  |

|                     | ган   | диган | ган   | диган | ган    | диган  |
|---------------------|-------|-------|-------|-------|--------|--------|
| Ўзбекистон          | 5,14  | 38,91 | 6,39  | 17,28 | 11,53  | 56,19  |
| Қирғизистон         | 4,04  | 0,38  | 26,79 | 4,03  | 30,83  | 4,41   |
| Тожикистон          | 44,18 | 9,88  | 0,38  | 2,46  | 44,56  | 12,34  |
| Қозоғистон          | -     | -     | 2,50  | 12,29 | 2,50   | 12,79  |
| Туркманистон        | 2,79  | 21,73 | -     | -     | 2,79   | 21,73  |
| Афғонистон,<br>Эрон | 22,19 | 7,44  | -     | -     | 22,19  | 7,44   |
| Жами                | 78,34 | 78,34 | 36,06 | 36,06 | 114,40 | 114,40 |

Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида ўртача йилига 114-116 млрд м<sup>3</sup> сув ҳосил бўлади (3-жадвал). Ушбу сув ҳажмини Марказий Осиё давлатлари ўртасида тақсимлашни, Оролни асраш халқаро жамғармаси таркибидаги Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси томнидан амалга оширилади (1-схема).



**1-схема. Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси таркибидаги халқаро сув хўжалиги бирлашмалари.**

Оролни асраш халқаро жамғармаси таркибидаги Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси, Марказий Осиё давлатлари ҳудудида ҳосил бўладиган (экспедициялар ёрдамида аниқланган қорнинг ва музнинг қалинликлари ҳамда ёмғир ёғинлари туфайли ҳосил бўладиган) сув ресурслари миқдорини ҳисоблаб аниқлади. Аниқланган сув ресурслари миқдори, ҳар бир давлатга тақсимланган лимитга асосан бўлиб берилади. Йилнинг серсувлигига нисбатан ажратиладиган сув миқдори ҳар хил бўлиши мумкин. Сув ресурслар мўл бўлган йилларда, тақимланадиган сув ресурслари миқдори белигланган лимитдан кўп, сув тақчил бўлган йилларда эса, лимитга нисбатан кам бўлиши мумкин.


Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси таркибида Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари фаолият кўрсатишади. Улар лимит бўйича ажратилган сув миқдорларини ҳалқаро гидротехник иншоотлар ёрдамида мамлакатларга бўлиб беришни амалга оширади ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдалнишни назорат қиласади.

#### 4.4 Марказий Осиёда сув ресурсларининг бугунги ахволи.

Маълумки, ўтган асрнинг бошларида йилнинг иссиқ даврларида эриб, дарёларни сув билан тўйинтирган музликларнинг ўрни қиши даврида ёқсан қор ва ёмғирлардан ҳосил бўлган музликлар билан тўлдирилар эди. Аммо инсониятнинг бетартиб ва номутаносиб фаолияти натижасида кейинги йилларда ер юзининг глобал исиши ва иқлим ўзгариши юзага келди.

Иқлимининг исиб бориши Орол ҳавзасидаги барча мамлакатларда кузатилмоқда. Глобал иқлим исиши тезлиги 1950 йилдан бошлаб ўртача  $0,13^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади. Марказий Осиё мамлакатларида иссиқликни ўзгариши ҳар 10 йилга қуидагиларни ташкил қилади:

- Қозоғистонда -  $0,26^{\circ}\text{C}$  (1936-2005 йиллар);
- Қирғизистонда -  $0,08^{\circ}\text{C}$  (1883-2005 йилларда);
- Ўзбекистонда -  $0,29^{\circ}\text{C}$  (1950-2005 йилларда);
- Тожикистонда -  $0,10^{\circ}\text{C}$  (1940-2005 йилларда);
- Туркманистонда -  $0,18^{\circ}\text{C}$  (1961-1995 йилларда).



1-расм. Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг динамикаси.

Ўзбекистон Республикасида иқлим исиши тезлиги ўртача тезликтан 2 баробар кўплиги кўриниб турибди (1-расм).

Кейинги йилларда ер юзининг глобал исиши ва иқлим ўзгариши натижасида музликлар эриб, эриган музликларнинг ўрни тўлмасдан камайиши кузатила бошланди. Масалан, дунёдаги энг катта музликлардан бири бўлган Тожикистон Республикасидаги Федченко (узунлиги  $-77\text{ км}$ , эни -  $2,4\text{ км}$  ва чуқурлиги  $1,0\text{ км}$ ) музлиги 1933-1976 йиллар оралиғида узунлиги  $1400\text{ м}$  га, 1976-2006 йиллар оралиғида  $700\text{ м}$  га қисқариши ва чуқурлиги ўртача  $50\text{ м}$  га ҳамда юзаси  $38\%$  га камайгани кузатилди.




## **2-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Федченко музлиги (Тожикистон) ўлчамлари ва ҳажмининг қисқарыб боришининг**

Тожикистондаги Гормо музлигининг узунлиги 1931-2005 йиллар оралиғида 7,0 км га, Батруд музлиги 1931-2005 йиллар орасида 8,2 км га қисқарған.



## **3-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Горма ва Батруд музлиги (Тожикистон) ўлчамлари ва ҳажмининг қисқарыб бориши**

Зарафшон музлиги узунлиги 1931-2005 йилларда 2,0 км га, Қирғизистондаги Абрамов музлиги узунлиги 1971-2005 йилларда 500 м га қисқарған ва бу ҳолат йилдан йилга салбий тус олмоқда.



## **4-расм. Иқлим ўзгариши натижасида Зарафшон ва Абрамова (Қирғизистон) музлиги ўлчамлари ва ҳажмининг қисқарыб бориши.**

Гидролог олимларнинг башоратларига кўра, Марказий Осиё ҳудудида иқлим ўзгариши жараёни шу тахлитда давом этса, 2080 йилга бориб температура  $3,2^{\circ}\text{C}$  дан  $4,5^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши ва музликларнинг бор-йўги 15 % қолиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасида гидроэнергетиканинг ҳозирги ҳолати қандай ?

2. Келажакда гидроэнергетикани ривожланиш қандай режалаштирилган?
3. Мамлакатимиз ирригация тармоқларини қандай иншоотлар ташкил қиласы?
4. Ирригацион энергетикани ривожлантириш бүйича Президент ва хукуматнинг қандай қарор ҳамда фармойишлари мавжуд?
5. Ирригация тармоқларыда қандай ГЭСлар қуриш мүмкін?
6. Ўзбекистон Республикаси сув манбалари умумий, техник ва соф гидроэнергетик потенциаллари қанча?
7. Ўзбекистонда эксплуатация ва реконструкция қилинаётган, қурилаётган ва лойиҳаланилаётган ирригация тармоқларидаги ГЭСлар нча данани ташкил қиласы?
8. Кичик ва ўрта ГЭСларнинг халқ хўжалигига қандай ўрни бор?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Казаков М., Тагойбеков А., Хомидов А. Особенности деградации ледников Таджикистана в условиях изменения климата, анализ использования водно-энергетических ресурсов Центральной Азии. Международный научный симпозиум «Вода в Центральной Азии», 24-26 ноября 2010 года, г. Ташкент, Узбекистан (от ледников до долин: сближение учёных и практиков в области водных ресурсов)

### **5-мавзу. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш**

#### **Режа:**

- 5.1. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш.
- 5.2. Ўзбекистонда сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш соҳалари.

**Таянч иборалар:** сув ресурсларидан комплекс фойдаланиши; сугории; энергетика; балиқчилик; ичимлик суви; саноат; вертикал дренаж; дарё режимини бошқариши; сув тежсамкор технологиялар; машинали сугоришиг; комплекс фойдаланиши муаммолари; сув кадастри; сув олиши нуқталари; сув ўлчаш воситалари; минтақавий қонунлар; халқаро комиссия.

#### **5.1. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш.**

Қадим замонлардан сув ресурсларидан бир вақтнинг ўзида ҳар хил мақсадларда фойдаланиб келинган. Масалан, тегирмон ғилдиракларини айлантиришда, экинларни сугоришида, ичимлик суви сифатида ва бошқа мақсадларда.

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш - бир мақсад учун қурилган гидроиншоотдан ва сув ресурсларидан, бир вақтнинг ўзида бошқа бир неча иқтисодиёт соҳаларида ҳам фойдаланишга айтилади.

Ўтган асрнинг 30-йилларигача мамлакатимизда сув ресурсларидан фақатгина ирригация мақсадларида фойдаланишга эътибор қаратилган эди. Сув ресурсларидан

энергетикада, балиқчиликда, кемалар қатновида, ичимлик суви билан таъминлашда ва бошқа соҳаларда фойдаланишга кам эътибор берилар эди.

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланишни амалга ошириш учун, ирригация тармоқларидағи гидротехник иншоотларни лойиҳалаш даврида уларни қайси соҳаларга хизмат кўрсатишини ҳисобга олиб лойиҳалаш лозим. Ирригация тармоқларидағи баъзи гидротехник иншоотлар қишлоқ ҳўжалик экинларини суғоришга, электроэнергия ишлаб чиқаришга ҳаттоки кемалар қатновини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин бўлса, баъзилардан электроэнергия ишлаб чиқаришда, экинларни суғоришда, балиқчиликда ва ичимлик суви билан таъминлашда фойдаланиш мумкин (5.1-расм).

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланишни ҳисобга олмасдан бажарилган лойиҳалар асосида қурилган гидротехник иншоотларни қайта қуриш ёки реконструкция қилиш жуда қимматга тушиб кетади. Аммо бугун-ги кунда ирригация тармоқларига қурилган жуда кўп гидротехник иншоотлар юқоридаги талабларни ҳисобга олмасдан лойиҳаланган ва қурилган.


Мамлакатимиз жуда катта сув энергияси заҳираларига бой. Шу билан бир қаторда, улкан ирригация тармоқларида арzon гидроэнергетикани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Эксплуатация қилинаётган ва янгидан қурилаётган сув омборларида, ирригация тармоқларидағи бош иншоотларда, сув олиш иншоотларида, каналлардаги сув сатхини бошқариш учун қурилган кўндаланг гидротехник иншоотларда, ташламаларда ва каналларнинг шаршараларида сувни бир нуқтага тўплаб баланддан тушириб, электроэнергия ишлаб чиқариш мумкин.

Баъзи гидротехник иншоотларга нисбатан, ирригация тармоқларидағи иншоотлар, яъни сув олиш иншоотлари - сув олиб келувчи ва сув олиб кетувчи иншоотлар, жуда мураккаб ва қиммат, аммо улар ГЭСнинг электроэнергия ишлаб чиқариши учун зарур иншоотлар ҳисобланади.

Ирригация тармоқларига қуриладиган ГЭСлар унча мураккаб бўлмагани учун, уларни тез қуриш ва арzon электроэнергия ишлаб чиқариш мумкин. Бунга мисол қилиб ўтган асрнинг 26-йилларидан бошлаб қурилган ва ҳозирги кунда ҳам муваффақиятли эксплуатация қилинаётган Чирчиқ-Бўзсув ирригацион-энергетик трактидаги 22 дона ГЭСларни қўрсатиш мумкин. Шунинг учун ирригация тармоқларида қуриб эксплуатация қилинаётган ГЭСларни рентабелли-ўз харажатларини ўзи қоплайдиган гидроэнергетик обьектлар деб ҳисоблаш мумкин.

Ўтган асрнинг 30-йилларида пахта етиширишни кескин кўпайтирилиши билан уни сувга бўлган эҳтиёжини қондириш учун кўплаб ирригация тармоқлари ишга туширила бошлади. Ирригация тармоқларига дарёлардан сув оловучи, сув олиш иншоотлари қурилди. Ирригация тармоқларига қўшимча сув етказиб бериш ҳамда ер ости



5.1-расм. Сув ресурсларидан-оқимидан комплекс фойдаланиш схемаси.

сувлари сатхини ҳисоб сатхида ушлаб туриш учун, насос қурилмалари билан жиҳозланган кўплаб вертикал дренаж (Калифорния) қудуклари ишга туширила бошлади. Янги очилган ерларни тез сув билан таъминлаш мақсадида насос станциялари ва қурилмалари ёрдамида машинали суғориш йўлга қўйила бошлади.

Машинали суғоришни ривожланиши, айниқса насос қурилмали вертикал дренажлардан кўплаб кўлланишига арzon электроэнергияни етишмаслиги сабаб бўлади

Шу билан бир қаторда, машинали суғориш ва вертикал дренаж қурилмаларини арzon электроэнергия билан таъминлашда, ўз оқими билан ҳаракатланаётган ирригация тармоқларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бир қаторда ирригация қурилишида, дарёлар оқимини тўлиқ сунъий бошқариш масаласи қўйилган. Дарёлар оқимини бошқариш, уларнинг йиллик ҳажмини ҳисобга олиб маълум участкаларда қурилган тўғонли сув омборлари орқали амалга оширилади. Дарёлар оқимини 100 % сунъий бошқариш орқали минтакада сув ресурсларидан комплекс-интеграллашган бошқаришни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни йўлга қўйиш мумкин.

Охирги йилларда, ирригация тармоқларидаги трансчегаравий, вилоятлараро, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг ички каналлари, машина каналлари лойқалардан тозаланмасдан сув ўтказиши қобилиятини йўқотган ҳамда деформацияланиши натижасида ўзининг пландаги ҳолатини ҳам ўзгартирган. Ирригация тармоқларини ишдан чиқмаслиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун, каналларни уларнинг лойқалигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар маълум муддатда, тозалаш ишларини олиб бориш зарур. Бунинг учун гидромеханизацияни қайта тиклаш ва лойқалардан тозалаш ишларини режали равишда олиб бориш керак.

Дарёларнинг оқимини сунъий равишда бошқариш учун тоғли ва тоғ олди (водийларда) рельефларда йирик сув омборлари қуришлиши лозим. Бунинг учун эса, катта босимли тўғонлар қуришга тўғри келади. Қурилган тўғонларнинг босимидан гидроэнергия олиш учун ГЭСлардан фойдаланилади. Аммо бундай гидроэнергетик комплексларни қуриш жуда қиммат ҳисобланади. Шунинг учун қурилган гидротехник-гидроэнергетик комплексларидан ҳам энергетика, ҳам ирригация мақсадларда фойдаланиш йўлга қўйилса, улардан комплекс ва самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Дарёнинг юқори қисмида ирригация режимида эксплуатация қилинадиган сув омборини қуриш, қуйидаги бир қатор муаммоларни ечиш имконини беради.

1. Уларга қурилган ГЭСлар билан арzon, экологик тоза ва қўп миқдорда элекtroэнергия ишлаб чиқариш имконини беради.

2. Ушбу дарё бассейнига боғланган ерларни ишончли сув билан таъминлаш мумкин бўлади.

3. Сув омборида суғориладиган ерлар учун фойдасиз бўлган лойқаларни ушлаб қолиниши натижасида ирригация тармоқларидаги каналлар лойқа билан кўмилиб қолмайди ва доимо ҳисоб сув сарфини ўтказиб туради.

4. Ирригация тармоқларидаги каналларнинг сувларини сунъий бошқариш натижасида сувдан фойдаланиш режаси тўлиқ бажарилади.

5. Куйидаги янги сув тежамкор суғориш усууларини ривожлантириш имкони туғилади:

- томчилатиб;
- Осиё сув ресурсларидан самарали ёмғирлатиб;

- аэрозол намлаш(майда заррали – туман шаклида ёмғирлатиши);
- тупроқ остидан;
- тупроқ остидан - томчилатиб;
- ер остидан (субирригация);
- комбинациялашган ёмғирлатиши – ер устидан томчилатиб;
- комбинациялашган ёмғирлатиши-тупроқ остидан томчилатиб;
- вертикаль дренаж насос қурилмаларини ривожлантириш орқали, минерализацияси 3 г/л дан кичик бўлган ер ости сувларидан сугоришда фойдаланиш ҳамда ер ости сувлари сатҳини ҳисоб сатҳларда ушлаб туриш орқали ботқоқланишини олдини олиш;
- машинали сугоришни ривожлантириш.

Шундай қилиб, маълум дарё бассейни сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш учун, ирригация режимида эксплуатация қилинадиган сув омбори қуриш, сув омборига боғланган ерларга ўтказиладиган ирригация тармоқларини ҳам комплекс фойдаланишга мослаб илгаридан лойиҳалаш лозим.

## **5.2 Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш муаммоларининг ечимлари.**

Сув хўжалиги муаммоларини тўлиқ ҳал қилиш учун куйидагиларни бажариш лозим:

- мамлакатнинг сув кадастрини тузиш;
- барча дарёлар, ирмоқлар, иирик сув манбалари, кўллар, сойлар, булоқлар, ирригация тармоқлари такибига кирувчи иншоотлар ҳамда улардаги сув олиш нуқталарини сув ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш;
- дарёлар бассейнларига таалуқли, ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш масаласини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасини сув билан таъминлаш трансчегараий дарёларга боғлиқ бўлганлиги сабабли, Марказий Осиё сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун минтақада, сув ресурсларини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича қонунлар ҳамда қоидалар ишлаб чикувчи давлатларар халқаро комиссия тузиш.
- тузилган халқаро комиссия, Ўзбекистон Республикасида азалдан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишини ҳамда сув ресурслари шунга нисбтан тақсимланишини ҳисобга олиши;
- тузилган халқаро комиссия, дарёлар юкорисида қурилган сув омборлари, экинларнинг вегетация даврида албатта ирригация режимида ишлашини таъминлаши.

Ирригация тармоқларига қуриладиган ГЭСлар, албатта шу тармоқнинг сув истеъмол қилиш графигига мос режимда ишлаши лозим. Тармоқдаги электр энергияси истеъмолчилари талабини қондириш учун етишмаган энергия, умумий тармоққа уланган бошқа (иссиклик, ноанаънавий ва қайта тикланувчи) электростанциялар ишлаб чиқарадиган электр энергияси билан таъминланиши керак.

Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш, албатта дарёлардан сув олиш усулига боғлиқдир. Дарёлардан сув олиш қуийдаги усуулларга бўлинади.

1. Сув оқимни тартибга солмасдан дарёлардан сув олиш тизимлари:

- тўғонсиз бош иншоотлар ва бош сув олиш иншоотлари билан;
- бош сув олиш иншоотли сув сатҳини кўтарувчи тўғонлар билан.

2. Сув оқимни қуидаги мосламалар ёрдамида тартибга солиб дарёлардан тизимларга сув олинади:

- бош сув олиш иншоотлари орқали олиб кетиш шарти билан, сув омборлари ва сув устунини ушлаб турувчи тұғонлар ёрдамида;
- бош сув олиш иншооти омборлари ва сув устунини ушлаб турувчи ҳамда сув сатхини күтартувчи тұғонлар ёрдамида.

Үз навбатида ирригация тармоқлари сув оқими энергиясидан ГЭСлар учун фойдаланиш масаласини ҳам икки хил вариантда қараш мумкин: сув оқими гидравлик кучидан оқимни бошқармасдан ва оқимни бошқариб фойдаланиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Сув ресурсларидан қандай комплекс фойдаланилади?
2. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш үз таркибиға иқтисодиёттинг қайси соҳаларини олади?
3. Дарёлар оқимини сув омборлари ёрдамида сунъий бошқариш қандай муаммоларнинг ечимини беради?
4. Арzon экологик тоза электроэнергия ишлаб чиқариш, сугориладиган ерларни ишончли сув билан таъминлаш, лойқаларни ушлаб қолиши, сувдан фойдаланиш режасини бажариш ва сув тежамкор технологиялардан фойдаланишни қандай амалга ошириш мумкин?
5. Сув тежамкор технологияларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланишдаги муаммолар қандай ечилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Штёпа Б.Г. и др. Механизация полива. Справочник. Москва, Агропромиздат, 1990. – 336 с.
5. Мажидов Т.Ш. Новая технология низконапорной системы капельного орошения - A new low pressure system of sprinkler irrigation. Материалы Международной научной конференции «Проблемы устойчивого развития агропромышленного комплекса стран СНГ в современных условиях», Ашхабад, 25-27 ноябрь 2009. – сс. 367-369.

**6-мавзу. Магистрал, ирригацион ва ичимлик суви каналлари ҳамда йирик коллекторларнинг турлари ва улар жойлашган худудлар. Ирригация тармоқлари схемалари.**

### **Режа:**

- 6.1. Ирригация тармоқларининг күренишлари.
- 6.2. Ирригация тармоқларини топографик, дронлар, аэро-космик усулларда суръатта олиш.


**Таянч иборалар:** ирригация тармоқлари; топографик; геодезик асбоблар; космик; Орол ҳавзаси; аэросуръят; дешифровка; дронлар; учурвчисиз аппарат; сув бўлувчи; сув олиб кетувчи; ўзига ўхшиаш схема; тўғриланган чизиқли схема.

Республикамиз ривожланган аграр мамлакат бўлганлиги ва у арид зонасида жойлашганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик экинларидан сунъий суғориш орқали ҳосил олинади. Суғориш сувларини етказиб бериш учун мамлакатимиз ирригация тизимларида, узунлиги 28,6 минг км бўлган 75 дона йирик магистралва хўжаликларо каналлар ва улардаги 207 дона улкан гидротехник иншоотлар, 172,2 минг км узунликдаги ички суғориш тармоқлари, ҳажми 20,0 млрд. м<sup>3</sup> га яқин бўлган 56 дона сув омборлари ва 125 дона сел-сув омборлари эксплуатация қилинади. Бундан ташқари, тоғ ва тоғ олди худудларда, баланд шаршарали юзлаб сой ва булоқлар мавжуд.

### 6.1 Ирригация тармоқларининг кўринишлари.

Инженерлик ҳисобларини бажаришда ирригация тармоқларининг жойидаги кўринишини ҳар хил усуслар билан кичрайтириб фойдаланилади. Ирригация тармоқларининг жойидаги кўринишини кичрайтиришнинг қуйидаги усуслари мавжуд.

**1. Топографик усул билан.** Геодезик асбоблар ёрдамида ердаги предметларнинг (каналлар, кўприклар, бинолар ва ҳокозалар) геометрик ўлчамлари ҳамда жойлашган релефининг сатхини кўрсатувчи миқдорлари олинади. Олинган маълумотлар асосида жойнинг плани тузилади (6.1-расм).



6.1-расм. Жойнинг топографик съёмкаси

**2. Космик суръатлар билан.** Космик кемалар билан жуда катта худудлар суръатга олинади. Олинган расмлар ҳар хил масштабда бўлиши мумкин. Космик съемкалар жуда

баланддан олиннишига қарамасдан уларнинг сифати жуда аниқ. Аниқлиги  $1,0 \times 1,0$  м да олинган суръатларда хаттоқи гугурт чўпини аниқ кўриш имконияти бўлади. 6.2-расмда йиллар бўйича бир хил баландликдан олинган Орол ҳавзасининг суръатлари келтирилган.



**6.2-расм. Орол денгизи суви сатхининг ўзгариш динамикаси (космик съёмкалар).**

**3. Аэросуръатлар билан.** Ирригация тармоқларининг жойлашиши маҳсус жихозлар билан жихозланган самолётларда съёмки қилинади. Қора-ок расмга тушириш натижасида обьектларнинг ҳакиқий кўриниши дешефровка-қайта ишлаш натижасида олинган. Ранги суръатга тушириш бошлангандан буён предметларни ҳакиқийси олиш учун фақатгина ердаги обьектнинг ўлчамлари билан солиштириб аниqlangan (6.3-расм).



**6.3-расм. Андижон вилоятидаги Пайтуғ ГЭС (аэро суръат)**

**4. Дронлар билан.** Дронлар-учувчисиз учадиган кичик учиш аппарати. У жуда паст масофалардан суръатга олиши ёки назорат қилиши мумкин. Дронлардан ирригация тармоқларини суръатга олишда, улардаги оқим миқдорини, каналлар ва дарёлар қирғоқлариниг ювилишини, сув омборидаги сув сатхининг ўзгаришини, сув омборига келиб тушадиган сув миқдорини ва бошқаларни назорат қилиши мумкин. Дронлар ердан туриб бошқарилиши ёки маҳсус дастур билан таъминланиши мумкин. Улардан фойдаланиш хавфсиз. Ҳозирги кунда дронлардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ҳам кенг фойдаланилмоқда.




**6.4-расм. Кичик баландликдан суръатга орлувчи дронлар:**  
**а-ҳар хил мақсадларда қўлланиладиган дрон; б-қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган дронлар.**

## 6.2 Ирригация тармоқларининг схемалари.

Ирригация тармоғи схемаси, сув бўлувчи ҳамда сув олиб кетувчи тармоқлардан иборат. **Сув бўлувчи-олиб келувчи тармоқлар таркибиға** давлатлараро, вилоятлараро, туманлараро магистрал каналлар ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ички тармоқларидаги каналлар киради (6.5-расм). **Сув олиб кетувчи тармоқлар таркиби** фалокат ташламалари, ҳар бир сув бўлувчи тармоқларнинг

ташламалари, сув йиғувчи-ташловчи каналлар, коллекторлар, сув йиғувчи каналлар ва оқава сувларни йиғувчи кичик каналлардан ташкил топган (6.5-расм).



**6.5-расм. Сув олиб келувчи-бўлувчи ва сув олиб кетувчи тармоқлар схемаси.**


Ирригация тармоқлари 2 хил схемада кўрсатилиши мумкин.

1. Сув бўлувчи-олиб келувчи тармоқлар ҳамда Сув олиб кетувчи тармоқларни ўзига ўхшаш шаклда, ҳар хил тахминий масштабда келтирилган эгри-буғри схемалар билан (6.6-расм).

2. Сув бўлувчи-олиб келувчи тармоқлар ҳамда Сув олиб кетувчи тармоқларни тўғри чизиқларда ҳар хил тахминий масштабда келтирилган тўғри чизиқли схемалар билан(6.7-расм).

Катта микдордаги сув энергияси қувватини йил бўйи давомида фақатгина йирик магистрал каналлардаги сувдан олиш мумкин. Туманлараро магистрал каналлар ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ички тармоқларидағи сув бўлувчи каналлардаги сув энергиясидан фақатгина вегетация даврида фойдаланиш мумкин. Фалокат ташламалари, ҳар бир сув бўлувчи тармоқларнинг ташламалари сувларидан фақатгина қиши даврида энергия ишлаб чиқариш мумкин.

Сув бўлувчи тармоқлар ва сув олиб кетувчи тармоқларни комбинациялашган ҳолда эксплуатация қилиш натижасида ГЭС тўхтовсиз йил бўйи эксплуатация қилиниши мумкин. Бу ҳолатда ГЭС доимо бир хил микдорда электроэнергия ишлаб чиқариши мумкин. Фақатгина унинг йиллик электроэнергия ишлаб чиқариш микдорининг жуда кам ўзгариб туриши кузатилади. Аммо ирригация тармоқлари сув энергиясидан самарали фойдаланишини фақатгина уларга қуриладиган ГЭСлар ҳамда ирригация тармоқларидағи каналлар ва ундаги гидротехник иншоотларни илгаридан мос равишда лойихалаш туфайлигина амалга ошириш мумкин. Лойихаларида ГЭСлар ўрнатилиши кўзда тутилмаган ирригация тармоқларида қурилган каналлар ва гидротехник иншоотларнинг энергиясидан фойдаланиш имкони бўлмайди, имкон бўлган тақдирда ҳам улардаги сув оқими энергиясидан максималл фойдаланиб бўлмайди.



6.6-расм. Чирчиқ-Бўзсув ирригацион ГЭСлар каскади схемаси.

## Хоразм вилояти сугориши тамоқларининг чизиқли схемаси




6.7-расм. Хоразм вилояти сугориши тамоқларининг чизиқли схемаси.

### Шартли белгилар

- АМУДАРЁ
- Магистрал каналлар
- Хужаликларо каналлар
- Гидроиншоатлар

### Хазарасп СЧС 11/8



Фақатгина ирригация мақсадларида фойдаланиладиган ирригация каналларини лойихалашда асосан, уларнинг салт қисмини иложи борича қисқароқ бўлишига, ер ишлари кам бажарилишига, шаршаралар сонининг кам бўлишига ҳамда кам харажатлар билан қурилишига ҳаракат қилинади. ирригация тармоқларидағи Сув оқими гидравлик энергиясидан фойдаланиш учун лойиҳа қилинадиган каналларни лойихалашда эса, ГЭСлар қуриш учун шаршараларни кўпроқ ва уларда ҳосил бўладиган босим миқдорини каттароқ бўлишига ҳамда каналларнинг салт қисми узунлигини иқтисодий жиҳатдан самарали босим олишга мўлжаллаб лойихалаш лозим. Худди шунингдек тўғонларни, ирригация тармоқларидағи гидротехник иншоотларни, бош шлюз-регуляторларни ва бошқаларни лойихалашда ҳам ГЭСлар учун иқтисодий жиҳатдан самарали босим олишга мўлжаллаб лойихалаш тавсия этилади.

Ирригация тармоқларида йўлма-йўлакай ҳосил бўлган шаршаралардан “**оддий фойдаланиш**”ни, сув оқими энергиясидан тўлиқ фойдаланиш муаммоси нуқтаи-назаридан қониқарли деб бўлмайди. Йўлма-йўлакай ҳосил бўлган босим ирригация мақсадлари учун етарли бўлиши мумкин, аммо ушбу сув йўлида ҳосил бўлган босимни ГЭСлар ёрдамида арzon энергия ишлаб чиқариш учун етарли деб бўлмайди. Умуман ГЭСларнинг асосий ўлчамлари ва характеристикаларини қабул қилишда иқтисодий нуқтаи-назардан ёндошиш лозим.

Сув кучи доимий, тугамайдиган-қайта тикланувчи энергия манбаи бўлиб ва арzon электроэнергия ишлаб чиқиб, ўзи электр энергиясининг истеъмолчисини яратиш имкониятига эга. Шунинг учун ирригация тармоқларидағи ГЭСлар доимий сув оқими кучига ҳисоб қилинган қувват ишлаб чиқаришга лойихаланиши, ГЭСларга ўрнатиладиган гидроагрегатлар ҳам ҳисобланган қувватга мос равишда ишлаб чиқарилиши лозим. Ирригация тармоқларидағи маълум ГЭСга боғланган истеъмолчиларнинг электр энергиясини истеъмол қилиш кўпайиши мумкин, аммо ушбу ГЭС истеъмолчиларнинг талабини қондира олмайди, чунки унга қўшимча гидроагрегат ўрнатиб бўлмайди. Иссиқлик электростанцияларида эса қўшимча электроэнергия ишлаб чиқариш учун, электростанция реконструкция қилиниб унга қўшимча энергоагрегатлар ўрнатиб истеъмолчиларни энергияга бўлган янги талабини қондириш мумкин. Мана шу ҳолат ГЭСлар билан иссиқлик электростанциялари ўртасидаги фарқни билдириб туради. Шунинг учун ирригация тармоқларидағи ГЭСларни лойихалашда албатта экинларнинг сув истеъмол қилиш графигини ҳисобга олиш лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Ирригация тармоқларининг қандай кўринишлари мавжуд?
2. Ирригация тармоқлари топографик усулда қандай схемалаштирилади?
3. Ирригация тармоқлари аэросуръатга олиш усулида қандай схемалаштирилади?
4. Ирригация тармоқлари космик суръатга олиш усулида қандай схемалаштирилади?
5. Ирригация тармоқлари дронлар ёрдамида қандай схемалаштирилади?
6. Ирригация тармоқларининг қандай схемаларидан фойдаланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.

2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.

3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.

4.

## 7-мавзу. Ирригация тармоқларидағи ГЭСлар.

### Режа:

7.1. Сув оқими бошқарилмайдын ирригация тармоқларидағи ГЭСлар.


7.2. Тұхтосыз ёки доимий ишловчы ГЭСлар.

7.3. Вегетация даврида мавсумий ишловчы ГЭСлар.

**Таянч иборалар:** бошқарилмайдын сув оқими; табиий оқим энергиясы; «текин ёкілгі»; үйлі давомида эксплуатация қилиши; қиши даврида эксплуатация қилиши; тұхтосыз ёки доимий ишловчы ГЭСлар; вегетация даврида мавсумий ишловчы ГЭСлар; қиши даврида мавсумий ишловчы ГЭСлар.


### 7.1 Сув оқими бошқарилмайдын ирригация тармоқларидағи ГЭСлар.

Мамлакатимизда қурилған ва қурилаётған ирригация тармоқларининг құпчилигінде сув оқими бошқарилмайды. Чунки ирригация тармоқларидағи сув оқимини бошқариш учун аввало дарёлардаги сув ҳажмини бошқариш лозим. Дарё оқимини бошқариш, унинг үйлік сув ҳажмини ўзига сүндира оладын бир ёки бир неча сув омборлари қуриш орқали амалга оширилады.



7.1-расм. Сув оқими тартибга солинмайдын ирригация тизимларидағи ГЭСларнинг жойлашиши схемаси.

### 7.2. Тұхтосыз ёки доимий ишловчы ГЭСлар




7.2-расм. Сув оқими тартибга солинмайдыган Миёнқол-Хатирчи каналининг энергетик нүкталар күрсатилган бўйлама кесими.

Шунга асосан сув омборлари қурилғунча, дарёларнинг юқори қисми гидравлик энергиядан фойдаланиш масаласи, дарёларда ҳам ирригация тармоқларида ҳам, ишлаб чиқариш мумкин бўлган энергиядан йил бўйи максимал фойдаланиш орқали ҳал қилинади. Бунинг учун бир катор ГЭСлар қурилиб, табиий оқим энергиясидан тўлиқ фойдаланилади (7.1-расм). 7.2-расмда сув оқими тартибга солинмайдиган Миёнқол-Хатирчи каналининг энергетик нуқталар кўрсатилган бўйлама кесими кўрсатилган.

Ирригация тармоқларидан юқорида жойлашган дарёлардаги ГЭСлардан тушаётган сувлар, вегетация даврида ирригация тармоқлари орқали иккинчи марта суғориш мақсадларида фойдаланилади, қиши даврида эса сувни йиғиш учун сув омбори йўқлиги сабабли яна дарёга қайта ташланади.

### **7.3. Вегетация даврида мавсумий ишловчи ГЭСлар.**

Ирригация тизимларида қурилган ГЭСлардан тушаётган сувлардан вегетация даврида суғориш учун ишлатиш, қиши даврида эса ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига тенг сув микдорини ГЭСга узатиб, электроэнергия олингандан сўнг уни дарёга қайтариб ташлаш мумкин (7.3-расм).



**7.3-расм. Ирригация тармоғида йил бўйи эксплуатация қилинувчи ГЭСнинг схемаси:**

**1-сув манбаи; 2- сув сатҳини кўтарувчи тўғон; 3-сувни каналга чиқарувчи ростлагичли сув олиши иншооти; 4- тиндиригич; 5-балиқларни ҳимоя қилувчи қурилма; 6- босимли қувурлар; 7- ГЭС биноси; 8- салт сув ташлагич; 9-сув олиб кетувчи канал.**

Шундай қилиб, сув оқимини бошқармасдан ундан фойдаланишнинг асосий вазифаси – сувориш ишларига зарар етказмасдан ҳам унинг қувватидан бемалол фойдаланиш.

Сув оқими бошқарилмайдиган ирригация тизимларида ГЭСлар ишлашига нисбатан қуидагича классификацияланади:

1. Тўхтовсиз ёки доимий ишловчи ГЭСлар;
2. Вегетация даврида мавсумий ишловчи ГЭСлар;
3. Қиши даврида мавсумий ишловчи ГЭСлар.

### **Назорат саволлари:**

1. Сув оқими бошқарилмайдиган ирригация тизимлари қандай режимда ишлайди?
2. Сув оқими бошқарилмайдиган ирригация тизимларида ГЭСлар каскадини ўрнатиш мумкинми?
3. Ирригация тармоқларидағи йил бўйи эксплуатация қилинадиган ГЭСлар қандай режимда ишлайди
4. Сув оқими бошқарилмайдиган ирригация тизимларидаги ГЭСлар ишлашига нисбатан қандай классификацияланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

### **8-мавзу. Тўхтовсиз ёки доимий ишловчи ГЭСлар.**

#### **Режа:**

- 8.1. Тўхтовсиз ишловчи ГЭСлар классификацияси.
- 8.2. Тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларнинг бош қисмидаги ГЭСлар.
- 8.3. Магистрал каналнинг бош иншоотини дарёнинг юқори қисмига қўчириш.

**Таянч иборалар:** тўхтовсиз ишловчи ГЭСлар; тўғонсиз бош иншоотлар; магистрал каналларнинг бош қисми; сув кўтариши тўғонли; тўсуви иншоотлар; ўзи ҳаракатланувчи қурилмалар; каналнинг салт қисми; дарёнинг юқори қисмига қўчириши; Қувват билан босим орасидаги боғланиши; меандри; параллел жойлашган магистрал канал; оқим бошқарилмайдиган тўғонси.

Тўхтовсиз ишловчи ГЭСлар турига қуидагиларни киритиш мумкин:


1. Тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларнинг бош қисмida.

2. Сув күтариш түғонли бош иншоотларда.
3. Магистрал каналнинг бош иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш.
4. Ўзи ҳаракатланувчи қурилмалар.

### **8.1 Тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларнинг бош қисмидаги ГЭСлар.**


Ирригация тармоқларидағи тўғонсиз бош иншоотлар схемаси, салт қисми узун бўлган магистрал каналлар билан характерланади. Одатда магистрал каналларнинг салт қисмини қуриш қиммат бўлганлиги сабабли, уларни иложи борича калтароқ қилишга интиладилар. Кўйида магистрал каналларнинг бош иншоотларига оид бир неча вариантларни кўриб чиқамиз.

**Магистрал каналлардан сугориш ҳамда унинг гидравлик энергиясидан самарали фойдаланиш мақсадида, унинг бош иншоотини дарёнинг (оқими бўйлаб) юқори қисмига кўчириш усулидан фойдаланиш.** Агар ушбу участкада дарёнинг нишаблиги катта бўлса ГЭС учун иқтисодий самарадор катта босим олиш учун каналнинг салт қисмини узайтириш зарур бўлади. Кўчирилган бош иншоотдан магистрал каналга қўшимча сув миқдори узатилади. Қўшимча узатилган сув ГЭСдан ўтказилади ва яна қайтариб дарёга ташлаб юборилади. Бош иншоотни қанча масофага кўчириш зарурлиги иқтисодий ҳисоблар орқали амалга оширилади. 8.1 ва 8.2-расмларда ГЭСнинг асосий




**8.1-расм. Бош сув олиш иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш схемаси.**

характеристикалари-сув сарфи ва босимини кўпайтириш учун магистрал каналнинг бош иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш варианtlари схемалари берилган.



**8.2-расм. Сув олиш иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш варианларининг схемаси:**

**1-ҳақиқий бош сув олиши иншооти; 2, 3 ва 4-кўчирилган бош сув олиши иншоотлари.**



**8.3-расм. Ирригация тармоғидаги ГЭС учун самарали босимни аниқлаш- $N = f(H)$  графиги.**


Ҳар хил вариантларни солиштириб ГЭС учун энг самарали босим микдорини аниқлашни амалга ошириш учун, вариантларда ҳисобланган қувват билан босим орасидаги боғланиш графиги-  $N = f(H)$  ни қурамиз (8.3-расм). Бунинг учун ҳар бир вариантда ҳосил бўлган босимга асосан қувватни ҳисоблаймиз ҳамда ҳисобланганларни координата тизимидаи ўрнини топамиз. Нуқталар бўйлаб ўтказилган эгри чизикнинг энг пастги нуқтаси, ГЭС учун энг самарали босим ҳисобланади. Самарали босимга мос келган дарёнинг юқори қисмida аниқланган нуқта ГЭС ўрнатиладиган энг самарали жой ҳисобланади.

## 8.2. Магистрал каналнинг бош иншоотини дарёнинг юқори қисмига кўчириш.

Дарёнинг бу участкасида ҳам ирригация канали ёрдамида оқимнинг гидравлик кучидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун дарёнинг ҳалқа ўзанга ўтиш нуқтасидан бош сув олиш


иншооти орқали ирригация каналига сув олинади. Ирригация каналидан суғориш учун ажратилган сувга қўшимча қилиб ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи ҳам қўшиб узатилади ( $Q_{up.канал} = Q_{суғориш} + Q_{ГЭС}$ ). Бу ҳолатда дарёнинг нишаблигини ва каналнинг салт қисми ўтадиган жойнинг нишаблигини эътиборга олиб, ГЭСнинг энг рационал ўрнатиладиган нуқтаси аниқланади (8.4 ва 8.5-расмлар).

Дарёнинг нишаблиги ва каналнинг салт қисми ўтадиган жойнинг нишаблигига нисбатан, ГЭС ўрнатиладиган нуқталар орасидаги масофа ҳар хил бўлиши мумкин (8.4 ва 8.5-расмлар). Канал салт қисми узунлигининг ( $L < L_1$ ) ошиши билан, нишабликка нисбатан ГЭСнинг ҳисоб босими ҳам ошиб боради (8.4 ва 8.5-расмлар).



**8.4-расм. Эгри-буғри шаклдаги дарё ўзани бошланишидан сув оладиган ирригацион каналнинг қисқа салт қисмига ГЭС ўрнатиш схемаси.**

Ҳалқа шаклидаги дарё ўзани бошланишидан олдин ирригация канали орқали суғориш учун ва ГЭСга сув узатилиши сабабли, бош сув олиш иншооти ва канал салт қисмининг сув олиш қобилиятини ошириш зарур.



**8.5-расм. Эгри-буғри шаклдаги дарё ўзанидан сув оладиган ирригацион каналнинг узун салт қисмига ГЭС ўрнатиш схемаси.**

8.4-расмдаги ГЭС, магистрал каналнинг салт қисми бошланишидаги бош иншоотдан унча узоқ бўлмаган масофада, оқим бўйлаб пастда жойлашган. Унинг ҳисоб босими, 8.5-расмда кўрсатилган ГЭСнинг ҳисоб босимидан анча кичик. 8.5-расмдаги схема бўйича ГЭС қуриладиган нуқта, энг катта босим олиш мумкин бўлган нуқта ҳисобланади.

Каналнинг салт қисмидан узатилган сув сарфи иккига бўлинади. ГЭС-дан ўтган сув яна қайтариб дарёга ташлаб юборилади, қолган сув эса экинларни сугориш учун узатилади. ГЭСдан сунг магистрал каналнинг салт қисми тугайди.

### **8.3 Магистрал каналнинг бош иншоотини дарёning юқори қисмига қўчириш.**

Дарёга параллел жойлашган магистрал каналнинг нишаблиги дарё нишаблигига нисбатан кичик ( $I_{\text{маг.канал}} < I_{\text{дарё}}$ ). Масалан, сув олувчи бош иншоотдан 6 км пастда дарё ва магистрал сув сатҳлари орасидаги фарқ 10 м ни ташкил қиласди. Дарё ва канал сув сатҳлари орасидаги 10 м босимдан фойдаланиш учун магистрал канал ўзанининг 6-км да каналга кўндаланг жойлашган тўсувчи гидротехник иншоот ўрнатамиз (8.6-расм). Ушбу гидротехник узелда, ташлама ва ГЭСнинг ташламага бориб қўшилган олиб кетиш канали жойлашган. ГЭС нормал режимда ишлиши учун магистрал каналдан, ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига тенг бўлган ( $Q_{\text{ГЭС}}$ ) қўшимча сув сарфи узатилади. ГЭСнинг ишлиши учун зарур бўлган ҳисоб сув сарфини ўтказиши учун, магистрал каналнинг сув олиш бош иншоотидан ГЭСгача бўлган масофадаги қисми кўндаланг кесимини катта сув сарфига мос ҳолда лойиҳалаш лозим. ГЭСдан чиқаётган сув, олиб кетиш канали орқали, ортиқча сувларни дарёга ташлаб юбориш учун лойиҳаланган ташламага ташлаб юборилади (8.6-расм).


Юқоридаги схемалар бўйича қурилган ГЭСларни йил бўйи эксплуатация қилиш мумкин



**8.6-расм.Магистрал каналнинг нишаблиги дарё нишаблигидан кичик бўлган ( $I_{\text{маг.канал}} < I_{\text{дарё}}$ ) ҳолатда энергия ишлаб чиқариш схемаси.**

Ушбу вариантда ГЭС, магистрал каналнинг сув олиш бош иншоотига ўрнатилиши мумкин. Аммо бундай ГЭСлар ўзгарувчан босимда ишлашга мажбур, чунки бошқарилмайдиган дарёning сув сатҳи йил бўйи доимо ўзгариб туради. Шунинг учун бундай ГЭСлар факатгина вегетация даврида эксплуатация қилиниши мумкин (8.7-расм).

Шундай қилиб, кўриб чиққан варианtlаримизда оқим бошқарилмайдиган тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларни бошқисмидаги ГЭСларни, ҳар хил схемалардан фойдаланиб тўхтовсиз ишлатиш мумкин экан.



**8.7-расм. Сув олиш бош иншоотига ўрнатиладиган ГЭС схемаси.**

#### **Назорат саволлари:**

1. Тўхтовсиз ишловчи ГЭСлар таркибига қандай ГЭСлар киради?
2. Тўғонсиз бош иншоотлар ва магистрал каналларнинг бош қисмидаги ГЭСлар бир-бираидан қандай фарқланади?
3. Магистрал каналнинг бош иншооти дарёнинг юқори қисмига қандай кўчирилади?
4. Катта нишабли эгри-буғри (меандр) шаклидаги дарё ўзанидан қандай фойдаланиш мумкин?
5. Дарёга параллел жойлашган магистрал канал босимидан қандай фойдаланиш мумкин?
6. Сув олиш бош иншоотидан қандай фойдаланилади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

#### **9-мавзу. Тўғонли иншоотлардаги ГЭСлар.**

#### **Режа:**

- 9.1. Сув кўтариш тўғонли бош иншоотлардаги ГЭСлар.
- 9.2. Самарали сув сатҳини ҳосил қилувчи тўғонлар.
- 9.2.1. Сув сатҳини кўтарувчи тўғондаги ГЭС..
- 9.2.2. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС

**Таянч иборалар:** сув кўтариши тўғонли; бош иншоот; ирригация тизимини қайта қуриши; самарали сув сатҳи; баланд сатҳли тўғон; сув гидрираклари; ишллик харажатлар ва

*босим орасидаги боғланиши; гидравлик турбиналар; тұғондаги ГЭС; бөш сув олиши инишотидаги ГЭС; дарёнинг тезоқар қисми; тұғонга қурилган ГЭС; магистрал каналдаги ГЭС; деривацион каналдаги ГЭС; Бөш сув олиши инишотидаги ГЭС.*

### **9.1 Сув күтариш тұғонли бөш инишотлардаги ГЭСлар**

Иrrигация тармоқлари сув оқими энергиясидан фойдаланиш нұқтаи-назарига асосан, одатдаги тұғонсиз сув олиш бөш инишотлари ва магистрал каналлар ёрдамида энергия ишлаб чиқариш, сув күтариш тұғонли бөш инишотлардаги ГЭСлар ёрдамида энергия ишлаб чиқаришга қараганда унча қызметті туғдирмайды. Чунки сув күтариш тұғони, босимни бир нұқтага тұплайды ҳамда юқори бъеф сув сатхини башқарып туриш имконини беради.


Маълумки дарёга қурилган баъзибир гидротехник инишотларнинг таъсирида юқори бъефда сув сатхининг күтарилиши ва натижада босимнинг ошиши кузатилади. Босим ошиши туфайли дарёнинг пастги бъефдаги үзанини ҳам планда, ҳам чуқурлик бүйича ювилиши ҳамда сув сатхининг пасайиши кузатилади. Натижада гидротармоқдан пастда жойлашган жуда күп сув олиш бөш инишотлари ҳисоб сув миқдорини ололмайды. Шунинг учун иrrигация мақсадларида, пастги бъефда жойлашган сув олиш инишотларига мос ҳолда сув сатхини күтариш учун ҳар хил инишотлар-сув сатхини күтарувчи дамбалар, шпоралар (сув сатхини күтариш учун сув олиш инишотидан пастта қоқылган темир-бетон қозықлар), кичик дарёларда тұғонлар ва башқалар қурилиши мүмкін.

Иrrигация мақсадларида лойиҳаланған сув күтариш тұғони ҳосил қылған босимдан, амалий жиҳатдан энергия олиш учун ГЭСларда фойдаланиш мүмкін. Аммо фақатгина экологик тоза ва арzon энергия ишлаб чиқариш, ҳамда шу билан бир қаторда иrrигация мақсадлари учун сув етказиб беришда, иrrигация тармоқларини қайта қуриш орқали жуда қиммат ва мураккаб ГЭС биноси билан биргаликдаги сув сатхини күтарувчи тұғонларни қуриш мақсадға мувофиқ бўлмайди. Шунинг учун иrrигация тармоқларини лойиҳалашда, ГЭСларни максимал қувват ишлаб чиқаришга мослаб, гидротехник инишотлар таркибини эса, ГЭСлар учун максимал босим ҳосил қилишга ҳамда суғориш учун керакли сув миқдорини етказиб беришга мос ҳолда лойиҳалаш лозим.

### **9.2 Самарали сув сатхини ҳосил қилувчи тұғонлар.**

Сув күтариш тұғонини лойиҳалаш даврида дарёдаги сув сатхларини аниқлаб, ҳосил бўлған сув сатҳи иrrигация эҳтиёжларини таъминлашини ҳамда ҳосил бўлған босим энергиясидан фойдаланиш етарли ва иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини текшириб кўриш зарур. Бунинг учун албатта ҳар хил баландликка сув сатхини күтарувчи тұғонларнинг бир неча вариантини қараб чиқиши лозим. Вариантларнинг баъзиларидағи сатҳ, иrrигация мақсадлари учун фойдаланиш мүмкін бўлған сув сатҳдан ҳам юқори бўлиши мүмкін (9.1-расм). Баланд сатҳли тұғон лойиҳаланғанда албатта атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатмаслиги шарт.

Ҳар бир вариантни солишириш асосида эксплуатация ҳамда энергия исрофи харажатларидан ташкил топған йиллик харажатларнинг энг камини аниқлаймиз. Бунинг учун ҳар хил вариантдаги йиллик харажатлар билан тұғонлар ҳосил қылған босим орасидаги боғланиш графикларини ( $\sum X = f(H)$ ) қурамиз (9.2-расм). Графикда ҳар хил




**9.1-расм. Ирригация ва энергетик мақсадларда фойдаланиш учун самарали сув сатхини ҳосил қилувчи тўғонлар схемаси.**

вариантлардаги йиллик чегирмалар графиги ҳамда босим камайиши билан мумкин бўлган босим исрофи микдорларининг баҳоси графиклари келтирилган. Уларни қўшганда умумлаштирувчи график ҳосил бўлади. Ушбу графикка ўтказилган уринма билан абцисса ўки орасидаги масофа, иктиносидаги энг самарадор босим ҳисобланади.

Сув кўтариш тўғонли бош ишоотларга икки хил турдаги ГЭСларни ўрнатиш мумкин.

1. Сув сатхини кўтарувчи тўғондаги ГЭС.
2. Бош сув олиш ишоотидаги ГЭС.




**9.2-расм. Энг самарадор босимни аниқлаш графиги.**

### 9.2.1 Сув сатхини күттарувчи түғондаги ГЭС.

Дарёдаги ГЭСлар одатдаги усулда ўрнатиладиган ҳисоб сув сарфига лойиха қилинади ҳамда тұхтовсиз ишлаши билан харakterланади.


Баъзи ҳолатларда, дарёнинг тезоқар створига ўрнатилған кичик босимли түғон ёрдамида сув сатхини күтариб, түғонга ГЭСни ўрнатиш мумкин (9.3-расм).

Бу схемада дарёдан келаётган сув миқдори, суғориш учун магистрал каналга узатилаётган ҳамда ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига тенг ёки ундан күпроқ ҳам бўлиши мумкин ( $Q_{дарё} \geq Q_{маг.канал} + Q_{ГЭС}$ ). ГЭСни фақатгина түғонга эмас балки магистрал каналнинг бош қисмига ҳам ўрнатиш мумкин. Бу схема бўйича ГЭС йил бўйи эксплуатация қилинади. 9.3-расмда кичик босимли ирригацион түғонга ва магистрал каналнинг бош қисмига ўрнатилған ГЭС схемаси кўрсатилган.



**9.3-расм. Кичик босимли ирригацион түғонга ГЭСни ўрнатиш схемаси:  
а-план; б-бўйлама кесими.**

Бу схеманинг 2-вариантнда, түғонни дарёнинг тезоқар створидан юқори қисмiga-тезоқарнинг бошланиш қисмига ўрнатиш орқали қўшимча босим- $h_{к.б.}$  ҳосил қилиш мумкин (9.4-расм).



**9.4-расм. Тўғонни кўчириш усули билан қўшимча босим ҳосил қилиш схемаси.**

Ушбу схемада сув сарфини ўзгартирмасдан, тўғонни оқим бўйича юқо-рига кўчириш орқали қўшимча босим ҳосил қилинади. Магистрал каналнинг умумий босим- $H_{ум.маг.канал}$  биринчи схемага (9.3-расм) нисбатан қўшимча босимга ошади, яъни -  $H_{ум.маг.канал} = h_1 + h_{к.б.}$  Бу схемада, тўғонга ўрнатиладиган ГЭСнинг босими биринчи вариантдагига teng бўлса, магистрал каналга ўрнатиладиган ГЭСнинг босими қўшимча босим ҳисобига ошди. Натижада бир хил сув сарфи билан, ГЭС ишлаб чиқаридиган энергия миқдори кўпаяди.

### 9.2.2 Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС.

Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС, магистрал каналнинг максимал сув сарфига мос қилиб лойиҳаланади. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС кўп ҳолларда дарёга ўрнатиладиган ГЭС билан баравар ҳамда вегетация давридаги суғориш режимида мос ҳолда ишлайди (9.5-расм).

Тўғон танасида ГЭС бўлмаса, Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС йил бўйи тўхтовсиз ишлайди. Магистрал каналдаги ГЭСлар ўрнатиладиган нуқталар, ГЭСлар сони, уларнинг максимал қуввати ва ГЭСнинг иш режими иқтисодий ҳисоблар орқали аниқланади.



**9.5-расм. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСнинг схемаси.**

Дарёдаги сув сатҳи тушиб кетганда ирригация тармоқларига сув узатувчи магистрал каналлар ҳисоб сув сарфини ўтказолмай қолади. Ушбу ҳолатларда магистрал каналга сув узатиш учун тўғонлар қурилади. Қурилган тўғонлар ва магистрал каналлар орқали вегетация даврида экинларга сув истеъмол қилиш графигига мос сув етказиб бериш ҳамда қурилган

ГЭСлар ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқиши мумкин. Ушбу тизимга ГЭСлар ўрнатишнинг қуидаги усуллари бўлиши мумкин.

1. Дарёдаги сув сатхини кўтарувчи тўғонга қурилган ГЭС.
2. Тўғонли деривацион-магистрал каналдаги ГЭС.
3. Тўғонли деривацион каналдаги ГЭС.
4. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС.

#### **Назорат саволлари:**

1. Сув кўтариш тўғонли бош иншоотлардаги ГЭСлар қандай режимда эксплуатация қилинади?
2. Ирригация тармоқларидағи паст босимли тўғонлар ёрдамида самарали сув сатхи қандай ҳосил қилинади?
3. Ирригация тармоқларидағи паст босимли тўғонлар ҳосил қилган босим билан харажатлар орасида қандай боғланиш бор?
4. Ирригация тармоқларидағи паст босимли тўғонлар бош ишоотларига неча турдаги ГЭСларни ўрнатиш мумкин?
- 4.1. Ирригация тармоқларидағи паст босимли сув сатхини кўтарувчи тўғонларга ГЭС ўрнатиш мумкинми?
- 4.2. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС қайси даврда эксплуатация қилинади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

#### **10-мавзу. Тўғонли иншоотлардаги ва Магистрал каналлардаги ГЭСлар.**

#### **Режа:**

- 10.1. Дарёдаги сув сатхини кўтарувчи тўғонга қурилган ГЭС.
- 10.2. Тўғонли деривацион-магистрал каналдаги ГЭС.
- 10.3. Тўғонли деривацион каналдаги ГЭС.
- 10.4. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС.
- 10.5. Магистрал каналлардаги ГЭСлар
  - 10.5.1 Чукур қазилган Магистрал каналдаги ГЭС.
  - 10.5.2 Тўғондаги ва Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСлар (икки ГЭСнинг ишлаш схемаси).
  - 10.5.3 Ирригация мақсадларида фойдаланиладиган схемани ирригация ҳамда энергетика мақсадида фойдаланиш схемасига айлантириш

**Таянч иборалар:** дарёдаги сув сатхини күттарувчи түгөн; түгөнли деривацион-магистрал каналдаги ГЭС; Бөш сув олиш иншиоотидаги ГЭС; вегетация; новегетация; чуқур қазилган Магистрал каналдаги ГЭС; қүшиимча босим; түгөнни оқим бўйлаб юқорига силжитиши; биринчи ҳолат; иккинчи ҳолат.

### 10.1 Дарёдаги сув сатхини күттарувчи түғонга қурилган ГЭС.

Магистрал каналга сув чиқариш учун, түғон ҳосил қилган босимдан фойдаланиб түғонга ГЭС қуриш мумкин. Бу схемада дарёда сув сатхининг күтарилиши натижасида, магистрал канал экинларнинг суғориш режимига мос ҳолда сув сарфини олади (10.1-расм).




10.1-расм. Дарёдаги сув сатхини күттарувчи түғонга қурилган ГЭС схемаси.

### 10.2 Түғонли деривацион-магистрал каналдаги ГЭС.

Ушбу усул бўйича ирригация тармоқларига 2 хил схемада ГЭСларни жойлаштириш мумкин.

Биринчи схемада, түғон ёрдамида күтарилиган дарёдаги сув сатхидан бош сув олиш иншиооти орқали деривация каналига сув олинади. Деривация каналининг сув сарфи ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи ҳамда экинларни суғориш учун магистрал каналга узатилаётган



10.2-расм. Деривация канали ташламасига ўрнатилган ГЭС схемаси.


сув сарфлари йифиндисидан иборат бўлади. Деривация каналидан иқтисодий самарадор босимли нуқта аниқланади. Шу нуқтадан дарёга сув ташлайдиган ташлама лойиҳаланади. Ташламага ўрнатилган ГЭСдан ўтган сув яна қайтадан дарёга ташлаб юборилади. Қолган сув

микдори эса, деривацион каналнинг давоми ҳисобланган магистрал канал орқали экинларни суғоришга узатилади (10.2-расм).

Деривация каналининг давоми, ирригация тармоқларига сув узатувчи магистрал канални ташкил қилганлиги учун, бош сув олиш иншоотидан магистрал канал бошлангунча бўлган масофадаги деривация каналининг кўндаланг кесими, ҳам ГЭСга, ҳам экинларнинг суғориш режимида мос сув сарфини ўтказадиган қилиб лойиҳаланиши лозим.

### 10.3 Тўғонли деривацион каналдаги ГЭС.

Иккинчи схемада дарёга қурилган тўғон орқали сув сатҳини кўтарлиши туфайли магистрал канални сув олиши яхшиланади ҳамда деривация каналининг бошланғич босими ошади. Деривация канали ГЭСга сув етказиб берувчи канал ҳамда ташлама вазифасини бажаради. Магистрал каналдан фақтагина экинларни суғориш учун сув узатилади. Тўғонда деривация каналининг сув олиш иншооти қурилади. Деривация каналининг узунлиги, яъни ГЭС ўрнатиладиган нуқта, ундаги нишабликка асосан аниқланадиган ҳисоб босимига биноан белгиланади. Деривация каналидан, фақатгина ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига тенг микдорда сув узатилади. ГЭСдан чиққан сув яна қайтарилиб дарёга ташлаб юборилади. Бу схема бўйича ҳам ГЭСни йил бўйи эксплуатация қилиш мумкин (10.3-расм).




10.3-расм. Деривация канал-ташламага қурилган ГЭС схемаси.

### 10.4 Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС.

Дарёдаги сув сатҳи пасайиб кетиб сув олиш иншоотлари, экинларни суғориш учун олинадиган ҳисоб сув сарфини етказиб беролмагандан сунг дарёга тўғон қурилиб сув сатҳи кўтарилади. Кўтарилиган сув сатҳидан Магистрал каналга сув олиш учун Бош сув олиш иншооти қурилади. Бош сув олиши иншооти, магистрал каналга сув ўтказиб беришдан ташкари, унга ўрнатиладиган ГЭС ёрдамида электр энергияси ҳам ишлаб чиқаради.

ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи, ирригация мақсадларида фойдаланиладиган максимал сув сарфига тенг қилиб қабул қилинади. ГЭСдан ўтган сув магистрал канал орқали суғориш учун ирригация тармоқларига узатилади. Бу схемада ГЭС асосан вегетация даврида ишлайди, аммо новегетация даврида ҳам ишлаши мумкин. Чунки ҳозирги қунда вегетация давридан сунг дон экинларини сув билан таъминлаш учун новегетация даврида ҳам магистрал каналга сув узатиб туриласди (10.4-расм).




**10.4-расм. Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС схемаси.**


### 10.5 Магистрал каналлардаги ГЭСлар

#### 10.5.1 Чуқур қазилған Магистрал каналдаги ГЭС.

Бош сув олиш иншооти орқали дарёдан сув олувчи магистрал канал жуда чуқур қазилған бўлса, ГЭС учун зарур бўлган ҳисоб босими ҳосил бўладиган масофадан сунг магистрал каналгасув сатҳини кўттарувчи кўндаланг иншоот қурилади. Кўндаланг иншоот вазифасини магистрал каналга қурилган ГЭС бажаради (11.1-расм). ГЭСни қувватини ошириш учун ушбу схемада, ГЭСга узатилаётган сув миқдори суғоришга узатилаётган сув миқдоридан бир неча баробар кўп бўлиши мумкин. Шунинг учун Магистрал каналнинг ГЭСгача бўлган масофадаги сув миқдори, ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига ҳамда ирригация мақсадларида фойдаланиладиган максимал сув сарфига тенг қилиб қабул қилинади, яъни

$$Q_{маг.канал} = Q_{ГЭС} + Q_{мак.сугории}.$$






**10.5-расм. Чуқур қазилған Магистрал каналдаги ГЭС схемаси:  
а-планда қүриниши; б-бүйлама қирқими.**

ГЭСгача бўлган масофада сув сарфи микдори кўп бўлганлиги сабабли, Магистрал каналнинг кесим юзаси, ГЭСдан кейинги Магистрал каналнинг кесим юзасидан каттароқ бўлади. ГЭСдан ўтган сув ташлама орқали яна қайтадан дарёга ташлаб юборилади. Қолган сув микдори, кесим юзаси кичикроқ бўлган Магистрал канал орқали суғоришга узатилади. Ушбу схема бўйича ГЭСни йил бўйи эксплуатация қилиш мумкин.

#### **10.5.2 Тўғондаги ва Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСлар (икки ГЭСнинг ишлаш схемаси).**

Ушбу схемада Магистрал каналга сув олиш учун дарёга сатҳ кўтарувчи тўғон қурилади. ГЭСлар ҳам сатҳ кўтарувчи тўғонга, ҳам магистрал каналга сув оловччи Бош сув олиш иншоотига ўрнатилади. Тўғонга қурилган ГЭСни йил бўйи эксплуатация қилиш мумкин, Бош сув олиш иншоотидаги ГЭС эса, фақатгина вегетация даврида эксплуатация қилинади.




**10.6-расм. Тўғондаги ва Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСлар схемаси.**

Агар куз ва қиши даврида донли экинларга сув узатадиган Магистрал канал бўлса, унда Бош сув олиш иншоотига ўрнатиладиган ГЭСни ҳам йил давомида эксплуатация қилиш мумкин бўлади. Бош сув олиш иншоотига ўрнатиладиган ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи, ирригация мақсадларида фойдаланиладиган максимал сув сарфига тенг қилиб қабул қилинади (11.2-расм). Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСдан ўтган сув, Магистрал канал орқали суғоришга узатилади.

### **10.5.3 Ирригация мақсадларида фойдаланиладиган схемани ирригация ҳамда энергетика мақсадида фойдаланиш схемасига айлантириш.**

Дарёга тўғон қуриб сув сатҳини кўтариб ирригация мақсадлари учун магистрал каналга сув олиш мумкин (1-холат, 11.3-расм). Аммо қуриладиган тўғонни ГЭС учун зарур бўлган ҳисоб босимига тенг босим ҳосил қилиши учун уни оқим бўйлаб юқорига силжитсак икки хил босим манбасини ҳосил қиласиз (2-холат, 11.3-расм). Ушбу схемада 1-ГЭС магистрал каналдан дарёга бориб қўшилган ташламага қурилади, ГЭСдан ўтган сув яна қайтиб дарёга ташлаб юборилади. 2-ГЭС эса, ҳисоб босимга мос бўлган Магистрал



**10.7-расм. Ирригация режимини ирригация-энергетик режимга айлантириш схемаси.**

каналдаги нуқтага қурилади. 2-ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи ирригация мақсадлари учун фойдаланиладиган максимал сув сарфига тенг қабул қилинади. Иккинчи ГЭСдан ўтган сув суғориш учун ирригация каналларига узатилади. Бош сув олиш иншоотининг умумий сув сарфи, иккинчи ГЭСгача, биринчи ГЭСнинг сув сарфига тенг миқдорда кўп бўлади ( $Q_{Бош сув олиш} = (Q_{1-ГЭС} + Q_{2-ГЭС}) - Q_{1-ГЭС} = Q_{ир.канал}$ )

#### **Назорат саволлари:**

1. Дарёдаги сув сатҳини кўтарувчи тўғон танасига қачон ГЭС қуриш мумкин?
2. Тўғонли деривацион-магистрал каналларга неча схемада ГЭСларни ўрнатиш мумкин?
3. Деривация канал ташламасига қандай схемада ўрнатилган ГЭС ўрнатилади?
4. Тўғонли деривацион каналга қайси схемада ГЭС ўрнатилади?
5. Бош сув олиш иншоотига қачон ГЭС ўрнатилади?
6. Чуқур қазилган магистрал каналда ГЭСнинг ҳисоб босимини ошириш учун қандай ишлар амалга ошириллади?
7. Тўғондаги ва Бош сув олиш иншоотидаги ГЭСлар қандай схемада эксплуатация қилинади?
8. Ирригация каналидан сув оқимидан қандай қилиб ирригация ҳамда энергетика мақсадларида фойдаланиш мумкин?

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

## **11-мавзу. Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар ҳамда қиши даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун махсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭСлар.**

### **Режа:**

- 11.1. Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар
- 11.2. Дарёга сувни қайта ташлаб юбориш учун махсус ташламаси бўлмаган Магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.
- 11.3. Қиши даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун махсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.
- 11.4. Шаршарадан ва ташламага ўрнатилган ГЭС.
- 11.5. Чуқур қазилма Магистрал каналдаги ГЭС.

**Таянч иборалар:** баланд сатҳлар; шаршаралар; кўндаланг тўсувчи иншоотлар; Бош сув олии иншооти; погонали; қия оқимли; чуқур Магистрал канал; ташлама; чап тармоқ; ўнг тармоқ; лойқа; лойқаларни ювии.


### **11.1 Магистрал каналдаги шаршаралар ёки кўндаланг тўсувчи иншоотлардаги ГЭСлар**

Одатда Бош сув олии иншоотнинг жойлашишига нисбатан, ерларга сувни ишончли узатиш мақсадида, Магистрал канал трассаси баланд сатҳлардан ўтказилади, яъни трасса сугориладиган ердан анча баландда жойлашади (12.1-расм).

Сугориладиган ерлардан баландда жойлашган Магистрал каналлардан сув узатиш, сув туширгич шаршаралар орқали амалга оширилади. Сув туширгичлардан ҳар хил сатҳларни бир-бирига туташтиришда фойдаланилайдиган гидротехник иншоотдир. Сув туширгич шаршаралар тузилишига қараб: погонали, қия (тез оқар) ва консолли сув туширгичларга бўлинади. 12.2-расмда погонали ва қия (тез оқар) оқимли сув туширгич шаршаралар кўрсатилган. Бир ёки бир неча погона кўринишидаги шаршаралар Магистрал каналнинг максималл босим ҳосил бўладиган нуқтасига ўрнатилади.

Бундан ташқари баъзи каналлар, сугориладиган ерга нисбатан жуда чукурда жойлашади. Чукурда жойлашган Магистрал каналдаги сув билан ерларни сугориш учун сув сатҳини кўтариш мақсадида, маълум нуқталарга кўндаланг гидротехник иншоотлар курилади


Биринчи ҳолда ҳосил бўлган шаршаралардан фойдаланиб энергия олиш имкони бўлса, иккинчи ҳолда чукурда жойлашган Магистрал каналга қурилган кўндаланг тўсувчи гидротех-



**12.1-расм. Ернинг баланд сатхларидан ўтказилған Магистрал каналлар схемаси**

ник иншоотларга ёки Магистрал каналдан суғоришга сув олувчи канал бошиға қурилған ГЭСлар ёрдамида энергия олиш мүмкін бўлади.

Қуйида бундай Магистрал каналларда гидростанцияларни жойлаштириш схемасини кўриб чиқамиз.




**12.2-расм. Магистрал каналлардаги шаршаралар.**

## 11.2 Дарёга сувни қайта ташлаб юбориш учун махсус ташламаси бўлмаган Магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.

Шаршаралардаги ГЭСлар фақатгина вегетация даврида суғориш режимида асосан ишлайди ва кўп ҳолларда даврий ишловчи ГЭСлар қаторига киради.

$$Q_{Бош\ сув\ олии} = Q_{ГЭС} = Q_{макс.суғории}$$



**12.3-расм. Магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.**

Ушбу схемада Магистрал каналнинг шаршарасига қурилган ГЭСдан ўтган сув суғориш учун узатилади (12.3-расм). Бош сув олиш иншоотининг сув ўtkазиш қобилияти ва ГЭСнинг хисоб сув сарфи экинларнинг максималл сув истемол қилиш сарфига тенг қабул қилинади, яъни

$$Q_{Бош\ сув\ олии} = Q_{ГЭС} = Q_{макс.суғории}$$

## 11.3 Қиши даврида дарёга сувни қайтариб ташлаш учун махсус ташламаси бўлган магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.

Ушбу схема ҳам юқоридаги схемага ўхшаёт, яъни магистрал каналдан суғориш учун узатилаётган сув, каналдаги шаршарага ўрнатилган ГЭСдан ўтказилиб сунгра суғоришга узатилади. Фақатгина бу схемада, кўпроқ энергия ишлаб чиқариш мақсадида, магистрал каналдан келаётган сувни бир неча баробар кўп олиб, у шаршарадаги ГЭСдан ўтказилади. ГЭСда ўтган сувнинг бир қисми вегетация даврида суғориш учун узатилади, қолган қисми эса ташлама орқали дарёга қайтадан ташлаб юборилади (31-расм). Шунинг учун:


- шаршарали магистрал каналнинг вегетация давридаги сув сарфи-

$$Q_{маг.канал} = Q_{ГЭС} = Q_{ташлама} + Q_{суғории};$$

- шаршарали магистрал каналнинг қиши давридаги сув сарфи-

$$Q_{\text{маг.канал}} = Q_{\text{ГЭС}} = Q_{\text{ташлама}}$$

Ушбу схема бўйича ГЭСни йил давомида эксплуатация қилишга шароит яратилади.



**31-расм. Махсус ташламали магистрал канал шаршарасидаги ГЭС.**

#### 11.4 Шаршарадан ва ташламага ўрнатилган ГЭС.


Ушбу схемада Бош сув олиш иншооти орқали сув олаётган ўнг тармоқ Магистрал каналга кўндаланг тўсувчи иншоот ўрнатилган. Кўндаланг тўсувчи иншоот ёрдамида Магистрал каналдаги сув сатҳи кўтарилади. Магистрал канал билан сув олиб кетувчи ирригацион каналдаги сув сатҳлари фарқи катта бўлганлиги учун пастга сув, шаршара орқали узатилади ва унга ГЭС ўрнатилади(32-расм).

Магистрал каналдаги кўтарилиган сув сатҳидан самарали фойдаланиш учун, Магистрал каналдан шаршара ташлама ўтказилади. Ташлама орқали пастга қўшимча сув туширилибунга яна бир дона ГЭС ўрнатилади(32-расм).

Ушбу схемада иккала ГЭСнинг ҳисоб сув сарфлари бир-бирига teng, яъни –  $Q_{1-\text{ГЭС}} = Q_{2-\text{ГЭС}}$ . ГЭСларни эксплуатация қилишни осонлаштириш учун, уларнинг ҳисоб босимини ҳам бир-бирига teng бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади.

Йил давомида ушбу ГЭСлар қўйидаги режимда ишлайди.

1. Вегетация давридаги иш режимида - 1 ва 2 - ГЭСдан тушаётган сув ирригацион каналга ўрнатилган тўсувчи иншоот - гидротармоқда иккига тақсимланади. Биринчи йўналиш бўйича узатилаётган сув, вегетация даври давомида, чап тармоқ орқали қишлоқ хўжалик экинларини суғоришида фойдаланилади. Чап тармоқнинг сув сарфи экинларнинг сув истеъмол қилиш графигидаги максималл сув сарфига teng бўлади, яъни-  $Q_{\text{чап тар.}} = Q_{\text{екин.сув.режими}}$ . Колган сув ташлама орқали яна дарёга қайта ташлаб юборилади.



**32-расм. Шаршара ва ташламага узатилаётган сувгаўрнатилган ГЭС схемаси.**

2. Қиши давридаги иш режимида, ГЭСларга сув икки хил сув узатиш тартибида ишлайды. Биринчи тартибда, ташлама орқали 1-ГЭСдан ўтган сув шаршаранинг пастида жойлашган 2-ГЭСдан ҳам ўтказилади, сунгра ташлама орқали дарёга қайта ташлаб юборилади, яъни -  $Q_{ташлама} = Q_{1-ГЭС} = Q_{шар.} = Q_{2-ГЭС}$ . Иккинчи тартибда ҳар бир ГЭСга алоҳида-алоҳида ҳисоб сув сарфи узатилади. 1-ГЭСга шаршара орқали, 2-ГЭСга ташлама орқали сув узатила-ди. Иккала ГЭСдан чиқаётган сув ташлама орқали яна дарёга қайта ташлаб юборилади, яъни-  $Q_{1-ГЭС} = Q_{2-ГЭС}$ . Ирригацион каналдаги сув сарфи, ташламанинг сув сарфига teng бўлади, улардаги сув сарфи эса, иккала ГЭСдан ўтаётган сув сарфлари йифиндисига teng, яъни-  $Q_{ур.канал} = Q_{ташлама} = Q_{1-ГЭС} + Q_{2-ГЭС}$ .


Шундай қилиб, ушбу схема бўйича ирригация тармоқлари-шаршара ва ташламадаги ГЭСларни йил бўйи эксплуатация қилиш мумкин. Фақатгина қиши даврида иккинчи тартибда эксплуатация қилинаётган тизимда, ГЭСлардан тушаётган сувни дарёга қайта узатувчи ташламанинг кўндаланг кесим юзаси, иккала ГЭС ҳисоб сув сарфи ҳамда яна 20 % сувни ўтказадиган бўлиши шарт, яъни-  $Q_{хис.ташлама} = 1,2(Q_{1-ГЭС} + Q_{2-ГЭС})$ .

### 11.5 Чуқур қазилма Магистрал каналдаги ГЭС.

Ушбу схемада дарёдан сув оладиган Магистрал канал жуда чуқур қазилма канал бўлганлиги сабабли, ундаги босим, кўндаланг тўсувчи иншоотлар билан ҳосил қилинади.

Магистрал каналдаги сув тўсилгандан сунг, ундаги тезликни камайиши натижасида

тўсувчи иншоот ва магистрал каналнинг (оқим бўйлаб) юқори қисми маълум масофада лойқага тўлиб қолади.



**33-расм. Чукур қазилма Магистрал каналдаги ГЭС схемаси.**

Каналнинг лойқага тўлиб қолган қисми ҳисоб сув сарфини ўтказа олмайди. Шунинг учун тўсувчи иншоотдан чўкиб қолган лойқаларни ювиб тушириш учун ювиш канали олиб кетилган(33-расм). Ювилган лойқалар қайтадан дарёга ташлаб юборилади. Магистрал каналдан сув оловчи Ирригацион каналнинг бош қисмига ГЭС ўрнатилади. ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи, экинларни суғориш учун ирригация мақсадларида фойдаланиладиган максимал сув сарфига teng қилиб қабул қилинади, яъни -  $Q_{ГЭС} = Q_{Н.С.}$

#### **Назорат саволлари:**

1. Магистрал каналлар ер сатҳининг қандай нуқталаридан ўтказилади?
2. Юқори нуқталардан ўтган магистрал каналларнинг сувлари, суғориладиган ерларга қандай иншоотлар билан олиб тушилади?
3. Шаршара ва тезоқарлар қандай вазифаларни бажарадилар?
4. Шаршарадаги ГЭСлар йилнинг қайси даврда эксплуатация қилинади?
5. Қайси схема бўйича шаршарали ГЭСлар йил давомида эксплуатация қилинади?
6. Ташламали шаршарадаги ГЭСлар қандай эксплуатация қилинади?
7. Чукур қазилган магистрал каналларда босим қандай ҳосил қилинади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

## 12-мавзу. Ўз–ўзини таъминловчи қурилмалар.

Режа:

12.1. Ўз–ўзини таъминловчи қурилмаларни жойлаштириш схемалари

12.2. Ерларни суғориш ва ГЭСларни ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юқори қисмига ўрнатилади (1-холат).

**Таянч иборалар:** нишаблиги катта дарё; ўзини таъминловчи қурилмаларнасос станцияси; дарёнинг юқори қисми; гидроаккумуляцион ГЭС; сув узатии; тунги сув узатии; вегетация даври бошланмаганда сув узатии; аралаши усулда сув узатии; Амударё; Аму Занг насос станциялари каскади; тартибга солувчи ҳажсм; Оқтепа сув омбори.

### 12.1 Ўз–ўзини таъминловчи қурилмаларни жойлаштириш схемалари.

Маълумки нишаблиги катта дарёлардан магистрал каналларга сув олиш учун, сув сатҳини кўтариш зарур. Бунинг учун дарёга тўғон қуриш ёки магистрал каналнинг салт қисмини узунрок қилиш зарур. Бундай дарёлардан сув олишда юкоридаги икки усул ҳам самарали эмас. Шунинг учун бундай ҳолларда ўз – ўзини таъминловчи қурилмалар, яъни насос станциялари ва ГЭСлар қурган маъқулроқ.

**1-холат.** Ерларни суғориш ва ГЭСларни ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юқори қисмига ўрнатилади. Ушбу схемада қуриладиган ГЭСлар 2 дона бўлиб бириси дарёнинг оқим бўйлаб қуий қисмига қурилади. Насос станцияси билан дарёга қуриладиган ГЭС орасидаги масофанинг миқдори ва дарёнинг нишаблиги туфайли ҳосил қилинган босим, ГЭСнинг ҳисоб босимида тенг ёки ундан каттароқ бўлиши лозим (34-расм), яъни -

$$H_{хисоб}^{1-\Gamma\mathcal{E}C} \leq I_{\partialap\acute{e}} \times L_{\partialap\acute{e}} \quad \text{бундан} \quad I_{\partialap\acute{e}} \times L_{\partialap\acute{e}} = H_{хисоб}^{\partialap\acute{e}} \quad \text{эканлигини ҳисобга олсак,}$$

$$H_{хисоб}^{1-\Gamma\mathcal{E}C} \leq H_{хисоб}^{\partialap\acute{e}}$$

Иккинчи ГЭС, насос станцияси сув кўтариб берадиган, нишаблиги кичик, Магистрал-машина каналга қурилади. Бунинг учун Магистрал-машина каналга, сув сатҳини кўтарувчи иншоот қурилади. Магистрал-машина каналнинг нишаблиги ҳамда сув сатҳини кўтарилиши туфайли ҳосил бўлган босим, иккинчи ГЭСнинг ҳисоб босимида тенг бўлиши керак.

$$H_{хисоб}^{2-\Gamma\mathcal{E}C} \leq (I_{машинали} \times L_{машинали}) + H_{тұсувчинишиот} \quad \text{юкоридагидан} \quad (I_{машинали} \times L_{машинали}) = H_{машинали} \quad \text{эканлигини ҳисобга олсак}$$


$$H_{хисоб}^{2-\Gamma\mathcal{E}C} \leq H_{машинали} + H_{тұсувчинишиот} = H_{канал} \quad \text{демак} \quad H_{хисоб}^{2-\Gamma\mathcal{E}C} \leq H_{канал}$$

ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи эса, ирригация мақсадларида фойдаланиладиган максимал сув сарфига тенг қилиб қабул қилинади.

$$Q_{ГЭС} = Q_{\text{макс.сугории}}$$

Дарёдаги биринчи ГЭС учун ҳосил қилинадиган ишчи босим ва энергия миқдорлари, насос станциясини ҳаракатта келтириш учун етарли бўлиши зарур.

$$\mathcal{E}_{ГЭС} = \mathcal{E}_{Н.С.}$$



**34-расм. Ирригация тармоқларидаги ўз-ўзини энергия билан таъминловчи станциялар схемаси.**

Насос станцияси кўтариб берган сув, магистрал канал орқали узатилиб, унда қурилган ГЭСдан ўтказилади ва сўнг суғориш учун далага олиб кетилади (34-расм).

Дарёдаги ГЭС ёки Магистрал каналдаги ГЭС ҳосил қилган энергия, энергия узатиш тармоқлари орқали насос станцияга узатилади ва насос станцияси ҳаракатта келтирилади, яъни “ўз-ўзини энергия билан таъминлайди”. Насос станциясига уланмаган иккинчи ГЭС ишлаб чиқкан энергия бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Насос станциясини биринчи марта ҳаракатта келтириш учун электр энергияси қўшни ГЭСдан олинади. Кўшни станцияданишга туширилган насос станцияси яна ишлаб туриши учун электр энергияни дарёга ёки каналга қурилган ГЭСдан ола бошлайди. Шундай қилиб сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш орқали “ўз – ўзини энергия билан таъминлайди”ган қурилмаларни яратиш имкони туғилади.

Ерларни суғориш ва ГЭСларни ҳаракатта келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юқори қисмига ўрнатилади

## 12.2. Ерларни суғориш ва ГЭСларни ҳаракатта келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юқори қисмига ўрнатилади (1-холат).

**2-холат.** Гидроаккумуляцион ГЭСларга (ГАЭС) ўхшаш. Ушбу схемада, насос станциялари каскадини ишончли сув билан таъминлаш учун уларнинг атрофида табиий тартибга солувчи ҳажм-сув омборининг ўрни аниқланади. Тартибга солувчи сув омбори, насос станцияларидан анча узоқда жойлашиши мумкин. Ушбу сув омборини сувга тўлдириш 4 хил усулда амалга оширилиши мумкин.

1. Насос станциялари узатаётган сув сарфининг маълум бир қисмини (суғоришга ҳалақит бермаган ҳолда) доимо узатиб туриш орқали.
2. Суғориш учун кам сув олинаётган тунги даврда узатиб туриш орқали
3. Вегетация даври бошланишидан олдин узатиб туриш орқали.


4. Аралаш усулда сув узатиб туриш орқали.

Бу схемада, маълум ҳажмдә тўлдирилган сув омборидан, сув омборининг чиқишига ўрнатилган 1-ГЭСга сув узатилиб энергия ишлаб чиқарилади. 1-ГЭСдан ўтган сув, олиб кетиш канали орқали, насос станциялари каскади машина каналининг яқинига ўрнатиладиган 2-ГЭСга узатилади ва машина каналига ташлаб юборилади. Бу ҳолатда иккала ГЭСларнинг сув сарфлари бир-бирига тенг бўлади, аммо уларнинг қуввати бир-бирига тенг бўлмаслиги мумкин, яъни-

$$Q_{1-\text{ГЭС}} = Q_{2-\text{ГЭС}} \quad \text{аммо} \quad N_{1-\text{ГЭС}} \neq N_{2-\text{ГЭС}}$$

Ушбу схемани Аму Занг насос станцилари каскадининг тартибга солувчи сув омбори бўлган Оқтепа сув омборида қўллаш мумкин. Оқтепа сув омбори, Сурхондарё дарёсининг чап қирғоғи, Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон тумани ҳудудида жойлашган. Сув омборининг туби-косаси, яъни табиий пасайган ўрни Аму Занг каналининг ўнг қирғоғи томонда, Термиз шаҳридан 30 км ўзоқликда жойлашган. Сув омборининг пасайган жойи, сув оқиб чиқиб кетмайдиган нок шаклида бўлиб, ҳар томондан тепалик ва тизма тоғ тармоқлари билан ўралган.

Сув омбори сунъий равишда сувга тўлдирилади. Сув омбори, Амударёдан сув кўтариб берадиган Аму Занг-1 ва Аму Занг-2 насос станциялари кўтариб бераётган сувни олиб юрадиган Аму Занг машина каналларидан узатилаётган сув билан тўлдирилади. Аму Занг-2 насос станциясининг юқори бъифидан бошланган Аму Занг-2 машина каналининг 102 + 50-пикетидан унга перпендикуляр қурилган сув олиш иншооти орқали сув олиб бориш канали билан Оқтепа сув омборига сув узатилади. Амударёда сув сатҳи тушиб кетиши ёки бошқа техник сабабларга кўра Аму Занг – 1 насос станцияси ҳисоб сув сарфини кўтариб беролмаса (сув сатҳи тушиб кетса), унда Оқтепа сув омборидан сув олиб кетувчи канал орқали Аму Занг-1 машина каналининг 144 + 00-пикетидан (Аму Занг-2 насос станциясининг пастги бъефига) қўшимча сув узатилади.



35-расм. Оқтепа сув омборининг олиб кетиши каналига ўрнатиладиган ГЭСлар каскади схемаси:

1-Аму Занг-1 машина каналининг янги сув олиб кетиши канали; 2- Аму Занг-1 машина каналининг эски сув олиб кетиши канали; 3-Аму Занг-1 машина канали

Оқтепа сув омборининг асосий вазифаси, Аму Занг ирригация тармоқлариға қарашли қишлоқ хўжалик ерларининг сув билан таъминланганлигини оширишдан иборат. Бунинг учун тармоқлардаги насос станциялари каскади-ни ишончли сув билан таъминлаш даркор. Оқтепа сув омбори мана шундай вазифани бажарувчи сув манбаси, яъни насос станциялари каскади учун тартибга солувчи сув ҳажми ҳисобланади.

Аму Занг насос станцилари каскадига хизмат қилувчи Оқтепа сув омборига юқоридаги схемани қўллаб, унинг сув чиқариш иншоотига бир дона ва машина каналига сув ташлаш нуқтасига яна бир дона ГЭС ўрнатиш мумкин (35-расм)

Хозирги кунда Оқтепа сув омборининг фойдали ҳажми 100 млн.  $m^3$  га teng. Сув омборидан вегетация даврида  $15 m^3/s$  сув чиқариб турилади. Бу сув сарфи насос станциясининг атиги  $15\%$  сув сарфига teng. Ҳақиқатдан эса таъминланганлик  $50\%$  га teng бўлиши керак.

Аму Занг насос станциялари какскадини ишончли сув билан таъмин-лаш мақсадида Оқтепа сув омборининг 2-навбати қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳага асосан сув омборининг ҳажми  $359$  млн.  $m^3$  гача, олиб кетиш каналининг сув сарфи  $50 m^3/s$  гача кўпайиши керак.

Хозирги кунда сув омбори ташлаётган сув сарфи  $15 m^3/s$  ни ташкил қилганлиги сабабли, иккала ГЭСнинг ҳам ҳисоб сув сарфи  $15 m^3/s$  га teng бўлади, яъни-

$$Q_{сув\ омбори} = Q_{1-ГЭС} = Q_{2-ГЭС}$$

Сув омбориниг 2-навбати ишга тушгандан сунг 83 кун давомида сув омборидан  $50 m^3/s$  сув, Аму Занг-2 насос станциясининг пастги бъефига узатилиши натижасида ГЭСлар ҳамда насос станциялари каскадларининг ишончли ишлаши таъминланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Нишаблиги катта дарёлардан қандай сув олинади?
2. Ўз – ўзини таъминловчи қурилмалар қандай тизимдан ташкил топган?
3. Ерларни сугориш ва ГЭСларни ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган насос станцияси дарё оқимининг юқори қисмига ўрнатилганда қандай сув билан таъминланади?
4. Гидроаккумуляцион турдаги тартибга солувчи сув омборлари насос станциясини қандай сув билан таъминлайди?
  - 4.1. Гироаккумуляцион сув омборлари неча усулда сув билан тўлдирилади?
  - 4.2. Аму Занг насос станциялари каскади ва Оқтепа сув омбори тизими қандай эксплуатация қилинади?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мажидов Т.Ш. «Аму-Занг-1», «Аму-Занг-2» ва «Боботоғ» насос станцияларининг биргаликда ишлаш режими тўғрисида тавсияномалар ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

### 13-мавзу. Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар.

#### Режа:

- 13.1. Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар.
- 13.2. Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларидағи ГЭСлар.
- 13.3. Турбонасос станциялари
- 13.4. Ирригация тармоқларидағи ўз – ўзини таъминловчи ГЭСлар.

**Таянч иборалар:** бўлиши шохобчалари; бўлиши тармоқлари; турбонасос станциялари»; ўз-ўзини таъминловчи қурилмалар; сувориш графиги-режими; террасалар; трасса; гидромашина; сув кўтариши тўғони ёнига-пастги бъефга.

#### 13.1. Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар

Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСларга қуйидагилар киради:

1. Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларидағи ГЭСлар;
2. Турбонасос станциялари;
3. Ирригация тармоқларидағи ўз – ўзини таъминловчи ГЭСлар.


Бу ГЭСлар, вегетация даврида сувориш графигига мос равища фаслий ишлайди ва ирригация хамда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган электроэнергия ишлаб чиқаради.

Қуйида ҳар бир фаслий ишловчи ГЭСларни кўриб чиқамиз.

#### 13.2. Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларидағи ГЭСлар.

Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари трассаси, уларга бириктирилган ерларга сувни bemalol узатиш учун сув бўлиш чўққиларидан ёки ернинг энг кўтарилилган нукталаридан ўтказилиди (15.1-расм).

Кўп ҳолларда канал трассаси ўтган жойлар аниқ терассалар шаклида бўлади. Шунинг учун каналлар бир террасадан иккинчи террасага ўтаётганда улар шаршаралар ёки тезоқарлар шаклида бўлади. Ҳосил бўлган шаршара ва тезоқарлардан энергия олиш мақсадида фойдаланиш мумкин (15.2-расм).




15.1-расм. Сув бўлиш чўққиларидан (а) ва ернинг баланд нукталаридан (б) ўтказилган сувориш тармоқлари.

Бўлиш шахобчалари каналларини лойиҳа қилаётганда албатта уларнинг босимни бир жойга тўплашга ва тўпланган босим ҳосил қилган қувватнинг миқдорини энг камида  $200 \div 300$  кВт бўлишига эришиш лозим.

(а)

(б)



**15.2-расм. Ирригация тармоқларидаги шаршара (а) ва тезоқарлар (б).**

Бўлиш шохобчаларидаги каналларга қуриладиган ГЭСларнинг қуввати кичик бўлганлиги ҳамда улар тартибсиз жойлашганлигини эътиборга олиб, уларнинг барчаси ишлаб чиқарадиган энергияни бир нуқтага тўплаш ва шу нуқтадан исьеъмолчиларга узатиш лозим. Шунинг учун уларни автоматик ёки ярим автоматик тарзда эксплуатация қилинишини ташкил қилиш зарур.


### **13.3 Турбонасос станциялари.**

Бу турдаги станцияларда энг кам харажатли машинали суғоришни амалга ошириш мумкин бўлганлиги сабабли, яъни эксплуатация ва қуриш харажатлари жуда кам бўлгани учун унга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ҳақиқатдан ҳам бир гидротехник иншоотга жойлаштирилган гидромашинадан – турбонасосдан, ҳам харакатга келтирувчи энергия олиш, ҳам машина каналига сув узатиш мумкин (15.3-расм).


Турбонасос станцияси, бир агрегат бўлиб, бир валга ҳам гидротурбина ҳам насос ўрнатилган. Турбонасосларни қўйидаги жойларга ўрнатиш мумкин:

- сув кўтариш тўғонлари ёнига;
- қия тепалик ён бағридан ўтувчи магистрал каналларда ёки машинали суғориш ери чегарасида, машина каналидан баландда жойлашган ерларга.



**15.3-расм. Турбонасос станциясининг умумий кўриниш схемаси:**

1-умумий босим қувури; 2-станция биноси; 3-насосга сув узатиш қувури; 4-ўқий насос агрегати; 5-насос қурилмасининг босимли сув кўтариши қувури; 6-гидротурбинанинг босимли сув узатиш қувури; 7-гидравлик турбина; 8-турбинанинг олиб кетиши қувури; 9-пастги бъефдаги сув олиб кетиши канали.



**15.4-расм. Сув күтариш түғонлари ёнида қурилған турбонасос станцияси.**

Икки машинали-насос қурилмаси ҳамда гидроэнергетик қурилмалардан ташкил топған турбонасос станцияларини лойиҳалашда, ГЭС ишлаб чиқараётган электроэнергия міндори, насос станцияси истеъмол қиласында электроэнергия қувватига тенг бўлиши керак, яъни

$$N_{ГЭС} = N_{Н.С.}$$

Сув күтариш түғонлари ёнида қурилғанды, турбонасос станцияси пастги бъефга қурилади. Сув аввало, насос билан бир валда жойлашган турбиналарга узатилади. Ҳосил бўлған энергия насосларга узатилади ва насослар сувни юқорига күтариб беради (15.4-расм).

Қия тепаликларга қурилған каналлардан сув насос билан бир валга ўрнатилған турбинага келиб тушади. Ҳосил бўлған энергия насос агрегатига узатилиб сув юқорига күтарилиб берилади.

Бундан ташқари, ирригация тармоқларида кичик майдонларни суғоришга мўлжалланған кичик қувватли автоматик турбонасос қурилмаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай қурилмалар түғридан-түғри магистрал каналларининг ёнига (откоси тагига) очиқ майдонга ўрнатилиши мумкин.

Жуда кўп ҳолатларда магистрал каналлар, ўзлари сув билан таъминлайдиган майдондан юқорида жойлашган қияликдан ёки энг баланд нуқталардан ўтади. Шунинг учун бундай ҳолатларда доимо, белгиланған ерни суғориш учун мўлжалланған насос станциясини ҳаракатга келтиришга етарли міндорда энергия ишлаб чиқарувчи ГЭСни ҳисоб босими билан таъминлаш мумкин. Агар магистрал канал суғориладиган майдоннинг чеккасидан ўтган бўлса, насос станциясининг босимли қувуруни каналнинг устидан ўтказиб баландда жойлашган ерларга сув узатиш мумкин.


Ўзбекистонда (умуман Марказий Осиёда) сув манбаларидан юқорида жойлашган қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларига фақатгина насосларда сув кўтариб берилади. Насос станцияларидаги агрегатларни ҳаракатга келтириш учун жуда катта миқдорда - 8,0-8,2 млрд. кВт электроэнергия истеъмол қилинади. Имконият бор жойларда турбонасос станцияларини кўллаш, машинали суғоришни бирмунча арzonлаштириш имконини беради.

Турбонасос қурилмалари фақатгина ирригацион аҳамиятга эга бўлиб, локал энергетик объект ҳисобланади, яъни маълум майдонни суғориш учун кўтариб берилиши зарур бўлган сув миқдори учун истеъмол қилинадиган электроэнергия миқдори шу объектнинг ўзида ишлаб чиқарилади.


#### **13.4 Ирригация тармоқларидаги ўз – ўзини таъминловчи ГЭСлар.**

Магистрал каналдаги ўз – ўзини таъминловчи қурилмалар ҳам суғориш графиги бўйича мавсумий ишловчи қурилмалар ҳисобланади. Ирригация тармоқларини лойихалашда, машина каналига узатилаётган сувдан фойдаланиб энергия олиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Баъзи ҳолларда магистрал каналлар суғориладиган ерлардан пастда жойлашган бўлади ва бу ерларни суғориш учун магистрал каналга насос станцияси ўрнатилади. Насос станцияси кўтарган сув машина каналига узатилади (15.5-расм). Машина каналининг охири яна магистрал каналга туташади. Насос станциясидан машина каналининг охиригача бўлган



**15.5-расм. Машинали сув кўтариш схемаси.**



**15.6-расм. Ўз-ўзини энергия билан таъминловчи тизим.**

масофада ҳосил бўлган сатҳлар фарқи, насос станциясининг умумий сув кўтариш баландлигидан катта, яъни ГЭСнинг ҳисоб босимига тенг бўлиши керак. Ҳисоб сув сарфи шундай миқдорда олиниши керакки, бу миқдор ҳам ушбу насос станциясига биркитилган ерларни суғоришга, ҳам машина каналининг охирига ўрнатиладиган ГЭСнинг ҳисоб сув сарфига тенг бўлиши керак, яъни –

$$Q_{H.C} = Q_{машина} = Q_{сувории} + Q_{ГЭС} \text{ ҳамда } N_{ГЭС} = N_{H.C}$$

ГЭСдан ўтган сув яна қайтадан машина каналига ташлаб юборилади (15.6-расм). Насос станциясини биринчи марта ишга тушириш, бошқа нуқтада жойлашган электростанциялар ёки асосий электр тармоғидан олинадиган энергия билан ишга туширилади, сунгра ГЭС(ўзи)да ишлаб чиқарилган энергия, электр узатиш тармоқлари орқали насос станциясига узатиб турилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Вегетация даврида фаслий ишловчи ГЭСлар таркибига қандай ГЭСлар киради?
2. Бўлиш шахобчалари ва бўлиш тармоқлари каналларида ГЭСлар ернинг қандай нуқталаридан ўтказилади?
3. Бўлиш шахобчалари каналларининг босим миқдори қанча бўлиши керак?
4. Турбонасос станциялари нимага қурилади ва қандай эксплуатация қилинади?
5. Турбонасос станциялари сув кўтариш тўғоннинг қайси нуқтасига ўрнатилади?
6. Ўз-ўзини таъминловчи қурилмалар қандай тизимдан ташкил топган?
7. Ўз-ўзини таъминловчи қурилмаларнинг қандай режимда ишлайди?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1 -амалий машғулот: Мамлакатдаги йирик магистрал (ирригацион) каналлар тизимига баҳо бериш.**

Республикамиз ирригация ва мелиорация тармоқларидағи йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар билан танишиш. Уларнинг энергоҳажмдорлигига баҳо бериш, топшириқ учун улардан бирини танлаш.

**Ишнинг мақсади** - тингловчиларни Республикализ ирригация ва мелиорация тармоқларидағи йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар билан таништириш.

**Масаланинг қўйилиши:** танишилган ирригация ва мелиорация тармоқларидағи йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг энергоҳажмдорлигига баҳо бериш, топшириқ учун улардан бирини танлаш.


**Ишнинг бажариш учун намуна.** Мамлакатимиздаги йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар танлаб олинади. Танлашда уларнинг бўйлама кесимидан фойдаланиб энергоҳажмдорлигига баҳо берилади ва топшириқ учун улардан бирини танланади.

**Ишнинг натижалари.** Берилган амалиёт ишини бажаришда тингловчи томонидан қуидаги шартлар бажарилади:

1. Ўқитувчи томонидан берилган йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг бир неча вариантлар кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади


2. Уларнинг орасидан энг энергоҳажмдор ирригацион объект танланади.

3. Танланган ирригацион объектнинг бўйлама қирқими чизилади.



1-расм. Сўх-Исфара коллекторининг бўйлама қирқими

Маълумки ирригация тармоқларида хилма-хил йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар мавжуд. Йирик магистрал ва ирригацион каналлардан суғориш учун олиб ўтилаётган сув оқимидан ҳамда зовур тармоқларидан коллекторларга йиғиладиган сув микдоридан энергия олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Қуйидаги 1 ва 2-расмларда мос ҳолда, энергия олиш имкони бўлган коллектор ва каналнинг бўйлами қирқимлари келтирилган. Бўйлама қирқимларда сув объектларининг узунлиги *км* ларда ва жойлашиши баландлиги *м* ларда берилган.



2-расм. Ёрдом каналининг бўйлама қирқими

## **Назорат саволлари:**

1. Ирригация тармоқлари таркибига қандай сув объектлари киради?
2. Йирик коллекторлар сув ресурсларидан фойдаланиб энергия ишлаб чиқариш мүмкінми?
3. Энергия ишлаб чиқариш учун ирригация тармоқларидаги қандай сув объектлари танланади?
4. Ирригация тармоқларидаги сув объектларининг нима учун қўндаланг қирқимлари чизилади?
5. Амалий топшириқни бажариш учун сув объектлари, қайси кўрсатигчларига асосан танланади

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.

**2 -амалий машғулот:** Танланган магистрал канал тизимини ўрганиш ва унинг тўғриланган схемасини ишлаб чиқиши.

Танланган ирригацион-мелиоратив объектни ўрганиш ҳамда унинг тўғриланган чизиқли схемасини ишлаб чиқиши. Тўғриланган схемадаги пикетларда энергетик нуқталарни белгилаш.

**Ишнинг мақсади** – биринчи амалий машғулотнинг давоми бўлиб, тингловчилар танлаган сув обьектини узунлиги ва жойлашиши баландлигини таҳлил қилиб, унинг тўғриланган чизиқли схемасини ишлаб чиқиши ўрганадилар.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчилар, танлаган сув обьектини узунлиги ва жойлашиши баландлигига нисбатан энергетик нуқталардаги дастлабки ҳисоб босимларини ҳамда узунлигига нисбатан дастлабки ГЭСлар ўрнатиладиган нуқтани танлайдилар.

**Ишнинг бажариш учун намуна.** Танлаган сув обьектининг жойлашиш баландлигига ҳамда унинг туби рельефига нисбатан энергетик нуқталарни ўрни аниқлайдилар. ГЭСларга ўрнатиладиган турбиналарнинг бир хил турда бўлишини ҳисобга олиб, энергетик нуқталадаги ҳисоб босими бир хил бўлишини таъминлашга ҳаракат қиласадилар.

**Ишнинг натижалари.** Берилган амалиёт ишини бажаришда тингловчи томонидан куйидаги шартлар бажарилади:

1. Танлаган сув обьекти - йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг жойлашиши (баландлик ва узунлигига нисбатан) таҳлил қилинади.
2. Дастлабки энергетик нуқталарнинг ўрни аниқланади.
3. Сув обьектининг тўғриланган чизиқли схемаси чизилади.

Маълумки ирригация тармоқларидағи йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторлар тубининг рельефи-нишаблиги унинг узунлиги бўйлаб бир хил бўлмайди. Энергетик нуқталарга ўрнатиладиган ГЭСларнинг ҳисоб босимини бир хил бўлишини таъминлаш учун улар орасидаги масофа ҳар хил бўлиши мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Ирригация тармоқларидағи сув обьектини танлашда нима учун унинг баландлик ва узунлик бўйича жойлашишига эътибор берилади?
2. Танланган сув обьектидаги дастлабки энергетик нуқталар нимага асосан танланади?
3. Нима учун энергетик нуқталардаги турбиналарнинг бир хил бўлишини таъминлаш лозим?
4. Нега ирригацион тармоқларнинг тўғриланган чизиқли схемаси чизилади?
5. Танланган сув обьекти тубининг рельефи узунлиги бўйлаб бир хил бўладими?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.

**3 -амалий машғулот:** Берилган босим бўйича танланган магистрал канал тизимидағи энергетик нуқталарни аниқлаш.

Танланган ирригацион-мелиоратив обьектнинг бўйлами қирқимидан, берилган босим бўйича энергетик нуқталарни аниқлаш, энергетик нуқталар ўрнини белгилашда обьектнинг туби рельефини ҳисобга олиш.

**Ишнинг мақсади** – биринчи ва иккинчи амалий машғулотларнинг давоми бўлиб, тингловчилар танлаган сув обьектини узунлиги ва жойлашиши баландлигига нисбатан, ундаги энергетик нуқталар ўрнини аниқлайдилар.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчилар, танлаган сув обьектини узунлиги ва жойлашиши баландлигига нисбатан, ўрнатиладиган ГЭСларнинг ҳисоб босимини бир хил бўлишини таъминлаш мақсадида, энергетик нуқталар орасидаги масофани ҳар хил бўлишини сув обьектининг бўйлами қирқимида қўрадилар.


**Ишнинг бажариш учун намуна.** Танлаган сув обьектининг жойлашиш баландлигига ҳамда унинг туби релбефига нисбатан энергетик нуқталарни ўрнини аниқлайдилар. ГЭСларга ўрнатиладиган турбиналарнинг бир хил турда бўлишини ҳисобга олиб, энергетик нуқталадаги ҳисоб босими бир хил бўлишини таъминлашга харакат қиласилар.

**Ишнинг натижалари.** Берилган амалиёт ишини бажаришда тингловчи томонидан қўйидаги шартлар бажарилади:

1. Танлаган сув обьекти - йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг жойлашиши (баландлик ва узунлигига нисбатан) таҳлил қилинади.
2. Сув обьектининг энергетик нуқталарни ўрни аниқланиб, сув обьектининг бўйлама қирқимига туширилади (3-расм).

1-жадвал. Каналнинг асосий энергетик ва гидравлик характеристикалари

| Т.р. | ГЭСларнинг номи        | Ҳисоб босими, м | Ҳисоб сув сарфи, м <sup>3</sup> /с | Кувват, МВт   |            | Ўртача кўп йиллик элек троэнегрия ишлаб чиқариш, МВт | Агрегатлар сони, дона |
|------|------------------------|-----------------|------------------------------------|---------------|------------|--|-----------------------|
|      |                        |                 |                                    | кафолатланган | ўрнатилган |  |                       |
| 1    | 35+00-пикетдаги 1- ГЭС | 11,0            | 56                                 | 0             | 5,1        | 23,4   | 2                     |
| 2    | 58+50-пикетдаги 2- ГЭС | 11,5            | 56                                 | 0             | 5,3        | 23,4   | 2                     |
| 3    | 88+00-пикетдаги 3- ГЭС | 11,0            | 56                                 | 0             | 5,1        | 23,4   | 2                     |



3-расм. Сув обьектининг энергетик нуқталари кўрсатилган бўйлама қирқими.

Назорат саволлари:

1-жадвалда каналдаги энергетик нұқталарнинг асосий гидравлик ҳамда энергетик характеристикалари берилған. 1-жадвалдан күриниб турибди, ирригация тармоқлаврига ўрнатыладиган ГЭСлар ишлаб чиқарадиган энергия кафолатланмайды, чунки каналларимиз мамлакатимиз худудидан ўтадиган трансчегаравий дарёлардан сув олганлиги сабабли, улардаги сув мікдори ҳар йили ўзгариб туради. Дарёларнинг серсувлигига нисбатан мамлакатта ҳар йили ҳар хил мікдорда сув лимити ажратиласы. Шунинг учун сув тақчил бўлган йилларда ирригаци тармоқларидағи ГЭСларга ҳисоб сув сарфини етказиб беришнинг иложи бўлмаслиги мумкин.

1. Танланган сув обьектидаги энергетик нұқталар қандай аниқланади?
2. Энергетик нұқталар орасидаги масофалар бир хил мікдорда бўлиши мумкинми?
3. Иригация тармоқларига ўрнатыладиган ГЭСларнинг ишлаб чиқарадиган энергияси нега кафолатланмайды?
4. Энергетик нұқталар нега сув обьектининг бўйлама қирқимига туширилади?
5. Сув обьектларига сув мікдори қандай тақсимланади?
6. трансчегаравий сув обьектлари деганда нимани тушунасиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.

**4 -амалий машғулот:** Танланган магистрал каналнинг энергетик нұқталари жойлашган қисмлари бўйлама ва кўндаланг қирқимларини чизиш

Танланган ирригацион-мелиоратив обьектнинг бўйлама кесими ва энергетик нұқталарига мос кўндаланг кесими қирқимларини чизиш ҳамда уларнинг кесим юзаларини ҳисоблаш.

**Ишнинг мақсади** – биринчи, иккинчи ва учинчи амалий машғулотларнинг давоми бўлиб тингловчилар, танлаган сув обьектини узунлиги бўйлаб, ўрнатылган энергетик нұқталарга мос бўлган сув обьектининг кўндаланг қирқимларини чизадилар.

**Масаланинг қўйилиши:** маълумки сув обьектлари узунлиги бўйлаб, ўзанининг ювилиши, кўмилиб қолиши ёки сугоришга сув олиниши туфайли, узунлиги бўйлаб унинг кўндаланг кесимлари ўзгариб туради. Тингловчилар, танлаган сув обьектининг узунлиги бўйлаб кесим юзалари ўзгарган нұқталари учун унинг кўндаланг қирқимини чизадилар. Ҳар бир кўндаланг қирқим учун кесим юзалари ҳисоблаб топилади.

**Ишнинг бажариш учун намуна.** Танлаган сув обьектининг кўндаланг кесим юзалари

ўзгарган нуқталари аниқланиб, уларга мос бўлган кўндаланг кесим юзалари чизилади ҳамда уларнинг кесим юзалари ҳисоблаб топилади.

**Ишнинг натижалари.** Берилган амалиёт ишини бажаришда тингловчи томонидан қўйидаги шартлар бажарилади:

1. Танлаган сув обьекти - йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг кесим юзалари ўзгарган нуқталари аниқланади.
2. Сув обьектининг ўзгарган кўндаланг кесим юзалари қирқими чизилади (1-расмда Сўх-Исфара коллекторининг 5, 167 ва 317-пикетлардаги кўндаланг қирқимлари келтирилган).
3. Чизилган кўндаланг қирқимларнинг кесим юзалари ҳисоблаб топилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Нега магистрал ва ирригацион каналларнинг узунлиги бўйлаб кўндаланг қирқимлари чизилади?
2. Кўндаланг қирқимларни ўрни қандай аниқланади?
3. Кўндаланг қирқимлар орасидаги масофалар бир хил бўладими?
4. Кўндаланг қирқимларни юзалари нега ҳисобланади?
5. Нега сув обьектиниг узунлиги бўйлаб унинг кўндаланг кесим юзаси ўзгариб туради?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.

**5 -амалий машғулот:** Танланган магистрал каналнинг энергетик нуқталари жойлашган қисмининг гидравлик характеристикалари ҳамда энергетик кўрсатгичларини ҳисоблаш

Танланган ирригацион-мелиоратив обьектнинг кўндаланг кесимлар юзаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг гидравлик ва энергетик характеристикаларини аниқлаш. Ҳар бир энергетик нуқтанинг ҳамда каналнинг умумий қувватини ҳисоблаш. Объектга ўрнатиладиган ГЭСлар томонидан ишлаб чиқиладиган соатлик ва йиллик электр энергияси миқдорини ҳисоблаб топиш.

**Ишнинг мақсади** – биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи амалий машғулотларнинг давоми бўлиб тингловчилар, танлаган сув обьектидаги энергетик нуқталарни ҳамда уларнинг гидравлик ва энергетик характеристикаларини аниқлайдилар.


**Масаланинг қўйилиши:** маълумки сув обьектларининг узунлиги бўйлаб кўндаланг кесим юзалари, сув сарфлари ўзгариб туради. Масалан, Чирчик-Бўзсув ирригацион-энергетик

трактида жойлашган 20 дона ГЭСларнинг биринчиси-Чорвоқ сув омбори тўғонига ўрнатилган ГЭСнинг ҳисоб сув сарфи –  $Q = 550 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил қиласа, трактнинг охиридаги ГЭСнинг ҳисобсув сарфи –  $Q = 50-60 \text{ м}^3/\text{с}$  ни ташкил қиласа.

**Ишнинг бажариш учун намуна.** Танлаган сув объектининг белгиланган энергетик нуқталари учун энергетик характеристикалари ҳисоблаб топилади. Унда ҳар бир энергетик нуқталарниң энергия миқдори бир-бирига тенг бўлмаслиги мумкин. Чунки сув объектининг узунлиги бўйлаб, сув истеъмолчилари томонидан сув олиниши, натижада пастдаги энергетик нуқтада жойлашган ГЭСларга камроқ сув миқдори етказиб берилиши мумкин.

**Ишнинг натижалари.** Берилган амалиёт ишини бажаришда тингловчи томонидан қўйидаги шартлар бажарилади:

1. Танлаган сув обьекти - йирик магистрал ва ирригацион каналлар ҳамда коллекторларнинг ҳар бир энергетик нуқталарга мос бўлган гидравлик характеристикалари аниқланади.
2. Танланган энергетик нуқталанинг қуввати ҳисоблаб топилади.
3. Сув обьектининг барча нуқталаридаги ҳамда умумий энергопотенциали ҳисоблаб топилади.
4. Сув обьектининг йиллик энергопотенциали ҳисоблаб аниқланади.



4-расм. Катта Андижон каналининг бўйлама қирқими

Назорат саволлари:

1. Нега магистрал ва ирригацион каналларнинг узунлиги бўйлаб гидравлик характеристикалари аниқланади?
2. Энергетик нуқтанинг энергопотенциали қандай ҳисобланади?
3. Танланган сув объективининг умумий энергопотенциали ҳамда йиллик ишлаб чиқарадиган энергия миқдори қандай ҳисоблаб топилади?
4. Нега энергетик нуқталарнинг энергопотенциали бир-бирига мос бўлмайди?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English). -520 p.
2. Majidov T.SH. Noana'naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, "Voris" nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
3. Схема развития малых ГЭС в системе Минводхоза Узбекистана на период до 2010 года. Объединение Водпроект, часть 1, Ташкент, 1992. -124 с.
4. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
5. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.

## **V. КЕЙС БАНКИ**

**Муаммо:** Инсон таъсири натижасида дунё ўзгармоқда. Инсониятнинг органик энергетик ресурсларни ўйламасдан энергетикада, транспортда, катта завод ва фабрикаларда қўллаши, атом энергетикаси ҳамда катта шаҳарлар чиққиндиларини дунё уммонига ташланиши натижасида атроф -муҳит ўзгармоқда. Ер юзида иқлимининг ўзгариши кузатилмоқда, мангу музликлар эримоқда, шаҳарлар сув остида қолмоқда, ўрмонлар ёнмоқда.

- вақт бўйича
- турли таъминланганлик фоизлари бўйича.

**Вазифалар:** Ер юзининг жуда кўп мамлакатларида инсонларни ичимлик сувининг етишмаслиги, қурғоқчилик ва очарчилик қийнамоқда, янги-янги касалликлар пайдо бўлмоқда. Юқорида келтирилган салбий ўзгаришларнинг барчаси, миллионлаб йиллар табиат томонидан ўрнатилган табиий мувозанатни инсоният томонидан ўйламасдан бузулиши натижасида юз бермоқда. Шунинг учун ҳам улуғ инглиз файласуфи Френсис Бэкон «Табиат фақатгина унга бўйсуниш билан енгилади» деган эди.

Юз бераётган фалокатларни тўхтатиш учун нима қилиш керак? Биринчи галда инсоннинг ички дунёсини табиатга нисбатан ижобий ўзгаришиш, сўнгра органик энергетик ресурслардан фойдаланишни бутунлай тўхтатиш лозим.

**Масаланинг ечилиши.** Қандай қилиб? Ахир замонавий инсон майший қулайликларсиз - комфортсиз, яъни машинасиз, узоқни яқин қилувчи тез юрувчи поездларсиз, самолётларсиз, телевизорсиз, музлатгичсиз, иситгичсиз, иссиқ ва совук сувсиз ҳамда бошқа қулайликларсиз яшай олмайдику. Завод ва фабрикалар энгеријасиз ишлай олмайдилар. Ҳозирги ривожланган дунёда энергия, иноснийни олға етакловчи асосий манба ҳисобланади. Мамлакатларнинг кудрати ҳам уларнинг энергия билан қанчалик таъминланганликларига қараб белгиланади.

Атроф -муҳитга зарап келтирмай инсоният хизматини бажарадиган энергия, табиатда мавжуд бўлган экологик тоза табиий энергиялардир. Бу энергия турларидан бири сув

энергиясидир. Сув энергияси ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан ҳисобланади ва ундан экологик тоза энергия ишлаб чиқариш мумкин.

Кейсни бажарыш саволлар ва топшириклар

1. Нега атроф-мухит салбий томонга ўзгармоқда?
2. Нега музликлар эримоқда?
3. Нега ер юзида иқлим ўзгариши кузатилмоқда?
4. Нега кўп малакатларда ичимлик сув етишмайди?
5. Табиатни енгиш мумкинми?, енгиш учун нима қилиш лозим.
6. Қандай қилиб ер юзида рўй бераётган фалокатларни тўхтатиш мумкин?
7. Экологик тоза энергия қандай ишлаб чиқарилади?
8. Энергиянинг асосий вазифаси нимадан иборат?
9. Ноанаънавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларини санаб ўтинг.

Кейс манбаи

1. Мажидов Т. Ноанаънавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик, “Ворис” нашриёти, Тошкент, 2014. -168 бет.

Тингловчи учун услубий қўлланма. Кейс билан мустақил ишлаш учун йўриқнома

| Иш босқичлари  | Маслаҳат ва тавсиялар  |
|--|--|
| 1. Кейс билан танишув  | Аввал кейс билан танишинг. Кейсни ўқишингиз билан дарҳол кузатилаётган холатни таҳлил этишга шошилманг.  |
| 2. Тавсия этилаётган холат билан танишув.                          | Берилган ахборотни яна бир марта диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим саналган жойларни ажратиб олинг. Ўрганилаётган холатга таъсир этаётган омилларни санаб (ўрганиб) ўрганилаётган холат бўйича субъектларга аниқлик киритинг. Тавсия этилган ахборотларни ўрганишда холатни ичига «шўнғиб кетманг». |
| 3. Асосий ва қўшимча муаммоларни аниқлаш, шакллантириш ва асослаш. | Асосий муаммони ва муаммоларнишакллантиринг ўз қарорингизни асослаб беринг.  |
| 4. Холатнинг таҳлили   | Аниқлик киритинг, ўрганилаётган муаммо ҳозирда қай даражади. Ҳозир таҳлил этилаётган шароитда шу масаланинг ечими борми  |
| 5. Муаммони асослаш услубларини ва воситаларини ечиш, танлаш.      | Ахборот хатини тайёрлашда ушбу холатда муаммони ечишни мумкин бўлган усусларни аниқлашга ҳаракат қилинг.   |

Кейсни гурухларда ишлаш бўйича йўриқнома

| Иш босқичлари   | Маслаҳат ва тавсиялар  |
|---|--|
| Холат ва муаммоларни тақдим этишни келишиш                              | Гурух аъзолари ўртасида ўрганилаётган муаммоларни таҳлил этиб ўрганинг.  |
| Ахборот хатидаги тақдим этилга варианtlарни таҳлил этиш ва баҳолаш.     | Ахборот хатидаги вариантни мухокама қилинг ва баҳоланг.  |
| Ахборот хатидаги энг мувофиқ ечимни ишлаб чиқиш ва ишлатиш учун дастур. | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Танлаб олинган муаммони асослаб уни ечиш усули ва воситасини тасвирланг.</li> <li>2. Муаммони ечимини дастлабки қадамларини</li> </ol> |

|                           |   |
|---------------------------|---|
|                           | асосланг.   |
| Презентациягатайёргарлик. | Презентация қилинадиган маълумотларни плакатлар, слайдлар ёки мультимедия кўринишида тайёрланг. |

Кейс: «Ирригация тармоқлари сув энергиясидан фойдаланиш» мавзусидаги машғулот модели

|   |   |
|---|---|
| Вақт: 2 соат  | Тингловчилар сони: 25 кишигача  |
| Ўқув жараёнининг шакли  | Ўқув жараёнини ўрганиш бўйича семинар   |
| Семинар режаси  | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Саволарни муҳокама қилиш:           <ul style="list-style-type: none"> <li>- экологик мухитнинг ёмонлашиши;</li> <li>- экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланиш;</li> <li>- экологик тоза энергия манбаси.</li> </ul> </li> <li>2. Кейс билан танишиш.</li> <li>3. Кейсни кичик гурӯхларда ечими ва натижаларини презентация қилиш.</li> <li>4. Натижаларни муҳокама қилиш ва яхши варианtlарни танлаш.</li> </ol> |
| Дарсни ўқитиш мақсади   | Тингловчиларга атроф – мухитнинг ифлосланишини олдини олиш ҳамда ирригация тармоқларидағи сув ресурсларидан фойдаланиб экологик тоза энергия ишлаб чиқариш бўйича маълумот бериш  |
| Педагогик вазифалар:<br>экологик тоза энергия тушунчаси билан танишиш;<br>ахборот хатини айрим дастурларини ёзиш қоидалари ўргатилади.<br>дунёда ва мамлакатимизда тоза энергия манбаларидан энергия олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилиши тушунтирилади. | Ўқув фаолиятининг натижалари:<br>экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати;<br>ахборот хатини ёзиш кетма-кетлиги аниқланади;<br>ҳозирги кундаги экологик тоза энергия манбаларидан бири бўлган ирригация тармоқлари сув энергияси бўйича ахборот хатини ишлаб чиқадилар.   |
| Ўқитиш усули  | Кейс стадий, аналитик усул  |
| Ўқитиш воситаси   | Доска, Ахборот комуникация технологияси, кейс билан ишлаб бўйича услубий кўрсатмалар  |
| Ўқитиш шакли  | Фронтал, оммавий, алоҳида гурӯхларда ишлаш  |

### Ўқув машғулотининг технологик картаси

| Вақт тақсимоти            | Фаолият  |   |
|---------------------------|--|---|
|                           | Ўқитувчи   | Тигнловчи   |
| Тайёрлов жараёни (10 мин) | Кейс материаларини тайёрлайди ва тигнловчиларга танишиш учун тарқатади. Семинарни иш тартиби, баҳолаш мезони ва кўнсаткичлари билан таништиради. | Кейс мазмуни билан Мустақил танишадилар, таҳлил этиш бўйича варақни алоҳида ўзи тўлдиради |
| I босқич                  | 1.1 Материалларни ўрганиб чиқиш  | Ўқув  |

|  |   |   |
|--|---|---|
| Үқув<br>машғулотига<br>кириш(20 мин)     | бўйича топшириқ беради.<br>1.2 Берилган саволларга ёзма жавоб қайтаришини сўрайди.<br>1.3 Корхона ва ташкилотларда персонал карьерасини бошқаришнинг оптимал йўлларини айтади.                              | топшириғини бажарадилар   |
| II босқич<br>Асосий қисм<br>(30 мин)     | Кейс билан индивидуал ишлаш натижаларини таҳлил этиб топшириқар беради. Үқув фаолияти холати бўйича маслаҳатлар бериб ишни мақсадга йўналтиради. Индивидуал ёзма ишлар натижаларини текширади ва баҳолайди. | Иш натижалари бўйича гурух презентация ўтказади, саволлар беради ва ишни баҳолайди. |
| III босқич<br>Яқуний баҳолаш<br>(20 мин) | 3.1 Үқув фаолияти натижалар умумлаштирилади.<br>3.2 Натижалар эълон қилинади.<br>3.3 Олинган билим ва қўникмаларнинг аҳамияти таъкидланади.   | Эшитадилар, аниқлаштирувчи саволлар беради.   |

Кейсолог томонидан келтирилган кейс ечими.

Стратегик мақсад. Мамлакатимизда экологик тоза энергия манбаларидан фойдаланишининг оптимал йўлларини таҳлил этиш. Ахборот хати тайёрлаш. Унда ушбу холатлар бўйича таклифлар берилади.

Стратегик вазифалар.

- табиатда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш;
- экологик фалокатлар ва уларни ҳосил бўлишини ўрганиш;
- ирригация тармоқлари сув ресурсларидан максималл энергия олиш йўлларини ўрганиш.

Стратегик вазифалар ечими.

- ер юзида рўй бераётган экологик фалокатларни камайтириш бўйича таҳлиллар амалга оширилади;
- экологик тоза энергия манбалари-ирригация тармоқлари сув объектлари ўрганилади;
- экологик тоза энергия ишлаб чиқариш йўллари ўрганиб чиқиласди.

1. Мамлакатимиздаги экологик тоза энергия ишлаб чиқариш мумкин бўлган ирригация тармоқлари ва уларга қуриладиган кичик ГЭСларга мисоллар келтиринг.

Хозирги кунда қуйидаги кичик ГЭСлар ишга туширилган.

- Сурхондарё вилояти Тўпалинг сув омборидаги ГЭСнинг 1-навбати;
- Тошкент вилоятидаги Оҳангарон сув омборидаги ГЭС;
- Қашқадарё вилоятидаги Ҳиссорак сув омборидаги ГЭС;
- Самарқанд вилояти Дарғом каналидаги кичик Гулба ГЭСи;
- Андижон вилоятидаги Андижон сув омборидаги 2-ГЭС;
- Хоразм вилоятидаги Туямўйин ГЭСи;
- Фарғона вилояти Кўксув кичик дарёсидаги кичик Шоҳимардан ГЭСи;
- Тошкент вилоятидаги Эртошсой ГЭСи.

Бундан ташқари қуриш учун қуйидаги кичик гидроэнергетик объект-ларнинг лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилган:

- Андижон вилоятидаги Шахрихон 0-ГЭСи;
- Андижон вилоатидаги Шахрихон 1-ГЭСи;
- Тошкент вилоати Чирчик-Бўзсувэнергетик каскадидаги Пионер ГЭСи;
- Самарқанд вилоати Дарғом каналидаги ШаударГЭСи;
- Самарқанд вилоатидаги Боғишамол 2-ГЭСи;
- Фарғона вилоатидаги Каркидон ГЭСи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги 18 майдаги ПФ-5044-сонли қарори билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятини ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу ташкилот томонидан, ирригация тармоқларига ўрнатиладиган янги ГЭСлар учун лойиҳа-қидирув ва лойиҳалаш ишлари, янги ГЭСларни қуриш, эксплуатация қилинаётган ГЭСларни капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, ўтган асрда консервация қилинган ГЭСларни реконструкция қилиб қайта жиҳозлаш орқали ишга тушириш ҳамда кичик дарёлар ва уларнинг ирмоклари, сойлар, булоқлар ва энергетик сув манбаларига кичик гидроэнергетик агрегатларни ўрнатиб, асосий энергетик тармоқлардан узоқда жойлашган тоғли қишлоқларни ва улардаги кичик корхоналарни энергия билан кафолатли таъминлаш борасида ишларни олиб бормоқда.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Ҳар бир тингловчи ўқитувчи томонидан берилган мавзулар юзасидан топширикларни бажарадилар ва баҳоланадилар, баҳолаш мезони ишчи дастурда келтирилан.

### **Мустақил таълим мавзулари.**

1. Жамият ва инсон ҳаётида энергетика ҳамда электроэнергетиканинг ўрни.
2. Ўзбекистонда ирригация тармоқлари гидроэнергетикасининг ривожланиш тарихининг босқичлари.
3. Дарёлардан сув олиш турлари.
4. Сув оқимини бошқариб энергетикада фойдаланиш турлари.
5. Сув оқимини бошқармасдан энергетикада фойдаланиш турлари.
6. Тўхтовсиз-доимий эксплуатация қилинувчи ГЭСлар ва уларнинг иш режимлари.
7. Даврий-вегетация давридаги эксплуатация қилинувчи ГЭСлар ва уларнинг иш режимлари.

8. Қиши даврида фаслий эксплуатация қилинувчи ГЭСлар ва уларнинг иш режимлари.
9. Қайта тикланувчи гидроэнергетик ресурсларнинг потенциал заҳиралари.
10. Мамлакатимизда ирригация тизимларида гидроэлектростанциялар ҳамда гидроаккумуляцион гидроэлектростанциялардан фойдаланиш имкониятлари.
11. ГЭСларнинг энергетик ва ирригацион режимда ишлиши.
12. Гидроэлектростанцияларнинг афзаликлари.
13. Энергетика ва гидроэнергетиканинг атроф - муҳитга таъсири

## VII. ГЛОССАРИЙ

### «A»

**АДАПТАЦИЯ (ADAPTATION)** – табиий ва антропоген тизимларни ҳимоясизлигини камайтириш бўйича ташаббус ва чораларни, иқлим ўзгаришининг ҳақиқий ёки кутиладиган оқибатларига мослаштириш.

**АНТРОПОГЕН ФАОЛИЯТ (ANTHROPOGENIC)** – инсон фаолияти-нинг натижаси ёки маҳсулоти.

**АКВЕДУК (AQUEDUCT)** – тарнов ёки қувур ўрнатилган кўпприк ёки эстакада шаклидаги иншоот. У тўсиқ ва ғовлардан (дарё, канал, жарликлар ва бошқа хил тўсиқларда) сув ўтказиш учун ишлатилади.

**АККУМУЛЯТОРЛАР (BATTERY)** — йиғувчи, кейинчалик фойдаланиш учун энергия йиғувчи қурилма. Кўп марта фойдаланилайдиган гальваник элементлар.

**АККУМУЛЯЦИЯЛАНГАН СУВ ҲАЖМИ(ACCUMULATION VOLUME OF WATER)** – бир цикл даврда (12 соат, 24 соат, 10 кун, 1 ой, 6 ой, 1 йил, 5 йил, кўп йил) сув омборига йиғилган сув ҳажми

### «Б»

**БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШ (SUSTAINABLE DEVELOPMENT)** – ҳозирги авлоднимаданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириб, келажак авлоднинг имкониятларини хавф-хатарга қўймасдан, уларнинг эҳтиёжларини ҳам қондириш имконини берадиган ривожланишдир.

**БОШҚАРИЛАДИГАН-ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН ОҚИМ(ADJUSTABLE FLOW)** – йил давомида тақсимланиши бирмунча текисланганлиги билан ажралиб турувчи оқим.

**БОШ (МАГИСТРАЛ) СУГОРИШ КАНАЛИ(THE HEAD IRRIGATION CANAL)** – сув манбасини суғориш тизими билан улаб, барча суғориладиган майдонларни сув билан таъминловчи, суғориш тизимининг асосий сув олиб келувчи канали

**БИОГАЗ (BIOGAS)** — қишлоқ хўжалиги ва майший чиқиндилардан олинадиган ёқилғи газ.

**БИОЁҚИЛҒИ(BIOFUELS)** — фотосинтез ва хўжалик фаолияти (майший чиқиндилар, дала экинлари, ёғочлар, лойқа-балчиқ чўқиндилари) туфайли ҳар йили қайта ҳосил бўладиган-янгиланадиган ёқилғи.

**БОШ СУВ ОЛИШ ИНШООТИ(HEAD WATER STRUCTURES)** - сув манбаси(денгиз, дарё, сой, кўл ва бошқалар)дан магистрал каналлар, насос станцияси ва ГЭСларга сув узатувчи гидротехник иншоот

**БОСИМ(PRESSURE)-** маълум юзага таъсир қилувчи (статик, динамик, гидростатик, гидродинамик) куч

### «В»

**ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИ(VEGETATION PERIOD)** – ўсимликнинг тўлиқ ривожланиш даврини ўтадиган йилнинг қисм.

**ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИ(HYDROGEN ENERGY)**— водород ёқилғисини ажратиб ва ундан фойдаланиш.

### **«Г»**

**ГАЛЬВАНИК ЭЛЕМЕНТ(GALVANIC ELEMENT)**— электрохимик реакция ҳисобига электрсизланиш даврида электр энергияси ишлаб чиқарувчи электр токи манбаи. Гальваник элемент таркибига, электрліт суюқлиги орқали бир-бири билан алоқада бўлувчи иккита ҳар хил электродлар (бири – оксидланувчи, иккинчиси-тикловчи) киради. Гальваник элементларнинг ишлаш принципи-металларнинг электролит эритмаси билан ўзаро алоқаси натижасида ёпиқ занжирда электр токининг ҳосил бўлиш жараёнига асосланган.

**ГЕЙЗЕР (GEYSER)** – қайнок буғ, сув ва балчиқнини маълум босим остида даврий отиб турадиган термал манба

**ГИДРОГРАФИК ТАРМОҚ(THE HYDROGRAPHIC NET)**— қандайдир худуддаги дарёлар ва бошқа доимо ҳамда вақтинчалик сув оқимлари ва кўллар мажмуаси.

**ГИДРОЛОГИК ЙИЛ(HYDROLOGICAL YEAR)**— шартли ёки табиатдаги маълум қонуниятларга асосан танланган, бошланиши билан давом этиши бир йил бўлган гидрологик давр. Ўрта Осиёда гидрологик йил, жорий йилнинг октябрь оидан келаси йилнинг сентябрь оигача давом этади.

**ГИДРОТЕХНИК ИНШООТ(HYDRAULIC ENGINEERING STRUCTURE)**— сувдан фойдаланиш ёки унинг заарли таъсирига қарши курашиш учун қуриладиган инженерлик иншооти.

**ГИДРОЭНЕРГЕТИКА(HYDROPOWER)**— сув ресурсларининг механик энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ фан ва техника соҳаси.

**ГИДРОРЕСУРСЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ПОТЕНЦИАЛИ(THE ECONOMIC POTENTIAL OF HYDRO RESOURCES)** — гидроресурсларнинг электроэнергия ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган қисми.

**ГИДРОАККУМУЛЯЦИЯЛАШ (GIDROAKKUMULYATORNAYA POWER STATION)**— энерготизимда истеъмол юкланишининг камайган даврида юқори бьефга насос агрегатлари ёрдамида сув кўтариб берадиган ва истеъмол юкланиши кўпайган даврда юқори бьефда тўпланган сувни турбина орқали тушириб электр энергияси ишлаб чиқарадиган гидростанция.

**ГИДРОТУРБИНАНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСИМИ(PRE-PRESSURE HYDRAULIC TURBINE)**— юқори бьеф ва пастги бьеф сатҳларидаги фарқдан, гидравлик қаршиликлар натижасида исроф бўлган босим айирмасига тенг.

**ГИДРОЭНЕРГЕТИК ПОТЕНЦИАЛ-ИМКОНИЯТ (HYDROPOWER POTENTIAL)** – маълум дарё ҳавзаси ва унга таалукли сув манбаларига тўғри келадиган энергия ишлаб чиқариш имконияти.

**ГЕЛИОСТАТЛАР (HELIOSTAT)**— қуёш буғ турбинаси қурилмаси минорасига ўрнатиладиган, қуёш нурларини фокусловчи кузгу.

**ГЕОТЕРМАЛ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ (ГеоТЭС)(GEOTHERMAL POWER STATION)**— ер қаъридаги иссиқ манбалардан чиқаётган иссиқлик энергиясидан фойдаланиб, электр энергияси ишлаб чиқаришда ва иссиқлик билан таъминлашда қўлланиладиган жиҳозлар мажмуаси.

**ГИДРАВЛИК МАШИНА(HYDRAULIC MACHINE)**- иши суюқлик (сув) билан боғланган машина

**ГИДРОТУРБИНА ВА НАСОСЛАР КАВИТАЦИЯСИ(CAVITATION OF WATER TURBINES AND PUMPS)** - суюқликнинг мавжуд ҳароратида, буғ ҳосил бўлиш даражасигача пасайганда, насос ёки турбинанинг ичида, сув буғи билан тўлган бўшлиқ ҳосил бўлиш жараёни (сувни совуқ қайнази).

**ГИДРОАГРЕГАТ (HYDRAULIC UNIT)** — насос ва уни ҳаракатга келтирувчи двигатель ёки гидравлик турбина ва гидрогенератордан ташкил топган мажмуя.

**ГИДРАВЛИК ТУРБИНА(HYDRAULIC TURBINE)** - сув оқими энергиясини айланувчи ишчи ғилдирак ёрдамида кинетик ва потенциал энергияларни механик энергияга айлантирувчи тотацион двигатель.

**ГЭСЛАР КАСКАДИ(CASCADE HYDROPOWER STATIONS)**— бир сув манбаси ёки ҳавзасида, ёки бошқа ҳавзада жойлашган, аммо сув режими ўхшаш бўлган ҳамда ўзаро боғланган ГЭСлар мажмуаси (мас., 22 дона ГЭСларни бирлаштирувчи Чирчик-Бўзсув ГЭСлар каскади).

**ГИДРОЛОГИК ЦИКЛ (HYDROLOGICAL CYCLE)**- атмосферага кўтарилиган буғлар, маълум шароитда қуюқлашиб, булутларни ҳосил қиласи, қуюқлашган булутлардан ёмғир кор, дўл ва бошқа кўринишдаги ёғинлар ер юзасига қайтиб тушади, қуруқликка тушган ёғинлар, тупроққа сингиб, ер ости сувларига қўшилади, тоғ ён бағирлари ва бошқа қияликлардан тушиб, ирмоклар ва дарёларни ҳосил қиласи, қолган қисми эса яна буғланиб атмосферага кўтарилади, дарёлар ва ер ости сувлари секин-аста океанларга келиб қушилади, океанлардаги сув сатҳидан яна сув буғланиб атмосферага кўтарилади ва кучли ҳаво оқими билан яна узокларга олиб кетилади ва яна ёғинлар кўринишида ер юзига қайтиб тушади, шу тариқа сувнинг табиатда айланши-гидрологик цикл бетўхтов давом этади

**ГЛОБАЛИЗАЦИЯ (GLOBALISATION)** – савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш бўйича трансчегарий операцияларни ҳажми ва хилма-хиллигини ҳамда халқаро эркин капитал оқимини кўпайиши ва технологиялар, маълумотлар ҳамда маданият хабарларини барча мамлакатларда жуда тез тарқалиши натижасида, дунёдаги барча давлатларни бир-бирига боғлиқлиги ва интеграциясини ўсиб бориши.

### «Д»

**ДАРЁ ОҚИМИ (STREAMFLOW)** – миқдори  $m^3/s$  бирликда ўлчанадиган дарё ўзанидаги сув оқими.

**ДАРЁ (КҮЛ) ҲАВЗАСИ (RIVER (LAKES) BASIN)**— тупрок қатламининг ер усти ва остидан алоҳида дарёга, дарё тизимида ёки кўлга, сув оқими келатган ер юзининг бир қисми

**ДЮКЕР (DUCKER)**— сув ўтказгич каналнинг алоқа йўллари, каналлар, жарликлар, дарёлар ва бошқа тўсиқлар билан кесишиган жойдан сув ўтказиш учун қурилган босимли (иншоотлар тагидан ўтадиган) гидротехник иншоот.

### «З»

**ЗАЖОР(HANGING ICE DAMS)**- сув ичи музлари ва шовуш бўтқалари билан, муз кўчишида ёки шовушнинг бошланишида дарёning жонли кесимини тиқилиши натижасида дарёда сув сатхининг кўтарилиши.

### «И»

**ИРРИГАЦИЯ(IRRIGATION)**- сугориш мелиорациясини ривожлантириш ва сугориладиган ерларни ўзлаштириш билан боғлик бўлган тадбирлар мажмауси.

**ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ (BASIN IRRIGATION MANAGEMENT SYSTEM)** – дарёning маълум бир қисмидан сув олиб, уни маълум бир вилоятнинг сугориладиган ерларига (худудга) етказиб берувчи, ирригация тизимларини эксплуатация қилувчи ташкилот

**ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ БОШҚАРМАСИ (IRRIGATION MANAGEMENT SYSTEM)** – ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли, маълум бир ёки бир неча туман худудидаги қишлоқ хўжалик экинларига сув етказиб берувчи тизимлардагигидротехник ва бошқа инженерлик иншоотларини эксплуатация қилувчи ташкилот

**ИРРИГАЦИЯДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ (IRRIGATION WATER-USE EFFICIENCY)** – биомасса ёки уруғлар миқдорининг бирлик сув миқдорига нисбати, қоидага асосан 1 тонна қуруқ модданинг 100 мм ирригация учун фойдаланилган сувга нисбати

**ИШЧИ ҒИЛДИРАК(IMPELLER)** – суюқликка энергия узатувчи ёки қабул қилувчи, насос ёки гидротурбинанинг асосий ишчи қисми - эгри парракли ғилдирак.

#### **«K»**

**КАНАЛ (CHANNEL)** – сув тўлдирилган сунъий ўзан, ариқ

**КАПСУЛАЛИ ГИДРОАГРЕГАТ(CAPSULAR HYDROELECTRIC UNITS)** – капсула ичига герметик бекитилган гори-зонтал гидротурбина ва гидрогенератор. Паст босимли ГЭС, ГАЭС ва ПЭС- сатҳ кўтарилишига асосан ишлайдиган электр станцияларида қўлланилади.

#### **«M»**

**МАГИСТРАЛ КАНАЛ (THE MAIN CANAL)** – сув олиш манбаларидан сувга тўлдирилиб, тармоқлари ва тақсимлаш каналларини сув билан таъминлайдиган бош канал.

**МАШИНАЛИ СУВ КЎТАРИШ (MACHINE WATER LIFTING)** -насос ёрдамида пастки сатҳлардан юқори сатҳларга сув кўтариш

**МЕАНДРЛАНИШ (MEANDERING)** – сув оқимининг ювиши натижасида дарёларда навбатма-навбат пайдо бўладиган ўзаннинг эгри-буғрилиги

#### **«H»**

**НОАНЬНАВИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ (ALTERNATIVE AND RENEWABLE ENERGY SOURCES)** – гидроэнергия ва ўсимлик биомассасини бевосита ёкиш натижасида олинадиган энергиядан ташқари барча турдаги қайта тикланадиган энергия.

**НАСОС (PUMP)** - двигателдан энергия олувчи ва уни суюқликнинг гидравлик энергиясига айлантирувчи гидравлик машина.

**НАСОС ЁКИ ГИДРОТУРБИНАЛАР КАТАЛОГИ(PUMPS AND WATER TURBINES CATALOG)**- маълум сув сарфи, босим ва қувватга тўғри келувчи насос ёки турбиналар таркиби. Насос ва электродвигатель ҳамда гидротурбина ва гидрогенератор турлари, уларнинг ўлчамлари ва схемаларини танлаш учун хизмат қиласи

#### **«O»**

**ОҚИМ (RUNOFF)** – буғланмайдиган ва ерга сизмайдиган ҳамда ер юзида оқиб яна сув объектларига қайтадиган ёғинларнинг қисми.

**ОҚИМСИЗ СУВ ТҮПЛАНАДИГАН ҲУДУД (DRAINLESS CATCHMENT AREA)** – дарё тизимлари орқали океанлар билан алоқаси бўлмаган регион.

#### **«P»**

**РОСТЛАГИЧ-РЕГУЛЯТОР (REGULATOR)** – сув сарфини бошқариш ҳамда дарё ёки магистрал каналдан сув олиш учун қурилган гидротехник иншоот

#### **«C»**

**СУВ ИСТЕЙМОЛ ҚИЛИШ ГРАФИГИ(WATER CONSUMPTION SCHEDULE)**- вегетация даврида аниқ суғориш майдонидаги экинларнинг сув истеъмол қилиш ҳамда ГЭСнинг ҳисоб сув сарфини кўрсатувчи графиги

**СУВ ЙИГИШ БАССЕЙНИ (CATCHMENT)** – ёмғир сувлари оқимини йигиши худуди.

**СУВ ОЛИШ ИНШООТИ(WATER INTAKE STRUCTURES)**- манба(дарё, канал ва бошқа)лардан сув олишни таъминлайдиган иншоот

**СУВ КЕЛТИРУВЧИ ИНШООТ(WATER-SUPPLY STRUCTURES)**- насос станцияси ёки ГЭСга сув келтирувчи иншоот (очиқ канал, қувур)

**СУВ РЕСУРСЛАРИ(WATER RESOURCES)**– ер усти ва ер ости сув захиралари.

**СУВ ХЎЖАЛИК ХИСОБИ(WATER MANAGEMENT CALCULATIONS)**– насос станцияси ёки ГЭСнинг ҳисоб сув сарфини, босимини, насос ёки турбиналар сонини ва бир дона насос ёки турбинанинг ҳисоб сув сарфини аниқловчи ҳисоблар

**САТҲ КЎТАРИЛИШИ ВА ТУШИШИ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ (ПЭС)(TIDAL POWER STATION)**— денгизлардаги сатҳ қўтарилиши ва тушиши энергиясини электр энергиясига айлантирувчи электр станцияси.

**СУВ ЮЗАСИНИНГ НИШАБЛИГИ(THE SLOPE OF THE WATER SURFACE)**– узунлик бирлигига босимнинг пасайиши ёки ҳар хил сатҳли икки нуқта баландликлари айрмасининг улар орасидаги масофага нисбати.

**СУВ ТУШИРГИЧ ОСТОНА (DROP-HYDRAULIC STRUCTURE)** – ҳар хил сатҳларни улашда бир ёки бир неча поғона кўринишидаги гидротехник иншоот.

**СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ (HYDAMNION)** – сувнинг талаб қилинган микдордан кам оқиб келиши.

**СУВ ИСТЕММОЛ ҚИЛИШ ГРАФИГИ (SCHEDULE OF WATER)** – бирор-бир худуддаги қишлоқ хўжалик экинларини вегетация даврида сув истемол қилишини кўрсатувчи график

**СУВ ТАШЛАМА(SPILLWAY)** – ортиқча сувларни чиқариб ташлаш учун қурилган гидротехник иншоот

**СУФОРИШ МЕЪЁРИ (NORMAL IRRIGATION)** – муайян майдон бирлигига, бир гал сугориш учун бериладиган сув микдори

**СУФОРИШ ТАРМОФИ(IRRIGATION NETWORK)**– асосий сув манбасидан сугориш майдонига сув етказиб беришни таъминловчи сугориш тизимлари

**СУФОРИШ ТИЗИМИ(IRRIGATION SYSTEM)**– қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш мақсадида, тупроқда керакли намликини таъминловчи гидротехник ва бошқа инженерлик иншоотлари мажмуаси.

**СУВ ТУШИРГИЧ (ТАШЛАГИЧ)(CULVERT STRUCTURE)**– ортиқча ва тошқин сувларни ташлаб юбориш учун ҳовузларда, сув оморларида, каналларда, насос станциясини босимли бассейнларida қурилган айланма канал, сув туширгич, шаршара ва консол шаклидаги сув туширгич гидротехник иншоот.

**СУВ ХЎЖАЛИГИ МАЖМУАСИ(WATER MANAGEMENT SYSTEM)**– сув объектларидан биргаликда фойдаланувчи сув истеъмолчилари гуруҳи.

**СУВ ХАВФСИЗЛИГИ(WATER SECURITY)** - инсон саломатлиги, ишлаб чиқариш жараёни ҳамда атроф-мухитни етарли миқдорда ва сифатли сув билан ишончли таъминлаш

## «Т»

**ТЕЗОҚАР(THE RAPID FLOW OF WATER STRUCTURES)**– нишаблиги ва тезлиги критик қийматлардан катта бўлган новсимон ёки мустаҳкамланган канал кўринишидаги гидротехник иншоот.

**ТОҒ ДАРЁСИ(MOUNTAIN RIVER)**– нишаблиги ва оқим тезлиги катта бўлган дарё, ўзани йирик тоғ жинсларидан ташкил топган, одатда эни тор, ёнбағирлари тик ва тошлоқ.

**ТАБИЙ ОҚИМДА ИШЛАЙДИГАН ГЭС(GES WORKING IN DOMESTIC WASTEWATER)**– бошқарилмайдиган-тартибга солинмайдиган сув оқимида ишлайдиган ГЭС.

**ТАРТИБГА СОЛИНГАН ОҚИМДА ИШЛАЙДИГАН ГЭС (HYDROELECTRIC WORKS IN ZAREGULIROVANNOM STOCK)** – сув миқдорини тартибга солиш учун қурилган сув омборидан узатиладиган сув оқимида ишлайдиган ГЭС.

**ТРАНСПИРАЦИЯ (TRANSPIRATION)** – сув буғининг ўсимлик барглари ковакчаларидан буғланиши.

**ТҮФОН (DAM)** – сув манбаларидаги сув оқимини тўсувчи гидротехник иншоот.

**ТҮЛҚИНЛИ ЭНЕРГЕТИК ҚУРИЛМА(WAVE POWER PLANT)** — денгиз тўлқинлари энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи энергетик қурилма.

**ТУРБИНА ЁКИ НАСОСНИНГ ҲИСОБ СУВ САРФИ (TURBINE AND PUMP SETTLEMENT EXPENSE)** - бир бирлик вақт ичидан насос узатаётган ёки гидротурбинага узатилаётган сув ҳажми.

### «У»

**УСТУНЛИ ГЭС (VYCHKOVA HYDROELECTRICSTATION)** – сув ташловчи тўғоннинг устунлари ичига агрегатлари ўрнатилган ГЭС.

### «Φ»

**ФОТОЭЛЕКТРОН ЎЗГАРТИРГИЧ (PHOTOELECTRIC CONVERTER-)** — фотоэффект асосида, нур-ёргулук энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи қурилма, яъни электронларни ёргулук квантлари билан ҳайдаб чиқариш. Қуёш электростанцияларида қўлланади.

### «K»

**ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЁКИЛГИ (RENEWABLE FUELS)** — энергетика ресурслари- табиий жараёнлар натижасида мунтазам тўлдириладиган табиий энергия ташувчилари. Қайта тикланадиган ёкилги-энергетика ресурслари қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган, яъни:

- қуёш нурлари, шамол, дарёлар, денгизлар ва океанлар энергияси, Ер шарининг ички иссиқлиги;
- ўсимликшунослик ва чорвачилик, сунъий ўрмонлар ва сув ўтлари чиқиндилар сифатида олинадиган барча турдаги биомассадан фойдаланиш асосида ҳосил бўладиган энергия;
- ўсимлик биомассасини бевосита ёқишидан олинадиган энергия.

**ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГЕТИКА (RENEWABLE ENERGY)** – қайта тикланадиган манбалар энергиясини энергиясининг бошқа турларга айлантириш билан боғлиқ энергетика соҳаси.

**ҚУВВАТ(POWER)-**бир бирлик вақт ичидан насос агрегати истеъмол қилган ёки ГЭС агрегати ишлаб чиқарадиган электроэнергия миқдори, кВт

**ҚУРГОҚЧИЛ-АРИД ИКЛИМ(ARID CLIMATE)** – қишлоқ хўжалик экинларини суформай парвариш қилиш учун ҳаво температураси юқори ва атмосфера ёғингарчиликлари кам бўлган иқлим.

**ҚУЁШ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ-КЭС (SOLAR POWER STATION-SPS** – қуёш нурларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган электростанция

### «III»

**ШАМОЛ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ – ШЭС (WIND POWER STATION-WPS)** — шамол энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи, бир неча шамол энерго қурилмасидан (ШЭК) ташкил топган электростанция

**ШОВУШ(HANGING ICE DAMS)**— сувга бўккан қордан, сув юзасида оқиб келувчи муз парчаларидан, майда синик ва қирғоқ музларидан ҳосил бўлган, сув юзасида харакатланувчи юмшоқ йиғинди.

### «Э»

**ЭНЕРГИЯ (ENERGY)** – бажарилган иш микдори ёки узатилган иссиқлик микдори.

**ЭНЕРГЕТИКА (POWER)**— энергетика ресурслари, турли хил энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, қайта ўзгартириш, жамғариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олевчи иқтисодиёт, фан ва техника тармоғи.

**ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ (POWER SYSTEM)**— бир бирига уланган ва энергияси хамда иссиқликни узлуксиз ишлаб чиқариш, ўзгартириш ва тақсимлашда умумий режимини бошқаришда бир – бири билан боғлиқ бўлган электр станциялар, электр ва иссиқлик тармоқлари мажмуаси.

**ЭКОЛОГИЯ(ECOLOGY)** – комплекс фан бўлиб, тирик жонзотларнинг яшаш жойларини тадқиқ қиласи, шу жумладан инсонни ҳам, ва ҳар хил иерархик даражадаги экотизимнинг харакатдаги қонунларини ўргаади

**ЭКОТИЗИМ (ECOSYSTEM)** -ўз таркибига тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитларини қамраб олган ҳамда бир-биридан ўзаро чекланган ва бир-бирига ўзаро боғлиқ функционал тизим.

### «Ю»

**ЮҚОРИ ВА ПАСТГИ БЪЕФ(THE UPPER AND LOWER REACH)** - Дарё, канал ёки сув омборидаги димлаш иншоотига тирадан юқори оқим (юқори бъеф) ва қуий оқим (пастги бъеф) томонларидаги сув сатҳи

### «Х»

**ҲАВЗА-БАССЕЙН(BASIN)**-дарёлар ёки кўлларни сув йиғиш майдони.

**ҲИСОБ БОСИМИ (CALCULATED PRESSURE)** – турбинанинг ҳисоб қувватини ишлаб чиқара оладиган энг кам босим.

**ҲАҚИҚИЙ СУВ САРФИ(HOUSEHOLD CONSUMPTION)**–аниқ бир створдан табиий оқиб ўтадиган сув сарфи.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Рахбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз-эркин ва фаровон, демократик хаёт қуриш. Т. Ўзбекистон, 2015.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. - 384 б.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъруzasи // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

6. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон, Тошкент, 2017. – 104 бет.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016. -56 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -48 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017.

## **II. Меъёрий- хукуқий хужжатлар.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог қадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик қадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли Қарори.

## **Махсус адабиётлар.**

1. Аллаев К.Р. Энергетика мира и Узбекистана. Учебное пособие, издательства “Молия”, Ташкент, 2007. -388 с.
2. Advenced Rene-wable Energy Sources Cambridge, UK, 2012 (English).520-535 p.
3. Колпакова Т.А. Комбинированное использование водных потоков для ирригационных и энергетических целей (рукопись). Стеклография САИТИ, Ташкент, 1933. – 110 с.
4. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У.Энергетические установки малой мощности на базе возобновляемых источников энергии. Ташкент, ТашГТУ, 2011. - 159 с.
5. Majidov T.SH. Noana’naviy va qayta tiklanuvchi energiya manbalari. Darslik, “Voris” nashriyoti, Toshkent, 2014. -168 b.
6. Мухаммадиев М.М. ва бошқалар. Гидротурбиналар. Тошкент, 2006. –152 б.
7. Мухаммадиев М.М., Потаенко К.Д. Возобновляемые источники энергии. Учебное пособие, Ташкент, 2005. – 214 с.
8. Бадалов А.С., Зенкова В.А., Уралов Б.Р. Гидроэлектростанциялар. ТИМИ, Тошкент, 2008. – 152 бет.
17. Имомов Ш.Ж. и другие. Альтернативное топливо на основе органике. “Фан”, Ташкент, 2013. -260 с.
18. Латипов К.Ш. Гидравлика, гидромашиналар ва гидроюритмалар. –Т.: Ўқитувчи, 1992. - 335 б.

## Интернет ресурслар